O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB ... INV №

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 12 июнь, жума № 24 (2307). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 12 июня, 2009 год, № 24 (2307). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

ҲАРБИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИМИЗДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТУБДАН ЎЗГАРМОҚДА, УЛАРДА БЎЛҒУСИ ОФИЦЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАРБИЯЛАШ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ТЎЛА МОС КЕЛАДИГАН, ПРИНЦИПИАЛ ЖИҲАТДАН МУТЛАҚО ЯНГИ БЎЛГАН ЎҚУВ-ТЕХНИК ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН АСОСИЙ ТАНТАНАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз пойтахти азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйига бағишлаб мамлакатимизда кенг кўламдаги тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти иштирокида нишонланаётган бу санага халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида қизиқиш ва эътибор тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини унинг юртимиз ва минтақамиз тарихидаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги тутган беқиёс ўрни ва мавқеига муносиб тарзда юқори савияда нишонлаш ҳамда бу тарихий санага бағишланган асосий тантаналар ва оммавий сайилларни чуқур ўйланган дастур асосида мазмунли ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган қарорига қўшимча равишда 1-иловага мувофиқ чора-тадбирлар режаси қабул қилинсин. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва байрам концертини тайёрлаш бўйича ташкилий-ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш санасига бағишланган тантанали мажлис ва концерт дастурини 2009 йил 1 сентябрь куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида, оммавий тадбирлар ва халқ сайилларини эса 2 сентябрь куни пойтахт майдонларида ўтказиш ҳақидаги таклифлар маъқуллансин.

3. Мустақиллик куни ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида 2009 йил 29 август шанба дам олиш куни 2009 йил 31 август душанба кунига, 2009 йил 30 август якшанба дам олиш куни 2009 йил 2 сентябрь чоршанба кунига кўчирилсин. 29 август шанба ва 30 август якшанба кунлари иш куни деб эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 10 июнь

## САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июнь куни Оқсаройда Саудия Арабистони Подшоҳлиги молия вазири Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассафни қабул қилди.**

– Саудия Арабистони – улкан салоҳиятга эга давлат,– деди Ислом Каримов. – Ўзбекистон Саудия Арабистони билан муносабатларга алоҳида эътибор билан қарайди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар, хусусан, сармоявий ҳамкорлик фаоллашиб бормоқда. Жумладан, Саудия Арабистони Тараққиёт жамғармаси вакиллари ҳам иштирок этган Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг 2007 йил Тошкентда ўтган мажлисида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган йигирмага яқин устувор лойиҳани амалга ошириш учун 800 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб қилишга келишилган эди. Бу лойиҳаларда Саудия Арабистони Тараққиёт жамғармасининг иштироки салмоқли бўлади.

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида икки томонлама солиқдан қочиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялашга оид битимлар амал қилмоқда. Ҳукуматлараро қўшма комиссия мунтазам равишда ўз мажлисларини ўтказиб туради. Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланган. 2009 йилнинг апрелида ҳаво транспорти қатнови тўғрисида ҳукуматлараро битим қабул қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар Ислом конференцияси ташкилоти ва Ислом тараққиёт банки доирасида ҳам изчил ривожланмоқда.

Саудия Арабистонида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» асари араб тилида нашр этилган. Саудия Арабистони Ўзбекистонга асрлар давомида ислом меросини бойитган, ислом маданияти ва цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар юрти сифатида ҳам катта эҳтиром билан қарайди. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам Саудия Арабистонида катта мамнуният билан қабул қилинди. Шу муносабат билан юртимизда ўтказилган йирик халқаро тадбирларда Саудия Арабистони вакиллари фаол иштирок этдилар.

2006 йилда Подшоҳ Файсал номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказида «Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани ривожида тутган ўрни» мавзуида илмий анжуман ўтказилди. Хоразм Маъмун академияси билан мазкур марказ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Саудия Арабистони фольклор дасталари Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассаф самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Саудия Арабистони молия муассасалари Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларга катта қизиқиш билан қарашини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

***Мардлар касбин танлаганмиз, мардона!***

## ШУ СОНДА


- Устувор вазифалар ижроси йўлида — 2
- Жаҳон иқтисодий инқирози ва хавфсизлик муаммолари — 3
- Эл меҳрига эга хонадон — 8
- Нанотолалар орқа мия фаолиятини тиклайди — 11
- TV дастур — 12-13
- Самое короткое время заправки самолета — 15
- Сайёрамизнинг энг кекса фуқароси — 16
- Модернизациялаштириш самаралари — 17
- Армиячи Ҳасанов — жаҳон чемпиони — 22
- «Ягонасан, муқаддас Ватан!» — 24





4 МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА
КЎКСИДА МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНЛАРИ БОР





5 ДАВЛАТ ИМТИҲОНЛАРИДА
БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАР – СИНОВЛАРДА ТОБЛАНАР





19 АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ
ОФИЦЕРЛИК САРИ ҚАДАМ





21 МАЪНАВИЯТ
ТАНОВАР ОРЗУСИ

# ЖАРАЁН

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 июнь куни Оқсаройда Баҳрайн Подшоҳлиги молия вазири шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифани қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари Баҳрайн Подшоҳлиги молия вазирининг мамлакатимизга мазкур ташрифи Ўзбекистон ва Баҳрайннинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши муштараклигидан далолат беришини қайд этди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида араб давлатлари билан муносабатлар устувор ўрин тутади. Шу маънода Баҳрайн билан ҳамкорлик мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Баҳрайнда ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик юксак қадрланади. Чунки юксак иқтисодий салоҳиятга эга Ўзбекистон ўз минтақасида хавфсизлик ва барқарорликнинг асосий кафолатидир. Ҳамкорлик эса фақат тинчлик ва барқарорлик шароитида ривожланади.

Ўзбекистон ва Баҳрайн ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Бу халқаро майдонда мамлакатларимиз бир-бирининг нуқтаи-назарини қўллаб-қувватлашига хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, томонлар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланаяпти, деб бўлмайди. Нефть ва газни қайта ишлаш, нефть кимёси, банк-молия сектори, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик – булар ҳамкорликнинг истиқболли соҳаларидир. Транспорт коммуникациялари юксак ривожланган бонс кўплаб трансмиллий корпорациялар ўзининг бош қароргоҳини Баҳрайнда очган. Мамлакатда саксондан зиёд хорижий банкнинг филиали фаолият юритади. Улар амалга оширадиган операциялардан тушадиган даромад Баҳрайн ялпи ички маҳсулотининг 20 фоизини ташкил қилади. Бу мамлакатимизга Баҳрайн билан алоқани кенгайтириш орқали йирик фирма ва компаниялар, банклар билан ҳамкорликни ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистон ва Баҳрайн гуманитар соҳада ҳам улкан имкониятларга эга. Мамлакатларимиз олимлари, маданият ва санъат намояндалари, спортчилар ўртасидаги алоқалар халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифа Ўзбекистонга ташрифи асносида қатор вазирлик ва идораларда музокара ўтказиб, ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашганини мамнуният билан таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

## БАҲРАЙН ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

**Баҳрайн Подшоҳлиги молия вазири Шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифа раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев билан учрашди.**

Юртимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида солиқ сиёсатини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Солиқ юкининг йилдан-йилга пасайиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама манфаатли асосда ривожланиб бормоқда, – деди Шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифа. – Мамлакатингиз барча соҳаларда жадал тараққий этаётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни, айниқса, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Бугунги мулоқотлар истиқболда янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун яхши замин бўлади.

Меҳмонлар юртимизда хорижий инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратиш, томонларга тенг манфаат келтирадиган иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишни давлат даражасида қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бердилар. Томонлар солиқ соҳасидаги икки томонлама келишувларни такомиллаштириш юзасидан фикр алмашдилар.

Баҳрайн делегацияси Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ҳам музокара ўтказди. Суҳбат якунида икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Меҳмонлар Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилдилар. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

**(ЎзА).**

## HAFTADAN HAFTAGACHA

Самарқанд шаҳрида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида «Исузу» русумли 200 та янги автобус қатнови йўлга қўйилди.

«Самарқандйўловчитранс» шўъба корхонаси томонидан «Ўзавтосаноатлизинг» компаниясидан лизинг асосида харид қилинган ушбу автобуслар шаҳардаги 23 йўналишда ҳаракат қила бошлади.

Янги автобусларнинг ҳаракат бошлаши билан 300 дан зиёд киши доимий иш билан таъминланди.

●

Бухоро туманидаги «Севинч чашмаси» қўп тармоқли масъулияти чекланган жамиятида шифобахш маъданли сув ишлаб чиқарилмоқда. 1200 метр чуқурликдаги манбадан олиниб, замонавий технология асосида 1,5 литрли идишларда қадоқланаётган маҳсулотга талаб катта.

– «Севинч» маъданли суви ошқозон-ичак, буйрак ва қандли диабет хасталиклари билан оғриган беморлар учун жуда фойдали, – дейди корхона раҳбари Нажмиддин Рўзиев. – Шу бонс ҳам маҳсулотимизга буюртмалар кўпаймоқда. Яқин ойларда Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасига ҳам маҳсулот етказиб беришни мўлжалламоқдамиз.

Ўнга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада ҳар соатда ўртача 2 минг дона идишга сув қадоқланаяпти. Лойиҳа қуввати ўзлаштирилгач, бу кўрсаткич ҳам, иш ўрни ҳам икки баравар ошади.

●

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган қулай шароитлар қишлоқларга саноатни олиб киришда, замонавий кичик корхоналарни барпо этишда муҳим омил бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Сурхондарё вилоятида ўндан ортиқ ана шундай корхона иш бошлади.

Қизириқ туманидаги «Аббос Абдуолимов» хусусий корхонасида шифобахш минерал сув ва чанқовбости ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Зарбдор маҳалла фуқаролар йиғинида ишга туширилган мазкур кичик корхонада ўн нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланди.

– Замонавий технология билан жиҳозланган корхонамизда беш турдаги ичимлик ишлаб чиқарилаяпти, – дейди корхона раҳбари Абдимўмин Қулматов. – Сифатли қадоқланган маҳсулотларимиз пешма-пеш вилоятдаги буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Келгусида ишлаб чиқариш қувватини ошириб, маҳсулот турини янада кўпайтиришни мўлжалламоқдамиз.

●

Паррандачиликда наслчилик ишларини ривожлантириш иқтисодий самарадорликнинг ошишида муҳим ўрин тутади.

Шаҳрисабзлик тадбиркор Файзулла Саломов цех ташкил қилиб, аҳоли ва паррандачилик фермер хўжаликларига наслли жўжа етказиб беришга аҳд қилди. Ишни тумандаги «Дон-халқ ризқи» корхонаси ҳомийлигида замонавий технология сотиб олишдан бошлаган тадбиркор яқинда 50 минг жўжа очиришга мўлжалланган яна бир инкубация ускунасини ишга туширди.

Айни пайтда паррандачилик корхонаси парҳез гўшт етиштирувчи ўнлаб фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига ойига етти-ўн минг дона атрофида жўжа етказиб бермоқда.

– Ушбу корхонадан сотиб олинган ўн мингта жўжа зооветеринария текширувидан ўтказилган, паррандачилика мўлжалланган махсус технологияларни қўллаган ҳолда, инкубацион усулда очирилгани боис соғлом ўсмоқда, – дейди Китоб тумани Паландара қишлоғидаги хусусий тадбиркор Абдували Даллиев. – Тез орада истеъмолчиларга сифатли ва арзон парҳез гўшт етказиб бера бошлаймиз.

**ЎзА материаллари асосида тайёрланди.**

Ҳарбий коллегия

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллигига бағишланган Мурожаатида миллий армиямиз салоҳияти, куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтириш борасида олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб бергандилар. Хўш, жорий йилнинг ортда қолган даври мобайнида бу борада нималарга эришдик? Муваффақиятларимиз, камчилигимиз нимада? Қуролли Кучларимиз нуфузи янада ошиши, Ватан ҳимоячиларининг маҳорат, матонат бобида ҳеч кимдан кам бўлмаслигини таъмин этиш йўлида яна нималарга эътибор қаратмоғимиз керак?.

Яқинда Мудофаа вазирлигида ўтказилган Ҳарбий коллегияда Президентимиз Мурожаатида олдимизга қўйилган устувор вазифалар ижроси билан боғлиқ масалалар ва уларнинг таҳлилига эътибор қаратилди.

Мудофаа вазири генерал-майор Қ.Бердиев ўз сўзида давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар йўлида амалга ошириб келинаётган муҳим ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, сўнгги пайтда террорчилик ва экстремистик ҳаракатларнинг фаоллашгани, наркоагрессиянинг кўлами тобора кенгайиб, халқаро хавфсизликка таҳдид солаётгани, буларнинг барчаси танлаган стратегиямиз асосида армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш, уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтиришни тақозо этишини таъкидлади.

Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор А.Косьяненко жанговар тайёргарлик самарадорлигини ошириш, қўшинларда ташкилий-штат тузилмасини янада такомиллаштириш борасида қилинаётган ишлар, олдимизда турган муҳим масалаларга эътиборни қаратди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Ҳамроқулов ўз маърузасида Президентимиз Мурожаатидан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада шакллантириш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга тўхталди.

Шунингдек, Ҳарбий коллегия ишида маърузачилар миллий армиямизни замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қуроллантириш, муддатли ҳарбий хизматга бир йилда бир марта чақириш тизимига ўтиш муносабати билан мудофаа ишлари бўлинмалари ва бошқармалари фаолиятини қайта кўриб чиқиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, олий ҳарбий таълим муассасаларида интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги вазифалар бўйича қилинаётган муҳим ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтишди.

Шуни фахр, ғурур билан айта оламизки, ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва миллий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган армиямиз юртимиз хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишимизни таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.

Ҳарбий коллегия кун тартибида кўриб чиқилган масалалар ва улар юзасидан қабул қилинган тегишли қарорлар ҳарбий хизматнинг нуфузи, Қуролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янада янги босқичга кўтарилишига хизмат қилажак.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЁШ КАДРЛАР

Мустақилликнинг 18 йиллигига

## КЎКСИДА МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНЛАРИ БОР

Ўн саккиз йил, ўн саккиз довон. Бир йигит вояга етадиган, эл-юрти юкига елка тутишга тайёр бўладиган вақт. Ўн саккиз ёшли бир йигитни биламан. Мўйлаблари сабза уриб, билаклари кучга тўлган. Қўйиб берсанг, тоғни талқон қиламан, дейди. Юрагида юрт ишқининг чўғи бор. Истиқлол тенгдоши яқинда муддатли ҳарбий хизматга келди. Ватан ҳимоячиси деган юксак мақомга эга бўлди.

«Ватанимнинг, юртимнинг сарҳади юрагимдан бошланади. Кўксимда бир қўрғон бор. Уни ҳеч ким забт этолмагай, демакки сарҳадимга дахл қилолмагай». Нигоҳлари шу сўзларни, шу каломни айтди. Юрагидан чиқди, бу оташ.

Бекзод Рўзиев ҳозирча курсант. «Ҳозирча» сўзига бежиз урғу бермаяпман. Негаки саноқли кунлардан сўнг йигит эгнига офицерлик либосини кияди. У истиқлол йилларида шаклланган авлод. Мустақилликка деярли тенгдош авлод. Хўш, олдига қандайин мақсадларни қўйиган? Офицер сифатида юртимиз, мустақиллигимиз ҳимояси йўлида нималар қилмоқчи?

– Замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг кенг жорий қилинаётгани, Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган таълим-тарбия тизими биз бўлғуси офицерларни юртга муҳаббатли, садоқатли, маънавий-ахлоқий етук, профессионал тайёргарликка эга бўлишимизда муҳим омил бўляпти.

Мен бугуннинг офицерини профессионал қобилият ва малакага эга, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал салоҳияти юксак инсон сифатида тасаввур қиламан ва шундайин сифатларга эга бўлишга ҳаракат қиламан.

Йигит юртни асраши керак. Мен касбим масъулиятини билагимдаги куч, юрагимдаги шижоатни халқим хизматига сарфлашда, деб биламан.

Курсант Жамол Мирзаев ҳам шу кунларда давлат имтиҳонларини топширяпти. Ҳадемай елкасига офицерлик погонини тақади.

– Ватаним, халқим тақдири менинг тақдирим билан чамбарчас боғлиқ. «Ўзимни, ўз уйимни ўзим асрамоғим керак», деган ўй билан яшаяпмиз. Ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар замирида мардлар касбини танлаган инсонларга эътибор, ғамхўрлик ётишини яхши биламиз. Мен билим юртида таҳсил олиш давомида буни янада яққол ҳис қилдим. Энди эса бу юксак ишончга, эътиборга муносиб бўлишим лозим.

Ҳа, истиқлолга эришиб, ўз миллий армиямизга асос солганимизда кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратилгани бугун ўз мевасини бермоқда.

Посбонларнинг профессионал даражасини шакллантирувчи, уларнинг жисмонан ва маънан ривожланишини таъмин этувчи кадрларни, миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топган ҳарбийларни тайёрлаш йўлида Жиззахда билим юрти, пойтахтда алоқачиларни тайёрловчи махсус факультет ташкил топгани, шунингдек, мавжуд олий ҳарбий ўқув масканларимизда хилма-хил қўшин турлари учун офицер кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари, умуман мукаммал бир тизим барпо қилинганини бугун ғурур билан эътироф этишимиз мумкин. Хуллас, бундайин ўқув муассасаларимизда ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқларидан, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг илғор тажрибаларидан сабоқлар берилмоқда.

Мустақиллик йилларида камол топган миллий кадрларимиз билан суҳбатлашар экансиз, юраклари Ўзбекистон ҳарбийси бўлишдан, муқаддас заминини, нурафшон келажак сари интилаётган юртимизни ҳимоялашдек масъулиятдан фахрланиш, ғурурланиш туйғулари тепаётганини ҳис қиласиз.

Энг улуғ, энг азиз неъматимиз мустақилликнинг 18 йиллик тўйи арафасида эгнига офицерлик либосини киядиган марду майдонларимизга қараб эса, ана шундай ёниқ туйғулар билан юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида камарбаста бўлаётган авлодга ҳавасингиз келади.

**Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.**



Сержантлар тайёрлаш мактабларида

## ПРОФЕССИОНАЛЛАРНИНГ ЯНА БИР АВЛОДИ



**Яқинда Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида навбатдаги битирувчиларга сертификат ва унвон бериш тантанаси бўлиб ўтди.**

Тантанали тадбирда Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник П.Эргашев, масъул офицерлар, ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, кичик командирларнинг ўз соҳасининг профессионали, билимли ва тажрибали посбон бўлишида, етакчилик, командирлик қобилияти шаклланишида сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўрни ниҳоятда катта. Бу ерда кичик командирлар бир қатор мутахассисликлар бўйича таълим олиб, маҳоратларини оширишади.

Ота-оналар номидан сўз олган кичик сержант Ш.Ҳайдаровнинг онаси Орзугул Нормуродованинг дил изҳорлари битирувчиларни ҳаяжонлантириб юборди.

– Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, билимимни бойитганимдан жуда мамнунман, – дейди курсант Н.Мамасодиқов. – Боиси бу ерда ўз соҳамдан ташқари барча мутахассисликлар бўйича сабоқ олдим. Шартнома асосида хизмат қилаётганимга кўп йиллар бўлган бўлса-да, ҳали кўп нарсани ўрганишим лозимлигини англадим. Машғулотлар кўргазмали қуроллар асосида, тажрибали устоз офицерлар томонидан юксак савияда олиб борилди.

Ҳа, бугунги битирувчилар ҳарбий касбни шарафли билиб, замон талабига монанд олға қадам ташлаётган қалби қайноқ посбонлардир. Уларнинг келажакда профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этишларига ишончимиз комил.

**Майор А. ҲАКИМОВ,**
**Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.**

Место службы – Караульные войска

## ОФИЦЕРСКОЕ СТАНОВЛЕНИЕ

Группа лейтенанта Руслана Бектемирова по итогам прошлого года вышла в лидеры и заняла первое место в подразделении связи. Завоеванные передовые рубежи группа уверенно удерживает и в этом году.

Высокие результаты группы в службе, учебе и дисциплине – это, безусловно, результат упорного труда всего личного состава, каждого солдата и сержанта, но и немаловажную роль в их достижении сыграли личный пример командира группы, его постоянная целеустремленность, высокая работоспособность и ответственность за порученное дело.

– Лейтенант Бектемиров, – характеризует молодого офицера заместитель командира по воспитательной работе офицер Ш. Амониллаев, – служит в нашей части всего год, но уже заслужил прочный авторитет среди личного состава. Это старательный, инициативный и упорный в достижении поставленной цели офицер. Он любит избранную профессию, всегда стремится совершенствовать свое служебное и воинское мастерство.

Офицерскую службу после окончания в 2007 году Ташкентского высшего военно-технического училища МВД Руслан Бектемиров начал вдали от родных мест. До этого была школа в его родном Среднечирчикском районе столичной области, затем Ташкентский республиканский лицей с военно-профессиональной ориентацией, после – военное училище. Выбор трудной профессии офицера, как он сам говорит, предопределило то, что его мать уже многие годы работает в районном отделе по делам обороны, да и сам он с малых лет хотел быть похожим на военных.

В самом начале службы, как и у многих его сверстников, было немало трудностей, перед которыми он не пасовал, а упорно их преодолевал. Рядом с ним всегда были добрые наставники и старшие товарищи, такие как офицеры Х. Холмуминов, С. Абдукаримов и другие, которые помогали молодому лейтенанту, подсказывали, как решить тот или иной вопрос, на что в первую очередь обратить внимание.

Лейтенант Р. Бектемиров учился у них, прислушивался к их советам и рекомендациям. Буквально с первых дней стал четко следовать двум основным правилам работы с людьми: первое – всегда, в любых условиях, и во всем показывать личный пример, и второе – хорошо знать подчиненных, отвечать за них и уметь найти к каждому из них индивидуальный подход, ибо без этого нельзя рассчитывать на какой-либо успех в службе.

– Я, конечно, понимал, что успешное выполнение обязанностей командира группы, – рассказывает лейтенант Р. Бектемиров, – возможно только при дружной, согласованной работе всех воинов, утверждении среди них доброжелательных, уставных взаимоотношений, тем более, что тогда солдаты служили разных призывов. Это важно и сегодня, когда один призыв. Однако воины прибыли из разных регионов, они отличаются друг от друга по возрасту и характеру, уровню физического и интеллектуального развития. А потому я всегда стараюсь глубоко и всестороннее изучать подчиненных и больше уделять внимания здоровью и созданию сплоченного коллектива группы.

Молодой офицер в своей работе умело опирается на младших командиров, постоянно занимается с ними, помогает им выработать в себе такие качества, как внимательное и заботливое отношение к подчиненным, недопустимость в обращении высокомерия, грубости и нетактичность. Настоящими его помощниками ныне являются заместитель командира группы сержант А. Норов, командиры секций младший сержант Е. Бойкузиев и рядовой по контракту Т. Нормухаматов, который после срочной службы остался на контрактную службу.

Постепенно, изо дня в день, набирается опыта в работе молодой офицер, растут его профессиональные знания и навыки. И можно уверенно сказать, что офицерское становление лейтенанта Руслана Бектемирова состоялось. Но, главное теперь – смело и уверенно идти дальше, добиваться большего, и своими каждодневными делами постоянно подтверждать высокое звание передового офицера.

**Н. ЧУРСИНОВ, ветеран войск.**

# ТАЪЛИМ

Давлат имтиҳонларида

## БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАР – СИНОВЛАРДА ТОБЛАНАР

**Айни кунларда юртимиздаги барча олий ҳарбий билим юртларида битирувчи курс курсантлари катта иштиёқ ва масъулият ила давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширишга ҳаракат қилишяпти.**

Дарҳақиқат, олий ҳарбий билим юртларида таҳсил олиб, соҳа сир-асрорларини пухта эгаллашга интилаётган бўлажак офицерларга, миллий армиямизнинг келажак таянчлари, энг асосийси, осойишталик ва осудалик ҳимоячилари, дея қараймиз.

Бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, ҳарбий таълим муассасаларида қатор ўзгаришлар, янгиланишлар қилинган. Билим юртларида таълим дастурлари такомиллаштирилиб, курсантларга чуқурлаштирилган ва замон талаблари асосида билимлар берилмоқдаки, бу ўз навбатида бўлажак командирларнинг ҳар томонлама етук, билимдон ва малакали кадр сифатида камол топишида асосий омил бўлаётир.

Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳам қатор йиллардан буён миллий армиямиз сафларига етук офицер кадрларни тайёрлаб бераётган зиё масканларидан бири ҳисобланади. Бўлажак офицер билан суҳбатлашиш мобайнида шунга амин бўлдикки, ҳар бир курсант қалбида она Ватанга муҳаббат туйғуси, юртга муносиб посбон бўлишдек эзгу мақсад бор.

– Шундай нуфузли ҳарбий билим юртининг курсанти бўлганимдан фахрланаман, – дейди У.Султонов. – Ҳозирда биз учун энг масъулиятли дамлар ҳисобланган давлат имтиҳонларини топшираяпмиз. Жисмоний тайёргарлик ва "Тарбиявий ишлар услубияти" бўйича синовларни аъло баҳога топширдим. Ўқишим давомида устозлардан соҳамга оид билимларни назарий ва амалий жиҳатдан пухта эгаллашга ҳаракат қилдим. Мақсадим давлат имтиҳонларини аъло баҳоларга топшириб, миллий армиямиз сафларида етук офицер сифатида хизмат қилишдир.

– Мана ўқишимнинг ҳам сўнгги йили ортда қолмоқда, – дейди курсант Ф.Мўминов. – Шу давр мобайнида соҳам бўйича зарур билимларни пухта ўзлаштиришга интилдим. Билим юртида биз курсантлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам мукаммал билим олишимизга, ўқиб-изланишимизга катта замин яратди. Давлат имтиҳонларини муваффақиятли якунлаб, Қуролли Кучларимиз сафларида офицерлик фаолиятимизни бошлаймиз. Хизмат мобайнида билим юртида олган назарий билимларимизни амалий машқларда мустаҳкамлаб, тажриба ва маҳоратимизни ошириб, юртга муносиб посбон бўлишга ҳаракат қиламиз.

Автомобилларни сақлаш паркида бўлганимизда, курсантлар техника тайёргарлиги бўйича синовлар топширишаётган экан. Айниқса, зирҳли техникани бошқариш, ундаги кузатув, алоқа ва отиш асбобларининг тузилиши, ишлатилиши бўйича комиссия аъзолари томонидан қўйилаётган барча талабларни курсантлар аъло даражада бажаришмоқда.

– Бу синовлар курсантларнинг ўқиши давомида қай даражада билимга, маҳоратга эга бўлганликларини кўрсатиб бераяпти, – дейди комиссия аъзоси, офицер Содиқ Ниёзов. – Зирҳли техникани бошқариш посбондан катта тажриба ва билимни талаб этади. Имтиҳон давомида курсантларнинг бу вазифани хатосиз ва аниқ, ишонч билан бажаришаётганликлари менда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, курсантлар Демократик давлат қуриш назарияси ва амалиёти, отиш, жисмоний тарбия, тактика, Умумҳарбий низомлар каби қатор фанлар бўйича ҳам синовлардан муваффақиятли ўтишмоқда.

Ишончимиз комилки, битирувчи курс курсантлари давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, билим юртини намунали тугатишиб, Қуролли Кучларимиз сафларида самарали хизмат қилишиб, етук офицер сифатида юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз осойишталиги йўлида камарбаста бўлажаклар.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**









## АМАЛИЁТГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедрасида таҳсил олаётган талабалар айни пайтда дала-ўқув машғулотига жиддий тайёргарлик кўришаётир. 2008 – 2009 ўқув йили давомида ҳарбий техника ва Умумҳарбий низомларни, жанговар ҳамда ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларини назарий жиҳатдан пухта ўрганган талабалар эндиликда олган билимларини амалиётда синовдан ўтказадилар.**

Ёш авлодга ҳарб илми сир-асрорларини ўргатиш, билимларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қолаверса, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, мардлик, жасорат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш устоз офицерлар зиммасидаги муҳим вазифалардандир.

– Ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлишлари, мукаммал билим олишлари, ҳеч кимдан кам бўлмаган, юрт равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган авлод бўлиб вояга етишларига ҳукуматимиз доимо эътибор қаратиб келмоқда, – дейди офицер Одил Нуриддинов. – Шу ўринда ҳарбий кафедрамизда таълим олаётган ёшларнинг соҳа сирларини эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Талабалар машғулотлар мобайнида мавжуд кўргазмали қуроллар ва техника воситаларидан тўлиқ фойдаланишлари мумкин. Уларга малакали ўқитувчилар ва устоз офицерлар томонидан тактика, ўқ отиш тайёргарлиги, ҳарбий топография, Умумҳарбий низомлар каби фанлардан сабоқ берилаётир. Талабалар шу кунларда ойлик дала-ўқув машғулотига тайёргарлик кўришмоқда. Полигонда ўқ отиш, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш, ҳарбий топография, тактика, муҳандислик тайёргарлиги бўйича машғулотлар ўтказилиши режалаштирилган. Амалиётнинг сўнгги кунларида талабалар тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилишиб, давлат имтиҳонларини топширишади.

– Мактабда ўқиб юрган кезларимда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фанидан ўқитувчимиз бизга саф тайёргарлиги, жанговар қурол-яроғларнинг тузилишини, умуман, илк ҳарбий билимларни ўргатган эди, – дейди 3-курс талабаси Баҳром Нормуродов. – Университетга ўқишга киргач, ҳарбий кафедрада билимларимизни янада бойитишга муваффақ бўлдик. Бу борада устоз офицерлар М. Ботиров, О. Нуриддинов, Т. Абдувалиевларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ёзги имтиҳонларимиз ҳам якунланай деб қолди. Сафдошларим билан дала-ўқув машғулотига шайланганмиз. Ҳарбий қисмларга бориб, йил давомида олган билимларимизни синовдан ўтказамиз.

– Ёшлигимдан ҳарбий касб эгаси бўлишни орзу қилиб келардим, – дейди Улуғбек Норқўзиев. – Университетда таҳсил олиш баробарида ана шу орзуимга эришаётганимдан жуда хурсандман.

Ёшларнинг гап-сўзларидан сезилиб турибдики, улар ҳарбий соҳага оид билимларни юксак иштиёқ ва қизиқиш билан ўзлаштирмоқда. Юрт ҳимоясини шараф билган бу ўғлонлар эртага Қуролли Кучларимиз сафлари малакали мутахассислар билан бутланишини таъминлайди. Эл корига камарбаста бўлишга аҳд қилган ана шундай марду майдонларнинг кўплиги эса кўнгилларда бугунги тинч, дориломон кунларнинг бардавом бўлишига ишонч уйғотади.

**Шунқор БЎРИЕВ.**

# ОГОҲЛИК

## «МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ – ЭНГ БУЮК ЖАСОРАТ»





«Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир» деган эди Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида. Зеро, маънавиятга қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий тўсиқлардан бирига айланиб, жамиятни инқирозга олиб келади. Чунки онгги ва қалби заҳарланган инсоннинг эртанги кунга бўлган ишончи сўнади, ўз туғилиб ўсган юрти ва халқидан, иймонидан тонади, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум бўлади. Бугун халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий, информацион курашлар кучайиб бораётган мураккаб, таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни ташкиллаштириш, халқимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч ва осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши кураш олиб бориш барчамизнинг бурчимиз. Шу боисдан ҳам бугун жойларда. Ўқув муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг турли ёт оқимларга кириб қолмаслигини учун маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда, турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Жумладан, Марказий офицерлар саройида Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита, Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган анжуман ҳам фикримиз далилидир.

Қуролли Кучларимизда маънавий-маърифий тарбия ишларини кучайтиришнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида Президентимиз Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида ҳам алоҳида тўхталиб, ҳар бир ҳарбий хизматчининг қалбида, онгида юксак маънавий, ахлоқий фазилатлар ҳам мужассам бўлиши зарурлигини таъкидлаб ўтган:

«Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти, офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши керак».

«Маънавий жасорат – энг буюк жасорат» мавзуидаги мазкур тадбир ана шундай эзгу мақсадга йўналтирилган тадбирлардан биридир. Тадбирда офицерлар ҳамда олий ҳарбий билим юртлари курсантлари иштирок этишди.

Тадбир аввалида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси, фалсафа фанлари номзоди Ортиқбек Юсупов «Давлат ва дин муносабатлари» мавзусида маъруза қилди. Унда мамлакатимизда диний муносабатлар, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек дин ниқоби остида жирканч ишларни амалга ошираётган диний экстремистик гуруҳларнинг фаолиятига тўхталиб ўтди.

– Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатларининг илмий-назарий, ташкилий-амалий асослари билан бир қаторда ҳуқуқий асослари ҳам ишлаб чиқилган. Бу Конституциямиз ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган, – деди О. Юсупов ўз маърузасида. – Эътибор бераётган бўлсангиз, жаҳон миқёсида диний экстремизм, халқаро терроризм, эгоцентризм, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғоялар тарғиб этилмоқда. Фақат маънавияти юксак, баркамол инсонгина бундайин таҳдидларга қарши кураша олади, унинг домига тушишдан омон қолади. Бунинг учун ватанпарвар, миллатпарвар бўлишимиз керак, бу туйғуларни қалбимизга сингдиришимиз лозим.

Шундан сўнг, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Шавкат Тўраев ва Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими мудири Убайдулло Олтиновнинг «Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби маънавий-маърифий тарбия соҳасидаги дастуриламалдир» ҳамда «Миссионерлик ва прозелетизм – маънавий таҳдид сифатида» мавзусидаги маърузалари тинглан-ди.

Маънавий-маърифий тадбир қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчилар томонидан берилган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб беришди. Тадбир ниҳоясида, юқорида тилга олинган диний оқимлар домига тушиб қолган инсонларнинг аянчли тақдиридан ҳикоя қилувчи «Жаҳолат чангалида» видеофильми намойиш этилди.

**Гулнора МУРОДОВА.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

## МАЪНАВИЯТИМИЗГА ҚАРАТИЛГАН ХУРУЖ

Бугунги кунда мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, юртдошларимизни, айниқса ёшларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Умумбашарият маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланган мусулмон маданияти Исломга эътиқод қилувчи кўп сонли халқлар томонидан ривожланиб борган. Хусусан, ислом илми ва маданияти тараққиёти тарихида Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан жуда кўп олимлар борки, уларнинг номи тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилган. Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний шулар жумласидан.

Бугунги кунда ислом динининг «Бешикдан то қабргача илм изла», «Бутун умри давомида ота-онанинг розилигини олиш», «Холисона, Аллоҳ учун яхшилик қилиш, қонунга риоя этиш», «Меҳр-мурувватли бўлиш», «Иймон-эътиқодли бўлиш» каби асосий тамойиллари Ўзбекистонда яшовчи мусулмонларнинг ҳаёт тарзига айланган.

Халқаро Ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентни 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилиниши Осиё қитъасидаги энг кўҳна шаҳарлардан бири, 2200 йиллик тарихга ва бой маданиятга эга бўлган Тошкентнинг дунё тараққиёти тарихида алоҳида ўрин тутишини билдиради. Буни Президентимиз «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи», деб баҳолаган.

Юртбошимизнинг ташаббуси, мустақиллик шарофати билан бунёд этилиб, улкан зиёратгоҳга айланган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий мақбара мажмуаси ҳамда «Ҳазрати Имом» (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимизда ва мусулмон оламида улкан зиёрат масканига айланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, 31-моддаси билан ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги, шунингдек, 61-моддаси билан диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилганлиги ҳамда қонун олдида тенг эканлиги, давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмаслиги кабилар белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида 1991 йил 14 июнда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қонуннинг ижросини таъминлаш ва тегишли назоратни олиб боришнинг амалий механизми сифатида 1992 йил 7 мартда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилди. Бундай тизим Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда жорий этилгани давлатимизнинг муқаддас динимизга бўлган юксак эътиборини билдиради.

Жаҳон миқёсида диний экстремизм, халқаро терроризм, эгоцентризм, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғоялар тарғиб этилмоқда. Турли хил восита, усул-услуб, турлича ниқоблар билан ҳаракатланаётган бундайин нопокларнинг мақсади битта – буюк мақсадлар сари дадил қадам ташлаётган халқимизнинг, айниқса ёшларимизнинг онги ва қалбини турли хил вайронкор ғоялар билан заҳарлаш, эртанги кунга бўлган ишончини сўндириш, тараққиётимизга ғов бўлиш, Ватанимиз мустақиллигига раҳна солишдир. Бир сўз билан айтганда, маънавий таҳдид солишга уринишмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир» деб таъриф берган. Зеро, бугунги кунда маънавиятга қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлиги, унинг миллий манфаатларига қаратилган таҳдиддир.

Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Бугунги кунда хавфсизлигимизга таҳдид солаётган диний-экстремистик гуруҳлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– «Ўзбекистон ислом ҳаракати» («Туркистон Ислом ҳаракати»);
– «Ҳизб ут-таҳрир ал-исламий» («Ислом озодлик партияси»);
– «Акромийлар»;
– «Нурчилар»;
– «Жамияти таблиғи исломий» («Таблиғ») кабилардир.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази талабалар ва ўқувчи ёшларнинг дин ҳақидаги тасаввурлари ва қизиқишларини аниқлаш мақсадида «Ўқувчи ёшлар ва дин» мавзуида социологик сўров ўтказди. Унда Бухоро, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Хоразм, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилояти ҳамда Тошкент шаҳрининг ўқувчи ёшлари иштирок этишди.

Ўқувчи ёшлар «Ўзбекистонда «Ваххобийлик», «Ҳизбут-таҳрир» ёки «Акромийлар» фаолияти ҳақида биласизми?» деб берилган саволга:

36,8% биламиз;
35,9% нимадир эшитганлиги;
27, 3% билмаслиги билан боғлаб жавоб беришган.

Вилоятлар бўйича таҳлил бухоролик, жиззахлик, навоийлик ва сурхондарёлик ёшлар диний экстремистик гуруҳ ва оқимларнинг фаолияти, уларнинг мазмун-моҳиятидан унчалик хабардор эмаслигини билдиришди. Хоразмлик, наманганлик, самарқандлик ва фарғоналик ёшлар эса бу борада кўпроқ маълумотга эга экан.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласининг V бобида "миллий истиқлол мафкурасини халқимиз, айниқса ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш, мафкурамизга зид ғояларнинг зарарли моҳиятини очиб бериш таълим-тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилиши кўрсатиб берилган.

Жумладан:

– таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафкурасини сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш;
– Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;
– ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш;
– мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш;
– педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш.

Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази Республика Маънавият тарғибот маркази билан «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий самарадорлигини ошириш бўйича» ҳамкорлик шартномаларини тузишган. Мазкур келишувга асосан Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм, муассаса ва ташкилотлар билан маънавий-маърифий, мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларини ҳамкорликда олиб борилиши белгиланган. Бугунги кунда бу борада муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Юқоридагилардан шундайин хулосага келиш мумкин: маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж — бу миллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараққиётга чорлайдиган, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга зарба бериши мумкин бўлган хавф-хатарларни англатади.

**Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими.**

# ASKAR

## XIZMATDA TOBLANAR YIGITNING MARDI

Poytaxtlik oddiy askar Qahramon Nazirovdan ota-onasi, qavmu qarindoshlar mamnun. Chunki u Vatan oldidagi konstitutsiyaviy burchini — muddatli harbiy xizmatni sharaf bilan o'tab, komandirlari va ustoz ofitserlari tomonidan berilgan saboqlarni qunt bilan o'zlashtirib, «a'lochi askar» degan nomga sazovor bo'lmoqda. Sababi — uning izlanuvchanligida. Bo'sh vaqtlarda qahramonimizni qism kutubxonasidan topishadi. Bu yerda u harb ilmiga, jangovar san'atga oid asarlarni mutolaa qiladi, ma'naviyatini boyitadi. Qobiliyatli posbon sohaga oid bilimlarni tez o'zlashtiradi, eng muhimi, burchini yurakdan anglaydi.

Shunqor hayot maktabi sinovlarida toblanmoqda, chiniqmoqda. Harb ilmining sirlarini mukammal o'zlashtirishga harakat qilmoqda.

— Harbiy xizmat menga manzur bo'ldi, — deydi lavhamiz qahramoni. — Mustaqillik tufayli o'z ona yurtimizda xizmat qilish baxtiga musharraf bo'ldik. Bugun askarlarga berilayotgan e'tibor, yaratilayotgan shart-sharoitlardan quvonasan, kishi.

Posbon yigit bolaligidan sportga oshno bo'lib ulg'aygan. Mashg'ulotlarda chiniqqanligi unga harbiy xizmat mobaynida anchayin qo'l kelmoqda.

— Oddiy askar Nazirov qismimizda eng faol, intiluvchan sportchi askarlarimizdan. Qolaversa, u kamtarligi, sermulohazaligi bilan safdoshlariga ibrat, — deydi ofitser Vohid Pardayev.

— Bizga harbiylikdan saboq berayotgan ustoz-ofitserlardan minnatdorman. Ularning o'z kasbiga mas'uliyat bilan yondashuvlari, ko'nglimizda sharafli va mas'uliyatli sohaga nisbatan mehr uyg'otganliklari natijasida, bizga kelgusida juda asqotadigan ko'plab bilimlarni egallashga muvaffaq bo'lmoqdamiz. Muddatli harbiy xizmat davomida armiya haqidagi tasavvurlarim tubdan o'zgardi. Qurolli Kuchlarimiz saflaridagi posbonlarning o'qishi, bilim olishi, sohaning asl professionali bo'lib yetishishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratilgani, ko'plab imkoniyatlar berilayotganiga guvoh bo'lib turibman. Ana shunday sharoitlardan bahramand bo'lib xizmat qilayotgan men va safdoshlarim bundayin g'amxo'rlik va e'tibordan minnatdorlik hissini tuyamiz.

Qahramon muddatli harbiy xizmatgacha Toshkent matbaa kasb-hunar kollejida tahsil olgan. Bu ta'lim maskanida u malakali mutaxassis va o'qituvchilardan matbaachilik, noshirlik sir-asrorlarini o'rgangan edi. Kollejda o'qib yurgan kezlari «Sharq» nashriyot matbaa aktsiyadorlik kompaniyasida amaliyotni o'tadi. Aynan mazkur amaliyot o'g'londa kelgusida mohir matbaa ustasi bo'lib yetishishga istak uyg'otgandi. Muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o'tab bo'lgach, oliy o'quv yurtiga o'qishga kirib, tanlagan sohasi bo'yicha yetuk mutaxassis bo'lishga ahd qilgan posbonning niyatlari ushalishiga tilakdoshmiz.

**Jahongir BOYQOBILOV,**
**O'zDJTU talabasi.**



● Sarhadlarda hushyor, sergakmiz har dam

Dil izhori

## TUPROG'ING KO'ZIMGA TO'TIYO, YURTIM

Vatan himoyachilari haqida gap ketganda, ularga tinchligimiz, osoyishtaligimiz posbonlari sifatida ta'rif beriladi. Darhaqiqat, sarhadlarimiz daxlsizligi, osmonimiz musaffoligi, xalqimizning tinch, osuda turmush kechirishi ko'p jihatdan sharafli kasb egalariga bog'liq.

Bolalikdan egnimga harbiy libos kiyishni, sharafli kasb egasi bo'lishni orzu qilib kelaman.

Yillar o'tdi, ulg'aydik. Bolalarcha o'yinqaroqliklar ham ortda qoldi. Endi Vatanimizning, xalqimizning, ota-onalarimizning ishonchini oqlash fursati yetdi.

Qurolli Kuchlarimiz saflarida muddatli harbiy xizmatni o'tab qaytgan amakilarim — Ikrom, Xislat va Akmal Bo'riyevlarning armiyada erishgan yutuqlari, gap-so'zlaridagi qat'iyat, shijoat ko'nglimdagi orzularimni alangalatdi.

Orzuimni ro'yobga chiqarish maqsadida amakilarim bergan maslahatlar asosida sinovlarga jiddiy tayyorgarlik ko'rdim. Buning samarasi o'laroq belgilangan ko'riklar va test sinovlaridan muvaffaqiyatli o'tib, muddatli harbiy xizmatga loyiq topildim.

Qurolli Kuchlarimiz safiga qo'shilganimga, zimmamdagi vazifani ado etishga kirishganimga uncha ko'p bo'lmadi. Ammo o'tgan vaqt ichida ko'p narsani o'rganishga muvaffaq bo'ldim. Shu o'rinda ham ma'nan, ham jismonan yetuk Vatan himoyachisi sifatida shakllanishim, Umumharbiy nizomlar, ijtimoiy-siyosiy, jangovar va jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlarida bilimlarni puxta o'zlashtirishimga yaqindan yordam berib kelayotgan ofitser hamda serjantlarga alohida minnatdorchilik bildirib o'tmoqchiman. Ular timsolida men bugunning professional harbiy xizmatchisi qanday bo'lishi kerakligini yurakdan anglab yetdim. Ich-ichimdan xuddi ulardek mard, jasur, zabardast posbon bo'lishni orzu qilaman.

Hali o'rganishimiz lozim bo'lgan narsalar juda ko'p. Armiyada oladigan bilimlarimiz bizga kelgusida Vatan ravnaqiga munosib hissa qo'sha oladigan barkamol avlod bo'lib yetishishimizda katta ahamiyat kasb etadi. Buni armiyadagi ustoz ofitserlar va serjantlar ham ko'p ta'kidlaydilar.

Vatan! U shunchalar muqaddaski, tuprog'in ko'zlarga to'tiyo aylagaylar. U shunchalik mahobatliki, boshlar bu ulug'vorlik oldida hurmat ila egilgaylar. U shu qadar azizki, qalblarning eng to'rida asragaylar va kezi kelsa, uning uchun jonlarni-da fido qilgaylar.

Men milliy armiyamiz saflarida Vatanimning sheryurak, olovqalb o'g'lonlari bilan birgalikda mamlakatimiz tinchligi, xalqimiz osoyishtaligi uchun mas'ul ekanimdan, sarhadlarimiz daxlsizligini ta'minlashga kichik bo'lsa-da o'z ulushimni qo'shayotganimdan benihoya mamnunman. Hash-pash deguncha muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddati poyoniga yetadi. O'shanda oilam — ota-onam bag'riga yorug' yuz bilan qaytaman.

**Vali BO'RIYEV,**
**oddiy askar.**

Tuhfa

## QASAMYOD KUNI

**Bugun hayotimda unutilmas dam,**
**Ona kabi aziz muqaddas Vatan!**
**Qasamyod qildim men shu Vatan uchun —**
**Yigitlik burchimu ulug' sha'n uchun.**
**Qasamyod qilgandir Temur lashkari,**
**Ona yurt poyiga jon tikkan bari,**
**Shularday Qasamyod qildik bizlar ham,**
**So'nggi nafasgacha deymiz biz Vatan.**
**Sodiq farzand bo'lmoq mening shiorim,**
**Gullasin, yashnasin O'zbekistonim!**

**U. KARIMOV,**
**oddiy askar.**

## VATAN POSBONIMIZ

**Vatan uchun bog'ladik bel,**
**Yuraklarda yonar cho'g'.**
**Qani do'stim saflarga kel,**
**Boshing uzra ko'tar tug'.**
**Bugun Vatan posbonimiz —**
**Hurlik, tinchlik qalqoni.**
**Sergak o'tar har onimiz,**
**Biz istiqlol o'g'loni.**
**Saflarimiz metin qo'rg'on,**
**Mohirmiz jang ilmida.**
**Ozod yurtning nori bo'lmoq,**
**Bizdek mardlar ilkida.**

**Jonibek EGAMBERDIYEV.**

## SHARAFLI KASB EGALARINI SHARAFLAB

Vatan... Vatan deganda qalblar sururga to'lar, ko'ngillar yorishar. Ona so'zi bilan yonma-yon turishining o'zidayoq ko'hna hikmat bor. Vatan saodatmand ma'vo, uning himoyasi muqaddasdir.

Aniq yili yodimda yo'q, «Guliston» jurnalida «Enamning yurti» degan hikoya bosilib chiqqandi. Mazmuni shuki, taqdir taqozosi bilan bolaligida yurtidan chiqib ketgan ayol yoshi bir joyga borib qolganida tug'ilib o'sgan go'shasini qidirishga tushadi. Farzandlari, nabiralariga tug'ilib o'sgan yurtining bog'-rog'li, zilol suvli, xullas, jannatmakon joy ekanligi haqida takror-takror gapirishdan charchamasdi. Nihoyat, uzoq qidiruvlardan keyin ayolning yurti topiladi. Keksa ayol hikoyalaridan farqli o'laroq bo'tana suvli ariqlar, yam-yashil bog'-rog'lar o'rnida esa erta bahordayoq sarg'ayib qoladigan dala-dashtlar... Bundan ayolning hafsalasi pir bo'lgandir, deb o'ylasangiz yanglishasiz. Uning quvonchi ta'rifga sig'masdi. Chunki bu VATAN edi, uning tug'ilib o'sgan yurti, kindik qoni tomgan Vatan...

Vatan himoyasi azal-azaldan or-nomusli farzandlar uchun sharaf sanalgan. Vatanparvarlik tuyg'usi farzandlar qalbiga qalbi uyg'oq onalar allasi, ona suti bilan singdiriladi. Bu tuyg'u yillar davomida shakllanadi, kamolga yetadi. Qalbi shu tuyg'u bilan limmo-lim farzandlar yurtni yanada dovruqli qiladilar, yanada qudratli qiladilar, yanada sha'n-shavkatli qiladilar. Shu sababli ham yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga katta e'tibor qaratiladi.

Joriy yilda Yoshlar teleradiokanalining tashabbusi bilan yana bir ezgu ishga qo'l urildi. Teleradiokanalning harbiy vatanparvarlik dasturlari muharririyati Mudofaa vazirligi matbuot kotibiyati bilan hamkorlikda «FM yoshlar» bevosita muloqot eshittirishini efirga uzata boshladilar. Mazkur eshittirishning ilk soni may oyida Xotira va qadrlash kuni munosabati bilan «Armiya — hayot maktabi» nomi ostida efirga uzatildi. Dastlabki eshittirishdayoq «FM yoshlar» o'z muxlislarini topa oldi. Bunda albatta fidoyi jurnalistlar Olimjon Usmonov, Nargiza Kamolova, Rahima Rahmatovalarning mehnatlarini e'tirof etish o'rinlidir.

Shunisi quvonarliki, Qurolli Kuchlarimizda olib borilgan keng qamrovli izchil islohotlar harbiy xizmat nufuzining salmoqli darajada o'sishini ta'minladi. Milliy armiyamiz saflarida xizmat qilish yoshlarimiz uchun tom ma'noda shon-sharaf ishiga aylandi. Mamlakatimiz yoshlari uchun muddatli harbiy xizmat ulkan imkoniyatlar eshigini ochmoqda.

E'tiborli tomoni shundaki, «FM yoshlar» bevosita muloqot asosan muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan posbonlar hayotiga bag'ishlanmoqda. Eshittirish haqida, uning dastlabki muvaffaqiyatlari haqida harbiy vatanparvarlik tarbiyasi dasturlari muharririyati sharhlovchisi Umida Hasanova shunday deydi:

— Tarbiya hamma davrlarda ham eng murakkab, eng dolzarb vazifalardan sanalib kelingan. Bugungi kunda ham yoshlarimizni milliy istiqlol g'oyalariga sadoqat ruhida tarbiyalash ustuvor ahamiyatga egadir. «FM yoshlar» ham o'z oldiga mamlakatimiz yoshlarini harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalashni asosiy maqsad qilib qo'ygan. Eshittirish efirga uzatilgan kundan boshlab ko'plab telefon qo'ng'iroqlari bo'lib turibdi, maktublar oldik. Bu albatta, ko'proq ota-onalarning askar farzandlari bilan muloqoti natijasi bo'lsa kerak. Aynan ana shu oddiygina muloqotlarda bugungi milliy armiyamizning qiyofasi, askar ulg'aygan muhit, davlatimiz rahbariyatining yoshlarga ko'rsatayotgan yuksak g'amxo'rlik va e'tibori o'z aksini topgan.

Darhaqiqat, yurtimizning nurli ertasi bo'lgan yoshlarga bugun katta e'tibor qaratilmoqda. Muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o'tayotgan askar yigitlar oilalarining ana shu muddat mobaynida turli soliqlardan ozod etilishi, harbiy xizmatni a'lo darajada o'tagan posbonlarning tavsiyanoma bilan taqdirlanishi, birinchi navbatda ish bilan ta'minlanishlari — bularning barchasi ana shu e'tibor va g'amxo'rlikning amaldagi ifodasidir.

«FM yoshlar» kelajakda yana ko'pgina ishlarni rejalashtirgan. Yoshlarni harbiy xizmatga tayyorlash borasida ham hamkorlikda ishlar olib borish mo'ljallangan. O'ylaymizki, mazkur eshittirishning har bir efirga uzatilishida eng qutlug' tuyg'ularning sayqallanishida xizmat qiladigan turfa mavzular yanada mukammal tarzda yoritib boriladi. «FM yoshlar» Vatan himoyachilari va ularning yaqinlari uchun sevimli va qadrli eshittirishlardan biriga aylanadi.

**Inobat IBROHIMOVA,**
**«Vatanparvar» muxbiri.**

# ОИЛА ГУЛШАНИ

## ЭЛ МЕҲРИГА ЭГА ХОНАДОН



Исроилжон билан Жамилахоннинг оила қурганига ўн тўрт йилдан ошди. Албатта, асрлар олдида бу сана денгиздан томчидек гап. Бироқ томчида дунё акс этади деганларидек, оила уммонида бу йилларнинг муҳим ўрни бор. Чунки янги рўзғорни оёққа қўйиш, оилани тадбиркорлик билан бошқариш, хонадонни бирин-кетин қувончга тўлдирган фарзандларни тарбиялаш учун аввало икки ёш ўзаро меҳр-оқибатли бўлиши, ҳар қандай ҳолатда бир-бирини тўғри тушуна билиши, ҳаёт қийинчиликларини сабр ила елкама-елка енгиб бориши лозим. Айниқса, оилавий ҳаётининг дастлабки кунидан бошлаб яқинлари бағридан йироқда, турли гўшаларда, турли шароитларда истиқомат қилувчи ҳарбий оилалар учун ҳаётнинг илк синовлари янада теран кечиши бор гап. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган жуфтлик ҳам ҳаёт синовларини мардонавор енгиб, эл назарига эришган ҳарбий оила етакчилари.

Мен оила бекаси Жамилахон Азизова ҳақида ижодий сафарим чоғида илиқ фикрлар эшитган эдим. Яъни Шимоли-ғарбий ҳарбий округда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмасига етакчилик қилган Жамилахон оз фурсат ичида ўз йўналишида кўп ишларни амалга оширганлигини меҳр билан таъкидлаб ўтишган эди. Тасодифни қарангки, намунали ҳарбий оила бекаси билан Бухоро гарнизонида суҳбатлашиш насиб этди. Келинг, оила ҳаётига назар ташлашдан аввал уларнинг тақдир йўллари қандай бирлашганлигига эътибор қаратайлик.

Олий ҳарбий билим юртини тугатиб қайтган Исроилжонга яқинлари Жамилахонни рўбарў қилишдию, йигитнинг ҳаловати йўқолди. Ишқ аталмиш қадим савдо унинг юрагига муҳаббат оташини солиб улгурган эди. Бу борада ҳарбий йигит келажак бахти учун астойдил «кураш» олиб борди, десак арзийди. Севимли кенжа қизларини бағриларидан узоқлаштиришни истамаган Собиржон ака ва Гавҳар опалар олдига ўзи боришга журъат топди. Ва ниҳоят, ойлар ўтиб, катталар розилиги ила икки ёшнинг тўйи бўлиб ўтди. Севиб-севилган инсонлар учун қандай шароитда бўлмасин бирга яшашнинг ўрни бўлакча. Улар бу борада ҳар қандай ғовни енгиб ўтишга ўзларида куч топа олади. Қаҳрамонларимиз ҳаёти ҳам худди шундай кечди. Офицер Исроилжон Атаханов хизмат бурчи сабаб қай гўшада қад ростламасин умр йўлдоши Жамилахон унга елкадош бўлди. Шу билан бирга Тошкент давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) битирган билимдон ва зукко оила бекаси ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаларида фаолият юритди. Меҳрибон ва талабчан она сифатида эса Дилноза, Шаҳноза ва Исмоилжонларни вояга етказиб келаяпти.

– Аёл, она, рафиқа сифатида ўзимни бахтли инсонман, десам арзийди, – дейди у шу ҳақда сўз кетар экан. – Қаерда истиқомат қилмайлик, имкониятимга қараб мен ҳам ишлашга ҳаракат қилаяпман. Шунингдек, ҳар бир аёл учун зарур бўлган чеварлик, парда дизайни, қандолатчилик, сартарошлик каби касбларни ҳам эгалладим. Бу ҳунарлар айниқса, ҳарбий оила бекалари учун зарур, деб ўйлайман. Оила менинг назаримда икки инсоннинг меҳнати ва саъй-ҳаракати сабаб ривожланиб, камол топиб борадиган маскан. Хонадонда қай даражада илиқ муҳит, ободлик, эр-хотин ўртасида ўзаро меҳр-оқибат бўлса, бу фарзандлар тарбиясида муҳим ўрин тутиши аниқ. Аёл сифатида олдимга қўйган мақсадларимдан бири ўғил-қизларимни ҳарбий оилага муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш. Ўйлайманки, ҳар бир ота-она учун болаларининг юрт корига камарбаста, эл назаридаги инсонлар бўлиши катта бахт.

Фарзандлар тарбиясидаги асосий масъуллик оналарга тушиши табиий ҳол. Бу борада ҳарбий оила бекасининг фикрлари ўринли. Оталар эса ҳамма вақт фарзандларига ўзларининг қатъийлиги, касбу корига бўлган фидойилиги, ҳалол ва бағрикенглиги билан ўрнакдир. Файласуфлардан бирининг «Болаларда Ватанга муҳаббат уйғотишнинг энг яхши воситаси оталарнинг Ватанни севишларидир», деган фикрини инобатга оладиган бўлсак, ҳарбий оилада вояга етган ўғил-қизларни Ватаннинг содиқ фарзандлари, десак арзийди.

Намунали оила бошлиғи Исроилжон ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, мана йигирма йилдан зиёдки, у ҳарбийлар сафида, юрт хизматида. Аввало Наманганнинг Чортоқ шаҳрида истиқомат қилаётган Боймирза ака ва Рислиқ опалар хонадонини маҳаллада ҳурмат билан тилга олишади. Чунки бу оиладаги ўғил ва набираларнинг кўпчилиги ҳарбий хизмат эгаси. Шунингдек, Исроилжоннинг уч амакиси ҳам хизматда ўрин топган офицер. Шубҳасизки, шундай сулола вакили бўлган ҳар бир ўғлон бошқаларга ибрат бўлишга ҳаракат қилади. Қаҳрамонимиз ҳам унга кўз тикиб турган яқинларининг ишончини оқлади. Тажрибали офицерлар сафидан муносиб жой эгаллади. Оилада эса рафиқаси айтганидек, унинг меҳрибон турмуш ўртоғи, фарзандларининг жонкуяр отаси, оилапарвар инсон сифатида таърифлаш мумкин.

Мен бир-бирига меҳри зиёда бу инсонлар билан дилдан суҳбатлашиб, шунга амин бўлдимки, ҳаётидан мамнун инсонларда бир фазилат мужассам, яъни интилиш, изланиш, курашувчанлик. Шунингдек, ҳаёт қийинчиликларини ҳамжиҳатликда енга билиш.

## ФАЙЗЛИ ГЎШАЛАРДАН БИРИ







Ҳарбий оилалар истиқомат қилаётган замонавий услубда таъмирланган ётоқхонадамиз. Энг аввало бизни қувонтиргани бу гўшадаги тартиб-интизом, озодалик бўлди. Табиийки, бунда оила бекаларининг муносиб ўрни бор. Ётоқхона шарт-шароитлари билан танишувни ошхонадан бошладик.

Ошхонада кимдир тушликка овқат тайёрлаётган бўлса, кимдир қатлама нон пишириш билан банд. Яна бир ҳарбий оила бекаси эса қизариб пишган «паҳлава» пишириғини газ печидан олаяпти. Ошхона жиҳозларига эътибор бераман. Янги русумдаги газ плиталари, катта музлаткич, маҳсулотларни тайёрлаш учун махсус столлар, ҳамма-ҳаммаси ҳозиргина ўрнатилгандек ярқираб турибди. Тушлик маҳали яқин бўлганлиги боис, бошқа бекалар ҳам бирин-кетин кириб кела бошлашди. Яратилган шароитдан мамнун бекалар билан дилдан суҳбатлашдик.

– Кўриб турганингиздек, ётоқхонамизда барча шароит муҳайё, – дейди жамоатчилик асосида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Мунирахон Жуманова. – Бу ердаги ҳарбий оила бекалари асосан ёш келинчаклар. Шунинг учун опа-сингил ва яқин дугоналардек аҳил-иноқликда истиқомат қилаяпмиз. Айниқса турли хил пишириқлар, таомлар, салатлар тайёрлашни, чеварлик ва бошқа бир қатор ҳунарларни бир-биримизга ўргатиб келаяпмиз. Барчамиз турли ҳудуддан келганимиз учун ҳар бир вилоятнинг ўзига хос таомлари ва урф-одатларидан бохабар бўлаяпмиз. Бу миллий маданиятимизни ўрганишда, ўзлаштиришда ҳам яқиндан ёрдам бераяпти.

– Мунирахон ҳақ гапни айтди, – суҳбатга қўшилади ҳарбий оила бекаси Назокат Баратова. – Бу ердаги шароитга барчанинг ҳаваси келади. Туғилган кунлар, байрамлар, турли тадбирлар ўтказишимиз учун алоҳида хона мавжуд. У ерда бемалол меҳмон кутишимиз ҳам мумкин. Ётоқхонанинг кир ювиш хонасида эса сўнгги русумдаги кир ювиш воситаси ўрнатилган. Ундан бемалол фойдаланамиз. Ошхона ва кир ювиш хонасининг озодалигига эса барчамиз масъулмиз. Умуман олганда, ётоқхонамизда навбатчилик йўлга қўйилган бўлиб, нафақат озодалик, балки тартиб-интизомга ҳам қатъий риоя этилади.

– Ёнгинамизда жойлашган қисм кутубхонаси биз учун доимо очиқ, – дугонасининг сўзини давом эттиради Наргиза Ражабова. – У ердан ўзимиз истаган китобни олиб, мутолаа қилишимиз мумкин. Бундан ташқари, байрам тадбирлари учун барча қулайликларга эга, замонавий жиҳозланган қисм клуби бор.

Ётоқхона мисолида ҳарбий оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасида давлатимиз томонидан кенг кўламда чора-тадбирлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик.

Инсон қўли гул. Айниқса, аёл бор жойда мўъжизалар яралади. Ётоқхона бекаларининг атрофдаги ерларда ўзлари севган гуллардан ўстиришга ҳаракат қилишаётгани бизни қувонтирди. Ҳарбий оила жажжи фарзандлари учун болалар боғчаси ташкил этилаётгани эътиборимизни тортди. «Юлдузча» номли бу мактабгача таълим муассасаси яқин орада ишга тушаркан. Бу гўшадаги ётоқхона, машғулотлар хонаси, ювиниш хоналари тўлиқ жиҳозланган.

Умуман олганда, ҳарбий оилалар учун яратилган шароитдан кўнгил тўлди. Бу ислоҳотлар замирида Ватан посбонларининг ижтимоий ҳимояси муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

**Саҳифани «Ватанпарвар» мухбири Зулфия ЮНУСОВА тайёрлади.**

# МАСЛАҲАТ

## КЕМИРУВЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШАМИЗ

Кемирувчилар – сут эмизувчилар туркумига кириб, дала, сув ёки чўл шароитида ҳамда аҳоли истиқомат қилувчи манзилларида яшашга мослашган бўлади. Дала, сув ёки чўл шароитида яшовчи кемирувчиларга чўл каламуши, кулранг каламуш, сув каламуши, сариқ ва кулранг юмронқозиқ, қумсичқон киради. Аҳоли яшаш манзилларида эса кўпинча уй сичқонлари, кулранг ва қора каламушларни учратиш мумкин. Кемирувчилар танасининг катта-кичиклиги, тана тукларининг ранги, овқатланиш ва яшаш тарзи, халқ хўжалигига келтирадиган зарарлари ва бошқа жиҳатларига кўра фарқланади.

Эпидемиологик жиҳатдан олиб қаралганда, кемирувчилар қатор юқумли паразитлар ва ўта хавфли касалликларнинг манбаигина бўлмай, кўпгина инфекцияларнинг ташиб юрувчиси ҳам ҳисобланишади. Чунки кемирувчилар уясида турли ҳашаротлар (бурга, кана, чивинлар ва ҳ.к.) яшайди. Улар эса ўлат, туляремия, тери лейшманиози, геморрагик иситма, лептоспирозлар, риккетсиоз касалликлар, тошмали тиф, кана энцефалити каби хасталиклар билан касалланган кемирувчиларнинг қонини сўриб, сўнгра ҳайвон ёки одамларга унинг вирусини юқтиришлари мумкин.

Турар-жой манзилларида яшашга мослашган (сирантроп) кемирувчилар ахлатхоналар, бино ертўлалари ва омборхоналарда яшаб, ўз чиқиндилари билан у ерларни ифлослантирадилар. Бундан ташқари, кемирувчилар халқ ва қишлоқ хўжалигига катта иқтисодий зарар келтиради. Кемирувчилар фақат буғдой ва бошқа донли маҳсулотларни эмас, балки мева ва сабзавотларни, полиз экинларини пайҳон қилиши мумкин. Улар паррандаларнинг полопонларини ҳамда тухумларини ейиши, уй ҳайвонлари ва одамга ҳам ҳужум қилиш ҳоллари кузатилган. Оч қолган вақтда кемирувчилар турли буюмлар, тери маҳсулотлари, анжомларни, мато, китоб, полларни, эшик ромларини, ҳатто бино фундаменти, турли электр кабелларни кемириб ишдан чиқарадилар. Овқат ва сув етарли бўлмаса, 20-25 соат ичида ўладилар.

Эшитиш, ҳид билиш, сезиш органлари жуда яхши ривожлангани сабабли, озиқ-овқат маҳсулотларини тез топа билади, жойларни ўз хотирасида яхши сақлаб қолади.

Кулранг каламуш бир сутка давомида 12–50 граммгача турли озуқалар истеъмол қилади. Бир жуфт каламуш авлоди йил давомида 800 тадан 1000 тагача етиши мумкин. Уй сичқони эса бир йилда 3–8 марта 4–8 тадан болалайди ва ўртача 1–3 йилгача умр кўради. Кемирувчилар билан курашиш жуда мураккаб, шу сабабли, уларга қарши кимёвий моддалар қўшилган тайёр заҳарли хўраклар ишлатиш мақсадга мувофиқ. Кемирувчиларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар «родентицидлар» дейилади. Заҳарли хўраклар кичик порцияларда сичқонлар юриши мумкин бўлган жойларга, девор остига, бурчакларга, тешиклар олдига, жавонлар ва стол тортмаларига қўйилиши мумкин. Сичқонни жалб қилиш учун хўрак устига бир оз ёғ томизиб қўйиш керак. Бундан ташқари, кемирувчиларни тутиш учун турли воситалар (қопқон, тутқичлар) мавжуд бўлиб, уларга озуқа қўйилади.

Аҳоли яшаш жойларида асосан кулранг каламуш ва уй сичқонларига қарши ўтказиладиган асосий профилактик тадбирлари қуйидагилар ҳисобланади:

– омборлар ва дўконларда озиқ-овқат маҳсулотларини кемирувчилардан ҳимоялаш учун махсус идишлар ва жавонларда тўғри сақлаш;

– ахлатлар ва овқат чиқиндиларини махсус ажратилган жойларга йиғиб, ўз вақтида ташиб кетиш;

– кемирувчиларни сувдан маҳрум қилиш учун водопровод кранларидан, колонкаларидан, сув ичиш фонтанларидан чиққан сувларни фақат канализация тизимига оқизиш, сув йиғиладиган ўраларни қопқоқ билан ёпиш;

– ҳарбий шаҳарча ва муассаса ҳудудлари, ертўла ва чордоқларни турли кераксиз буюмлар ва чиқиндилардан тозалаш, кераксиз ўраларни, бузилган бино қолдиқларини тозалаб, текислаб қўйиш талаб этилади.

**Тиббий хизмат майори**
**Н. ТОШПЎЛАТОВ,**
**Мудофаа вазирлиги**
**Санитария-эпидемиология**
**маркази мутахассиси.**

## ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ШИФОКОРЛАРИ АНЖУМАНИ

**Пойтахтимизда шошилинч тиббий ёрдам тизими шифокорларининг биринчи анжумани бошланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда Франция, Туркия, Россия, Украина, Буюк Британия, АҚШ, Ҳиндистон каби йигирмага яқин мамлакатдан мутахассислар иштирок этмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори А. Ҳожибоев Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1998 йилда ишлаб чиқилган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид давлат дастури тиббиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш, шифо масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, профилактика, диагностика ва даволаш ишларини такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу йўналишда белгиланган вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида жаҳон андозалари даражасидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. Жаҳон тиббиётининг илғор технологиялари ва ютуқларига асосланган ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Узлуксиз ва малакали хизмат кўрсатишга йўналтирилган, аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга мўлжалланган шошилинч тиббий ёрдам тизими ўзига хослиги ва кўплаб ноёб хусусиятлари билан дунёдаги бошқа мамлакатлардаги тез тиббий ёрдам кўрсатувчи тузилмалардан ажралиб туради. Ўн йилдан буён фаолият юритиб келаётган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг ҳозирги кунда ўн уч минтақавий, бир юз етмиш уч туман ва шаҳар бўлимлари ишлаб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майда қабул қилинган "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори тизимда амалга оширилаётган илмий-амалий ишларни мунтазам такомиллаштириб бориш, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг жойлардаги тузилмаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, халқимизга кўрсатилаётган тез тиббий ёрдам хизмати сифатини тобора юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Илм-фан фаолиятини ва ўзаро тажриба алмашиш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳадаги ютуқ ва муаммоларни мунтазам таҳлил этиш асосида истиқболдаги вазифаларни белгилаш жамиятнинг бошқа жабҳалари сингари соғлиқни сақлаш тизимини ҳам босқичма-босқич ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шошилинч тиббий ёрдам тизими врачлари ташаббуси билан ана шу йўналишдаги вазифаларни ўзаро ҳамкорликда изчил ҳаётга татбиқ этиш мақсадида бундан икки йил аввал ассоциация ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда ушбу тузилманинг тўрт ярим мингдан зиёд аъзоси бор.

Мазкур анжумандан кўзланган мақсад мамлакатимиз ва жаҳон тиббиётининг шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича эришаётган ютуқлари ва тажрибасини оммалаштириш, дунё илм-фанининг бу йўналишдаги илғор технологияларини чуқур ўзлаштиришдан иборат.

– Президент Ислом Каримов ташаббуси билан яратилган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг "ўзбек модели" хорижий мамлакатлардаги ана шундай тиббиёт тузилмаларидан талайгина афзалликлари билан ажралиб туради, – дейди Россия тез ёрдам илмий-тадқиқот институти директори Сергей Багненко. – Бу тизим, аввало, мамлакатнинг барча ҳудудларини, аҳолининг кенг қатламини қамраб олгани билан диққатга сазовор. Ушбу шифо муассасаларида даволашнинг илғор технологияларидан оқилона фойдаланилаётгани таҳсинга лойиқ.

– Бизнинг госпиталимиз Ўзбекистондаги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази билан бир неча йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда,– дейди Буюк Британиядаги нейрохирургия ва неврология госпитали профессори Майкл Пауэлл. – Шуниси қувонарлики, ушбу марказ фаолияти йилдан-йилга такомиллашмоқда, шифокорларингиз жаҳон тиббиётининг энг илғор технологияларини мунтазам ўзлаштирмоқда. Натижада шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож беморларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатишга эришилмоқда. Бундай ютуқлар, шубҳасиз, инсон ҳаёти ва саломатлигини асраб-авайлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Тадбирда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидаги ютуқ ва тажрибалар, ошқозон, ичак, юрак, қон-томир, буйрак ва бошқа аъзоларнинг оғир хасталикларини даволашдаги янги тиббий технологиялар, травматологик касалликларни микрожарроҳлик усулида даволаш имкониятлари, ангиопластика ва стентлаш амалиётлари сингари долзарб мавзуларга бағишланган маърузалар тингланади ва муҳокама этилади.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Тест

## ҚАНДАЙ ҲАЙДОВЧИСИЗ?

**Ҳаёт ҳаракатланишдан иборат. Кўпчилигингизнинг шахсий машинангиз бор. Унда ишга, уйга, хизмат сафарларига қатнайсиз. Йўлда эса светофор ишораларига, ҳаракатни тартибга солувчи белгиларга бўйсуниш ҳаммага ҳам ёқавермайди. Хўш, сиз қандай ҳайдовчисиз? Ҳайдовчилик малакангиз, билимларингиз ва фазилатларингиз қай даражада? Қуйидаги тест орқали шу саволларга жавоб оласиз.**

**1. Машинада кетаётганингизда ёнингиздаги йўловчи билан суҳбат қуриш диққатингизни чалғитадими?**

а) баъзида шунақа бўлиб туради – 1 балл;

б) йўқ, аммо вазият тақозо этса, гаплашмасликка ҳаракат қиламан – 2 балл;

в) ёнингизда кимнингдир бўлиши сизни зериктирмайди, толиқтирмайди, шунингдек, ҳаракат ва ҳолатларингизни назорат қилиб боради – 3 балл.

**2. Йўл ҳаракати қоидаларига тўлиқ амал қиласизми?**

а) ҳар доим – 3 балл;

б) бу яқин атрофда ДАН ходимлари бор-йўқлигига боғлиқ – 2 балл ;

в) йўқ – 1 балл.

**3. Рулга ўтиргач, тамаки хумори тутиб қолди. Сиз...**

а) албатта, чекаман – 3 балл;

б) чекмайман – 2 балл;

в) кўзлаган манзилимгача сабр қиламан – 1 балл.

**4. Автомобилингизнинг енгил носозликларини тузата оласизми (ғилдиракларни алмаштириш, шамчаларни тозалаш...)?**

а) имкон қадар ўзим уриниб кўраман – 2 балл;

б) ҳа, албатта, бу жуда осон – 3 балл;

в) йўқ, мутахассислар хизматидан фойдаланган яхшироқ – 1 балл.

**5. Олдиндаги машина секин ҳаракатланмоқда. Сиз...**

а) қоидани бузмаган ҳолда уни қувиб ўтасиз – 3 балл;

б) ўзи йўлни бўшатишини кутасиз – 2 балл;

в) агар ишораларингизни эътиборсиз қолдирса, қоидани бузиб бўлса ҳам ундан ўзиб кетасиз – 1 балл.

**6. Йўлда ёнилғиси тугаб ёки бошқа сабабларга кўра ҳаракатланишдан тўхтаган машина ҳайдовчиси ёрдам сўраб қўл кўтарди. Сиз...**

а) шошмаётган бўлсам, ёрдам беришим мумкин – 2 балл;

б) дарҳол ёрдам бераман, ахир қачондир мен ҳам шу ҳолга тушиб қолишим мумкин-да – 3 балл;

в) ёрдам беришни лозим топмайман – 1 балл.

**7. Спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда рулга ўтиришингиз мумкинми?**

а) ҳа – 1 балл;

б) йўқ, ҳеч қачон – 3 балл;

в) айрим ҳолларда – 2 балл.

**8. Вақти-вақти билан шифокор – окулист кўригидан ўтиб турасизми?**

а) бир йилда бир марта – 2 балл;

б) имкон қадар тез-тез кўрикдан ўтиб тураман – 3 балл;

в) фақат кўриш қобилиятим пасайганда унга мурожаат қиламан – 1 балл.

**9. Машинанинг техник ҳолатини қачон текширасиз?**

а) фақат узоқ сафарга жўнашдан олдин – 2 балл;



б) деярли ҳар куни, чунки кутилмаган тасодифларни ёқтирмайман – 3 балл;

в) вақт ва хоҳиш бўлганда – 1 балл.

**10. Йўлда кетаётиб, ҳолсизландингиз. Қандай чора кўрасиз?**

а) машинани тўхтатиб, дам оламан – 3 балл;

б) қувватлантирувчи таблетка ичаман – 2 балл;

в) чарчасам-да, йўлда давом этаман – 1 балл.

**11. Асабий ёки тушкун ҳолда машина бошқарувига ўтирасизми?**

а) ҳа, бунинг хавфли томони йўқ – 1 балл;

б) сафарни кейинроққа қолдираман – 3 балл;

в) тинчланиб олгач ёки кайфиятим яхшилангач, рулга ўтираман – 2 балл.

**ЖАВОБЛАРИНГИЗ:**

**27 баллдан ортиқ.**

Жуда тартибли, рисоладагидек ҳайдовчи эканлигингизга ҳеч бир шубҳа йўқ. Машина бошқарувига ўтираркансиз, нафақат ўзингиз, балки ўзгалар тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишингиз олижаноблигингиздан дарак. Ҳатто йўл-транспорт ҳодисаси юз берганда ҳам ҳамкасбларингизга, жабрланувчиларга малакали ёрдам бера оласиз. Бу борадаги билимингиз, изланувчанлигингизга ҳавас қилса арзийди. Айниқса, йўл ҳаракатларини тартибга солувчи белгилар ва қоидаларга бекаму кўст амал қилишингиз энг катта ютуғингиздир.

**20 – 26 баллдан ортиқ.**

Яхши ҳайдовчи эканлигингиз кўриниб турибди. Маҳорат, ҳайдовчилик маданияти, бошқаларга ғамхўрлигингиз ўрнак бўларли. Лекин ҳар доим ҳам йўл ҳаракати қоидаларига амал қилавермаслигингиз, пайти келса, уларни қўпол равишда бузиб, ўзингиз ва бошқалар ҳаётини хавф остида қолдиришингизни кечириб бўлмайди. Тўғри, сиз буни атай қилмайсиз. "Ниҳоятда шошганимдан шундай қилишга мажбур бўлдим", деб ўзингизни оқлашингиз ҳам мумкиндир. Бир ўйлаб кўринг, мана шу шошма-шошарлигингиз бир кунмас бир кун каттагина ташвиш келтирмасмикин?

**19 баллдан кам.**

Автомобилни бошқаришда малака ва билимларингиз етишмаслигини ўзингиз ҳам ҳис қилиб турсангиз керак. Ҳали жуда кўп нарсаларни ўрганишингиз лозим. Чунки ҳайдовчилик шунчаки рулни айлантириш ёки тезликни ошириш дегани эмас. У ҳам бир илм. Биргина ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишнинг ўзи бу борада етуклигингизни белгилаб бера олмайди. Доимий изланиш, қатъий тартиб-интизом, ўзгаларга хайрихоҳлик, йўл ҳаракати қоидалари ва хавфсизлик шартларига амал қилиш кабиларни мукаммал ўзлаштиргачгина, мақсадга эришишингиз мумкин.

**Жасур НИЁЗОВ тайёрлади.**

# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

## ТАҚДИР ҲУКМИ

### (воқеий ҳикоя)



Саҳарга яқин унинг уйқуси ўчиб кетди. Оҳиста ўрнидан туриб, деразa олдига келди. Осмонга назар солди. Юлдузлар порлаб турибди. «Юлдузлар ҳам биз каби ҳаёт кечирармикан? Агар шундай бўлса, у ерда ҳам тонг отиб, кун ботармикан?» – Хаёли ўзига бемаъни туйилиб, Феруза уялиб кетди.

«Тавба, ёш болага ўхшайман-а, хўш тонг отмасачи? Менга нима?» Гўдаги ғингшиди. Ёнига бориб елкасига бир-икки қоққан эди, чақалоқ яна уйқуга кетди. Ўғлига меҳр билан тикилди. Оппоқ қўлчаларини мушт қилиб олган чақалоқ беозоргина пишиллаб ухларди. Унга бироз муддат термулиб ўтирган Феруза яна хаёллар гирдобига ғарқ бўлди. Яқиндагина новдадеккина қиз эди. Учиб юрарди гўё. Худди қаноти бордек. Кейин эса… учиб кетди… Орзуларига, пок муҳаббатига бегона бўлиб учиб кетди. Бугун у уч фарзанднинг онаси. Унга бошқа қизлардек оқ либос кийиб, ўзга уйга келин бўлиб кириб бориш насиб қилмади. Шундоқ икки-уч аёл қуршовида бошига рўмол ташлаб, худди жувондек узатилиб келди, бу хонадонга. Шулар ҳақида ўйлар экан, кўзларидан қайноқ ёш сизиб чиқаверди. Ўпкаси тўлиб, ёстиққа юзини босди…

Нозима холанинг мана неча кундирки, қўли-қўлига тегмайди. Яна уч кундан кейин қизи Ферузанинг тўйи бўлади. Бугун қизи ва келини қудалариникига бориб, мол ёйиб келишади.

– Ҳамма нарсаларни олдиларингми, ҳеч нарса эсларингдан чиқмадими? – деди Нозима хола синглисининг келинлик сарполарини машинага солаётган Нодирага. –Ҳамма буюмларни бир сидра кўздан кечиринглар.

– Ойижон намунча хавотирланасиз. Ҳамма нарса жойида, биз эсдан чиқарармидик, – келини уни тинчлантирган бўлди.

– Энди айтаман-да. Яна бирор буюмни унутиб қолдириб, қудаларнинг олдида уялиб қолманглар деяман. Барибир, янги келиннинг ҳамма буюмлари тахт бўлгани яхши.

Ниҳоят, улар кетишди. Нозима хола ҳам енгил тортгандай бўлди. «Етказганига шукур. Қудаларим жуда яхши одамлар. Куёвим ҳам бамаъни йигитга ўхшайди. Илоҳим қизимнинг бахти бутун бўлсин». Онасининг айвон рахига суянганча ўйланиб турганини кўрган Феруза худди унинг хаёлидагини уққандек ноқулай аҳволга тушди.

– Ойи, чой дамлаб қўйдим, ичволинг, – қизининг гапидан ўзига келган она сув сепиб, салқинлатиб қўйилган ҳовли ўртасидаги айвонга чиқиб ўтирди. Феруза дамлаб қўйган чойдан ичиб, бироз мизғиб олиш учун кўзини юмди. Тушга яқин мол ёйгани кетганлар келишди.

– Ойи, буюмларни худди айтганингиздек жойлаштирдик. Бирам чиройли уй бўлди. Кўрган одамнинг ҳаваси келади, – Нодира кўзлари қувончдан порлаб, синглисининг уйини мақтай кетди.

– Ҳовли чиннидай тоза, саранжом-саришта. Жуда файзли хонадон экан,– келинойиси Нодиранинг гапига қўшилди. – Яна…куёв болани ҳам кўрдик, – деди у Ферузага маъноли тикилиб. – Келишган, чиройли йигит экан. Бизни кўриб, ёш боладай уялиб кетди. Ишқилиб, феъл-атвори ҳам чиройли бўлсин.

– Ҳа, чирой ҳеч нарсани белгиламайди. Энг асосийси, инсоннинг кўнгли чиройли бўлсин, – Нозима хола келинининг гапини маъқуллаган бўлди. Улар анча пайтгача суҳбатлашиб ўтиришди. Агар куёви Темурбек келиб қолмаганида, бу аёлларнинг ҳангомаси ҳаливери тугамасди. Бироз вақт ўтиб турмуш ўртоғи Салим ака кириб келди. Дастурхон атрофида яна қизғин ва самимий суҳбат бошланди. Феруза эса келинойиси билан ошга уннади. Ошдан сўнг опаси ва поччаси кетишга ҳозирланди.

– Ойи, эрталаб барвақтроқ келишга ҳаракат қиламан, – деди машинага ўтираётган Нодира онасига. – Невараларингизни боғчага ташлайман-у, келаман.

–Унда бугун қолавер, – Темурбек Нодирага қаради. – Жасур билан Зоҳидани боғчадан ўзим олардим.

– Йўқ, барибир уйга бормасам бўлмайди. Эрталаб вақтлироқ келаман деяпман-ку.

– Майли болам, эрталаб шошмасдан келавергин. Иш бўлса қочмас, – Нозима хола ҳам қизининг гапини маъқуллаган бўлди. – Болаларинг ҳали ёш.

Нозима хола куёви ва қизи билан хайрлашиб, дарвозани ёпишга тутинди. Машина жойидан жилди.

– Нега қолавермадинг? Икки кундан кейин тўй бўлса, юмушлар ҳам шунга яраша кўп бўлса керак, – деди Темурбек машина ойнасидан кўчага тикилиб кетаётган Нодирага.

– Билмадим, негадир уйга кетгим келди… Болаларимни соғиндим. Боягина хушчақчақ ўтирган Нодира хомуш бўлиб қолганди.

– Қизиқсан-а, уларни бир ҳафта кўрмагандек гапирасан? Соғинган бўлсанг, эрталаб ёнингга олиб борардим…

– Йўқ, уларни ҳозир кўргим келаяпти, – Нодира бир нуқтага тикилганича паришон бўлиб ўтирарди. Хаёлидан кеча кўрган туши нари кетмасди. Тушида яқиндагина вафот этган бувисига қулоғидаги зирагини берибди. У билан анча вақтгача гаплашиб ўтирибди. Бир пайт ёнларида катта дарё пайдо бўлиб қолибди. «Тавба, уйимизнинг ёнида дарё йўқ эди-ку. Қаердан пайдо бўлди?», деб ҳайрон бўлармиш. Мундоқ қараса, дарёнинг нариги қирғоғида болалари билан Темур акаси турибди. У қанча ҳаракат қилмасин, уларнинг ёнига етолмасмиш. Дадасининг қўлидан ушлаб турган қизи билан ўғли «ойижо-о-он» деб чинқириб йиғлаб, унга талпинармиш. Нодира эса уларнинг ёнига бораман деб, лойқаланиб оқаётган сувга тушиб кетибди.

Эрталаб ўрнидан турганда «тушга нималар кирмайди», деб ўзини овутиб, кўрган тушини унутишга ҳаракат қилди. Кунбўйи ўйламаган эди. Энди эса, яна ёдига тушаяпти, тушини эслаган сари юраги ғашланаяпти. Қулоғининг тагидан болаларининг чинқириб йиғлагани нари кетмаяпти. «Ишқилиб яхшиликка бўлсин», Нодира оғир хўрсиниб қўйди. Хотинининг аҳволи Темурбекни ҳам хавотирга солди.

– Сенга бирон нима бўлаяптими? Ёки… тобинг йўқми? –деди у Нодирага синовчан тикилиб.

– Йўқ, негадир юрагим сиқилаяпти. Шунга беҳаловатман. Ҳозир ўтиб кетади. – Нодира кўзини юмиб ўриндиққа суянди…

Шу кеча Нодиранинг кўзига уйқу келмади. Кўзини юмди дегунча кўрган туши кўз олдида гавдаланади. Ўзини чалғитиб ҳам кўрди. Анча вақтгача синглиси Ферузанинг бўладиган тўйини ўйлаб ётди. Бироз чалғигандай бўлди. Аммо… яна ўша туш таъқиб қилаверди. Худди Темур акаси ва фарзандларидан ажралиб қоладигандек, юраги ўртанди. «Худойим, бирон нима юз берадигандек туйилаяпти. Лойқа сув яхшилик аломати эмас. Тушда марҳумларга нарса бериш ҳам ёмон. Юрагим ғаш. Эрталаб, албатта, садақа бераман». Ана шундай хаёллар билан ўйланиб ётган Нодиранинг тонгга яқин кўзи илинди.

Эрта билан Жасур билан Зоҳидани боғчага олиб кетаётган Темурбек Нодиранинг кечагидан ҳам паришон бўлиб қолганидан хавотирланди. Боя болаларини кийинтираётганида ҳам уларга узоқ тикилиб турди, кейин эса бағрига босиб, уларнинг юз-кўзларидан ўпа кетди. Она-болаларни эшик ёнида кузатиб турган Темурбек ҳам ғалати бўлиб кетди.

«Нодирага бирон нима бўлган. Ҳеч бунақа қилмасди. Ҳар доим кулиб, хурсанд бўлиб юрарди. Икки кундан бери ўзини бошқача тутаяпти. Ёки кеча онасиникида бирон гап ўтдимикан? Майли, ўзига келиб қолар». Темурбекнинг кўнгли ғашланди. Аммо Нодирага сездирмади.

– Сен ҳам ҳозир йўлга чиқсанг керак, – деди у болаларининг кийимларини тахлаётган Нодирага. – Кеча эртароқ келаман, деган эдинг.

– Ҳа, ҳозир йўлга чиқаман. Сиз бораверинг.

– Хоҳласанг ташлаб қўйишим мумкин, – деди Темурбек хотинининг кўнглига қараб.

– Йўқ, мени уйга ташлаб, яна шунча йўлдан ишингизга қайтиб келасизми? Яхшиси, ўзим кетаман.

– Майли, ихтиёринг. Биз кетдик. Эшикни ёпиб олгин.

Болалари дадасига нималарнидир чуғурлашганича зиналардан тушиб кета бошлади. Уларнинг овози узоқлашган сари Нодиранинг юрагидан бир нима чирт-чирт узилаётгандек эди, гўё.

Нодира уларнинг ортидан маъюс тикилганича қолди. Юрагидаги ғашлик… негадир тарқамаяпти. Анча вақтгача маъюс тортиб ўтирди. Бир вақт соатга қаради. «Вой, тўққиз бўлаяптими? Тезроқ кийинишим керак». Ўрнидан турди-да, апил-тапил кийиниб, йўлга тушди. Бекатга келганида автобус эндигина юраётган экан. Улгурди. Аммо… автобус кўп йўл юрмасдан бузилиб қолди.

«Оббо, шошилганда ҳамма иш орқага кетади-да». Нодира автобусдан тушиб, шу яқиндаги бекатга келди. Инсон умри Оллоҳнинг изми билан тақсимланади. Кимнинг қачон, қай ҳолатда ўлим топиши ҳам фақат Яратганга аён. Нодиранинг ўлими ҳам ҳеч кутилмаганида юз берди, буни ҳатто бекатда турган йўловчилар ҳам англолмай қолди. Катта тезлик билан бекатга яқинлашган машина Нодирага урилди. Шу заҳотиёқ жони узилган жувоннинг руҳи осмону фалакда чирқираб қолди…

Машъум воқеа яқинлари учун қаттиқ зарба бўлди. Нозима хола ўзини ҳар ёнга уриб, дод солар, «Вой болам, онанг ўлсин, болам. Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди? Энди қандай чидайман? Болаларингни кимга ишониб ташлаб кетдинг, жон болам?» деб фарёд чекарди. Унинг фарёди азага келганларнинг ҳам кўнглини ўртади.

(Давоми бор).

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

# НАНОТЕХНОЛОГИЯ

## СКАНЕРЛОВЧИ ЗОНДЛИ МИКРОСКОПЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

Сканерловчи зондли микроскопия усули ўзини нанообъектлар ва ўта юқори ечимли юзаликлар хусусиятларини тадқиқ қилишда энг самарали усул сифатида кўрсатди.

Ҳозирда нанотехнологиялар соҳасида янада мураккаб масалалар юзага келмоқда ва бу фойдаланилаётган асбобларга нисбатан янги талаблар қўйилишига олиб келмоқда. Маълумки, замонавий сканерловчи зондли микроскоп (СЗМ)ларнинг кўпчилигини созлаш ўта мураккаб, кўп вақт талаб қилади ва фойдаланувчига ниҳоят даражада боғлиқ, бунинг оқибатида эса ўлчовлар натижаси ёмон тасвирга эга бўлмоқда.

«Аист-НТ» компанияси янги, тўлиқ автоматлаштирилган СЗМ – SmartSPMни ишлаб чиқди. У қайд қилувчи тизимни автоматик равишда созлаш, зондни намунага яқинлаштириш ва сканерлаш параметрларини белгилаш имконини яратади. Асбобни ишга туширишдан сканерлашни бошлашгача бўлган давр 5 дақиқадан кам вақтни эгаллайди. SmartSPM қайд қилувчи лазерни тўғрилаш учун қулай жой танлаш, шунингдек, ўлчовларда аввал кантилеврнинг акс эттирувчи юзасини тестдан ўтказиш имконини беради. Намунанинг горизонтал текисликда жойлашувининг моторлаштирилиши фойдаланувчига сканерлашни ўтказиш зарур бўлган жойни осонгина топиш имконини яратади. Автоматик режимда фойдаланувчи фақат зонднинг асосий параметрларини ва асбоб тизимларининг тўлиқ созланишини амалга ошириш учун сканерлаш майдони кўрсатиши, зондни намуна юзасига яқинлаштириши ва сканерлашни бошлаши лозим, холос. Буларнинг барчаси асбоб билан ишлашни ўрганиш учун талаб қилинадиган вақтни анча қисқартиради ҳамда ундан нафақат илмий, балки ўқув мақсадларида ҳам фойдаланиш имконини беради.

SmartSPMда юқори резонанс частотали (100 мкм) сканернинг янги конструкциясидан фойдаланилгани сабабли, у сканерлашни бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг микроскопларидагига қараганда 10 баробаргача кўпроқ тезликда ўтказиш имкониятини яратади.



## МОЛЕКУЛЯРНЫЙ ТОРМОЗ ДЛЯ НАНОМАШИН

Одним из интереснейших направлений нанотехнологий является разработка молекулярных наномашин. С одной стороны, ученые занимаются этим ради забавы, а с другой, в перспективе подобные машины могут быть использованы, например, для доставки лекарств или манипулирования объектами наномира. Уже удалось создать некоторые компоненты молекулярных машин – колеса, двигатели, приводы и т.п. Однако, как уверяют тайваньские ученые, пока не был изготовлен эффективный тормоз, способный работать при комнатной температуре. Собственно, его они и сделали.

Устройство представляет собой сложную органическую молекулу, отдельные части которой могут вращаться относительно друг друга. Однако под действием света определенной длины волны молекула меняет форму, и вращение блокируется. Скорости вращения во включенном и выключенном состояниях отличаются в 109 раз. Блокировка обратима, и при освещении светом с другой длиной волны тормоз отключаются.




## НАНОФАКЕЛ ДЛЯ ДЕТЕКТИРОВАНИЯ РНК

Группа ученых из Иллиноиса (США) предложила один из возможных способов детектирования РНК в живых клетках. Дело, конечно, не обошлось без наночастиц. Исследователи называют свои частицы «нанофакелами» и говорят, что их использование помогает избежать многих трудностей, связанных с доставкой, стабильностью и токсичностью.

Основу нанофакела составляют золотые частицы, к которым пришиты олигонуклеотидные последовательности. Эти олигонуклеотиды комплементарны небольшой части той РНК, которую в дальнейшем планируется детектировать. Вторая составляющая нанофакела – это олигонуклеотиды, связанные с флуоресцентным красителем и комплементарные уже пришитым к частицам. После гибридизации первых олигонуклеотидов со вторыми получается готовый к работе нанофакел. Он не светится, поскольку используемые золотые частицы размером 13 нм отлично гасят флуоресценцию.

Нанофакелы проникают в живые клетки безо всяких вспомогательных химических соединений, и, по словам исследователей, не токсичны для клеток. После того, как частица попала внутрь, РНК клетки может связаться с комплементарным участком нанофакела и вытеснить из него флуоресцентный краситель, который в этом случае начнет светиться.

Ученые показали, что при помощи нанофакелов можно успешно детектировать наличие интересующих РНК в клетках. Они продемонстрировали это на клетках рака молочной железы человека.



Кроме того, нанофакелы можно применять для регуляции активности генов на уровне РНК. В качестве возможных областей применения исследователи также называют изучение профиля экспрессии генов, сортировку клеток и слежение в реальном времени за откликом клетки на обработку лекарствами.

## НАНОТОЛАЛАР ОРҚА МИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТИКЛАЙДИ

Northwestern University (АҚШ) тадқиқотчилари асаб толалари шикастланган жойларда чандиқлар пайдо бўлишига қаршилик қилувчи ва уларнинг ўсишига ёрдам берувчи суюқ материал яратдилар. Мазкур суюқликдан фойдаланиш жуда қулай – у шунчаки шикаст етган жойга шприц ёрдамида юборилади. Суюқлик таркибидаги молекулалар организмга тушганидан сўнг кальций ва натрий ионлари иштирокида нанотолалардан иборат каркасга ўзаро тўпланади ва унда асаб толалари ўса бошлайди.

Ҳозиргача кўплаб кишилар орқа мия шикастланишидан азоб чекиб келмоқдалар. Бундай шикастланиш натижасида қўл-оёқлар ва танадаги бошқа аъзолар билан алоқа бузилади. Асаб толалари лат еган жойларда уларнинг фаолияти ва ўсишига қаршилик кўрсатувчи бирлаштирувчи тўқималардан иборат чандиқлар юзага келади. Асаб толаларининг тикланиши ўта мураккаб вазифа. Нанотолали каркас юзасидаги биомолекулалар тана ҳужайраларини чандиқнинг бирлаштирувчи тўқимаси эмас, балки асаб тўқимаси сифатида ривожланишга мажбурлайди.

Олимлар томонидан янги суюқлик фалаж бўлган сичқонларнинг орқа оёқлари ишини тиклагани намойиш этилди. Аввалари бундай самарага фақат турли материалларни жарроҳлик орқали имплантация қилиш йўли билан эришиш мумкин эди. Нанотолалар 3-9 ҳафта ичида озиқ моддаларига парчаланиб кетади.

Материал тадқиқотчилар кутганидан ҳам яхши ишлаётгани маълум бўлди. Препарат сичқоннинг орқа миясига шикаст етганидан сўнг 24 соатдан кейин киритилди. Шундан сўнг чандиқ-



лар ўлчами қисқарди, шунингдек, чандиқлар орқали асаб толалари ўсиши содир бўлди. 9 ҳафтадан кейин эса сичқонлар ўз таналари оғирлигини бемалол кўтара олдилар. Ҳозирча тўлиқ тикланиш кузатилмаётган бўлса-да, эришилган ютуқнинг ўзи ҳам катта аҳамият касб этади.

## КОЛЛОИД ЗАРРАЧАЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН ЙИҒИЛИШИНИНГ ЯНГИ ТИПИ

Ҳар бир нанотехнолог ўз-ўзидан йиғилиш – бу жуда яхши жараён эканлигини билади. Сўнгги вақтларда айниқса шарсимон коллоид (кристалланмайдиган, сувда қуюқ эритма ҳосил қиладиган оқсил, крахмал, елим сингари модда) зарраларининг ўз-ўзидан йиғилиши қизғин ўрганилмоқда. Бир томондан, эритмада сузиб юрувчи кичик шарчалар шунчаки оддий объект бўлса, иккинчи томондан – муайян таъсир кўрсатиш ёрдамида улардан жуда мураккаб ва қизиқарли тузилмалар яратиш мумкин.

АҚШлик тадқиқотчилар шарсимон зарраларнинг магнитостатик ўзаро ҳаракатлар ҳисобига магнит суюқликда ўз-ўзидан йиғилишининг янги типини аниқлашга эришдилар. Унинг моҳияти эса қуйидагича. Олимлар полимер коллоид зарраларнинг икки хилидан фойдаланишди. Биринчиси (йириклари) ўз таркибида бир қанча миқдорда суперпарамагнетик аралашмага эга бўлиб, магнит майдонида ўзини суперпарамагнетиклар сингари тутади. Иккинчиси (кичиклари) эса бундай қўшимчага эга эмас ва диамагнит ҳаракатланишни намоён этади. Заррачалар 0.2 дан 10 мкм.гача ўлчамга эга. Бундай заррачалар аралашмаси магнит суюқликка солинганда ва магнит майдонига яқинлаштирилганда иккинчи хилдаги заррачалар биринчи хилдагиларнинг экватори бўйича доира бўлиб сафландилар.

Гап шундаки, биринчи хил заррачаларнинг магнит фурсати ташқи майдон йўналиши бўйлаб сафланишга интилади. Иккинчи хили эса магнит суюқликдаги номагнит бўшлиқни ифодалайди, ўз навбатида уларнинг самарали магнит фурсати бошқа томонга йўналган бўлиб, уларнинг ўзи эса магнит майдони минимал




бўлган жойларга, яъни биринчисининг экватори томонга интилади. Шунга мувофиқ равишда, агар кичик заррачалар ҳам парамагнит бўлса, улар магнит майдони максимал бўлган жойда йиғилади.

Жараённинг бориши ва шаклланаётган тузилмалар кўриниши иккала хилдаги коллоид заррачалар ва Fe 304 нанозаррачалар жойланишига, заррачаларнинг ўзаро нисбатига, шунингдек, магнит майдонининг катта-кичиклигига боғлиқ. Тузилмалар ташқи магнит майдони таъсири остида ташкил топади ва у ўчирилганда парчаланиб кетади. Бундай ёндашув жуда кўп янада мураккаб тузилмалар яратиш имконини беради.

**М. САЙДИВАЛИЕВ** тайёрлаган.

# ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

## ҚИЙМАЛИ ҚАЙИҚЧАЛАР



**Керакли масалliқлар:** 6 дона кўк булғор қалампири; 2 дона пиёз; 500 г қийма; 100 г овсянка; 2 дона тухум; 1 боғ майда тўғралган петрушка; туз ва мурч таъбга кўра.

Булғор қалампирларини ювиб, ўртасидан иккига бўлиб, ичи уруғидан тозаланади. Пиёз майдалаб тўғралади. Қиймага пиёз, тухум, овсянка ҳамда туз, мурч солиб яхшилаб аралаштирилади. Ҳосил бўлган қиймани булғор қалампирларига бир меъёрда солинади. Газ печи ёки қасқонда ёғланган патнисда 15-20 дақиқа давомида пиширилади.

Тайёр бўлган таом кетчуп ёки сметана билан дастурхонга тортилади.

## «АФИНА» САЛАТИ



**Керакли масалliқлар:** 300 г помидор, 300 г бодринг, 200 г булғор қалампири, 200 г пишлоқ, 1 боғ петрушка, 1 чой қошиқ хантал (горчица), 100 г зайтун, 2 ош қошиқ лимон шарбати, таъбга кўра туз ва мурч.

Ўсимлик ёғи, лимон шарбати, хантал, туз ва мурчни чуқурроқ идишга солиб яхшилаб аралаштиринг. Устидан тўрт бурчак шаклида тўғралган помидор, бодринг, пишлоқ, булғор қалампири, зайтун ҳамда майда тўғралган петрушканинг бир қисмини солиб аралаштиринг. Тайёр салатни ликобчага солиб петрушканинг қолган қисми билан безатинг.

## СМОРОДИНОВЫЙ ПИРОГ



**Понадобится:**

**Для теста:** 150 г муки; 100 г молотого фундука; 50 г овсяных хлопьев; 1 яйцо; 2 стол. ложки растительного масла; 2 стол. ложки меда; 100 г сметаны.

**Для начинки:** 500 г красной смородины; 3 белка; соль; 1/4 чайн. ложки корицы; 1 щепотка ванилина; 100 г сахара; 100 г молотого фундука; 2 стол. ложки овсяных хлопьев.

**Приготовление:** Для приготовления теста муку смешать с молотыми орехами и овсяными хлопьями. Яйца взбить с растительным маслом, медом и сметаной. Добавить муку с орехами и хлопьями и все тщательно перемешать.

Нагреть духовку до 200°. Тесто слегка обмять, раскатать на посыпанной мукой рабочей поверхности и выложить в смазанную жиром разъемную форму диаметром 26 см, при этом сделать бортик высотой 3 см. Поставить на 30 мин. в холодильник.

Смородину вымыть, удалить все веточки. Белки взбить на водяной бане с солью, корицей, ванилином и сахарным песком. Осторожно добавить молотые орехи, овсяные хлопья и смородину. Начинку выложить на тесто и разровнять. Выпекать 40 мин.

Идеальный климат

## КРУЧУ, ВЕРЧУ, ОХЛАДИТЬ ВСЕХ ВАС ХОЧУ!

Далеко не у всех дома установлены кондиционеры, поэтому настоящим спасением становится обычный вентилятор. Купить его можно в любом хозяйственном магазине. Стоит он недорого, заказывать транспортировщиков и установщиков не нужно. Принес домой, поставил в удобном месте и наслаждайся прохладой. К тому же небольшой вентилятор удачно впишется в твой интерьер. Пока же ты только собираешься за покупкой, помни, что: настольный вентилятор малоэффективен. Радиус его действия – 1 метр; диаметр напольного должен быть не меньше 40 сантиметров, а мощность – 50 ватт; вентилятор более устойчив, если у него круглая, а не квадратная основа; мелкая защитная сетка удобнее (не просунут руки дети); дороже, но безопаснее вентилятор с регулятором температуры ( а то не заметишь, и тебя просквозит); проверь, не западают ли на вентиляторе кнопки включения-выключения, и послушай, не слишком ли громко он шумит (такой будет раздражать); имей в виду, что существуют вентиляторы, которые можно установить в помещениях с повышенной влажностью (ванная, туалет). Защита от попадания воды делает их полностью электробезопасными.

Вот и все, удачной тебе покупки!



Bolajonlar, sizlar uchun!




## CHO'PON YIGITCHA



Bor ekan-da, yo'q ekan, bir cho'pon yigitcha bor ekan. Uning har qanday savollarga bergan javoblari bilan butun mamlakatga dong'i ketgan ekan. Bu haqda o'sha mamlakatning qiroli ham eshitibdi va bu gaplarga ishonmay, yigitchani o'zining huzuriga keltirishlarini buyuribdi. Va unga shunday debdi:

– Agar sen mening uchta savolimga javob bera olsang, men seni o'zimga o'g'il qilib olaman va sen mening saroyimda yashaysan.

Bola so'rabdi:

– Bu qanday uch savol ekan?

Qirol debdi: – Mening birinchi savolim shunday: dengizda necha tomchi suv bor ekan?

Cho'pon yigitcha javob beribdi:

– Qirol janobi oliylari, dunyodagi barcha daryolarni to'xtatish to'g'risida buyruq bering, ularning biror tomchisi ham dengizga tushmasin, ana shunda men sizga dengiz suvida necha tomchi suv bor ekanligini aytib bera olaman.

Qirol davom etibdi:

– Mening ikkinchi savolim shunday: osmonda necha dona yulduzlar bor ekan?

Cho'pon yigitcha: – Menga katta bir varaq qog'oz bering, – debdi.

U qog'ozga qalam bilan shunchalik ko'p mayda nuqtalarni qo'yibdiki, qarasang ko'zlaring qamashib ketib, ularni sanashning hech iloji yo'q ekan. Va u qirolga qarab: – Mana shu qog'ozda qancha nuqta bo'lsa – osmonda ham shuncha yulduz bor, ularni bir sanab ko'ringchi! – debdi.

Nuqtalarni sanashni hech kim uddalay olmabdi.

Va qirol o'z savollarini davom ettiribdi:

– Mening uchinchi savolim shunday: abadiylikda necha soniya bor ekan?

Cho'pon yigitcha unga javob beribdi:

– Uzoq o'lkalarning birida Ko'hi Qof tog'i bor; uning cho'qqisiga chiqish uchun bir necha soat yurish kerak; uning uzunasi bo'ylab o'tish uchun ham yana bir necha soat yurish zarur bo'ladi va yana bir necha soat vaqt o'sha to'g'ning uchiga chiqish uchun ham kerak. Tog'ning cho'qqisiga yuz yil mobaynida bir marotaba bitta qushcha uchib kelib, o'zining tumshug'ini qayraydi, u butun tog'ni qayrab tugatganida esa abadiylikning birinchi soniyasi o'tar ekan.

Qirol shunday debdi: – Sen mening uch savolimga donishmandlarday javob berding, endi men seni o'g'il qilib olaman, sen mening saroyimda yashaysan.



# БЕКАТ

## СКАНВОРД




**ГАЗЕТАНИНГ 23-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** Кинохроника. Пи. Кўкантой. Томир. Ота. Айил. Лол. Оро. Оразий. Манат. Жаннат. Роман. Канада. Мижоз. Бигиз. Най. Кимоно. Алой. Лена. Тол. Кам. Кран. Бу. Ражаб. Пўлкан.

**БЎЙИГА:** Гадоий. Никулин. Хонтахта. «Оромижон». Ип. Кио. Сатин. Ажнабий. Той. Йил. Ирода. Жанр. Зайтун. Ов. Ним. Гол. Кўкаламзор. Коллеж. Баҳра. Рамазон. Дафтар. Кинескоп. Акмал.

**Фозилжон ОРИПОВ тузди.**

## АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП



Наступает достаточно сложный и ответственный период, которому может сопутствовать сильное внутреннее напряжение. Для достижения успеха в трудах понадобится сила воли, сосредоточенность и душевное равновесие. Помните: если быть оптимистом, то все задуманное исполнится.



Наступает благоприятное время для подписания контрактов и юридических документов, а также для публичных выступлений на профессиональную тему. В успешном течении дел важную роль будут играть предприимчивость, интуиция и полнота владения информацией.



На этой неделе будут благоприятны контакты с руководством – интересующие вас вопросы разрешатся легко и быстро, причем в вашу пользу. Наслаждайтесь полноценной жизнью, но не слишком увлекайтесь денежными тратами. Простите окружающим старые обиды.



Хорошее расположение духа практически гарантировано вам всю неделю. Вы окажетесь востребованным и практически незаменимым человеком. В середине недели постарайтесь не взваливать на себя чужие обязанности, даже если лучше остальных знаете, как все нужно сделать.



Работа – это одна из самых важных задач этой недели. От результата вашего труда может зависеть и настроение, и материальное благополучие. Некоторые планы придется изменить – жизнь будет корректировать их по-своему. Вам может предстоять неожиданная дальняя поездка.



Неделя разделится на две противоположные по смыслу половины: начало хорошо подойдет для завершения начатого ранее, конец же принесет удачу в новых начинаниях. Возрастет творческий потенциал, который желательно направить в любое русло – только не на деловые отношения.



Благоприятная неделя для перехода к новому виду деятельности, изменениям в карьере. Вы способны построить сложнейшую комбинацию ради достижения цели. Вам по плечу одолеть любые трудности. Постарайтесь проявить лояльность к окружающим.



На этой неделе постарайтесь сохранять спокойствие и рассудительность. Не позволяйте себе находиться в плену собственных иллюзий. Попробуйте четко выполнять все свои обязанности. Есть шанс, что ваше трудолюбие не останется незамеченным. Неделя удачна для поездок и путешествий.



Работать на этой неделе придется много, зато результаты порадуют вас. Начальство будет вами весьма довольно, и вы не пожалеете о затраченных силах. Проявляйте меньше эмоций, используйте свои аналитические способности. Неделя хороша для деловых встреч и переговоров.



На этой неделе может возникнуть благоприятная ситуация для осуществления амбициозных планов на работе. Возможно, неделя будет достаточно напряженной из-за увеличения объема работы. Аккуратность и внимательность – ключевые понятия этой недели.



Пора тщательно проанализировать свои действия и сделать соответствующие выводы – для этого вам понадобятся собранность и целеустремленность. Если таким образом вы мобилизуете себя, то обстоятельства на работе сложатся благоприятно для подъема по служебной лестнице.



Не стоит отклонять перспективные предложения. Проявите разумную осторожность при общении с друзьями. Подумайте, сможете ли вы справиться с этой ситуацией. Нежелательны новые знакомства. Наибольшую тягу к трудовой деятельности вы почувствуете в выходные.

## Табассум



### ШУ АҲВОЛДА-Я?

Икки дугона бир пиёла чой устида қизғин суҳбат қуришди.

– Мен табиатни жуда севаман, – деди улардан бири. Иккинчиси эса дугонасини диққат билан кўздан кечириб чиқди ва деди:

– У сени шундай аҳволга келтириб қўйганидан сўнг ҳам-а?

### ЎЗИМИЗНИКИ

– Мен ажойиб кир ювиш машинаси сотиб олдим. У ўзи ювади ва сиқиб беради. Энг муҳими – овози чиқмайди!

– Меники эса ўзи сув тўлдиради, кир ювиш кукуни солади, ювади ва сиқади, лекин, тўғри, қаттиқ овози чиқиб туради.

– Чет элникими?

– Ойниса-ми? Йўқ, ўзимизники!

### САВОЛ-ЖАВОБ

Савол: «Челси» ва «Милан» ўйнаяпти дегани нимани билдиради?

Жавоб: Бу икки миллиардер йигирма икки миллионер қандай ўйнаётганини томоша қилаётганини билдиради.

### АЛМАШТИРАМАН ДЕЙСИЗМИ?

– Кечирасиз, мен сизнинг мушугингизни босиб кетдим. Пул тўлашга ёки уни алмаштиришга тайёрман.

– Алмаштираман дейсизми? Сичқон тутишни биласизми ўзи?

### ТУНГИ СУҲБАТ

Ярим тунда:

– Ойи! Сув олиб келиб беринг!

– Ўзинг туриб, ичиб кел.

– Олиб кела қолинг!

– Ҳадеб минғирлайверсанг – камар билан савалайман.

– Ана, камар олишга турганингизда, бирйўла сув ҳам олиб келасиз!

### ИЛТИМОС

– Менга қаранг, сиз ярим соатдан буён телефон гўшагини кўтарганча жим турибсиз. Қўнғироқ қилиб олишимга рухсат беринг!

– Илтимос, ҳалал қилманг. Мен хотиним билан гаплашаяпман.

### ҚОРА ТУЙНУК

Эр хотинга деди:

– Сен коинотдаги қора туйнуклар ҳақида эшитганмисан?

– Ҳа.

– Ўша қора туйнукка қанча пул ташласанг, барчаси қайтиб келмайдиган бўлиб йўқолиб кетади. Шуни ҳам биласанми?

– Биламан.

– Билмаслигинг ҳам мумкин эмас-да. Чунки сен билан у табиатнинг бир хил ҳодисасисиз!

**С.ПЎЛАТОВ тайёрлаган.**

## Рекорды Книги Гиннесса



Терри Берроу (Великобритания) самый быстрый мойщик окон. Он вымыл 3 офисных окна 1,143х1,143-мм, вставленных в раму 300-мм длины, резиновой шваброй и 9 л воды за 9,91 сек.



Самое короткое время заправки самолета 388,8 л 100-октанового топлива было продемонстрировано наземными службами «Скай Харбор», заправившими самолет «Цессна 310 (N92HH)» 1975 г. выпуска за 3 мин. 42 сек.



Новая игра FUEL уже признана самой глобальной видеоигрой в мире. Общая протяженность шоссе, дорог и пересеченной местности теперь составляет 5560 квадратных миль – более 14 тыс. километров лесов, полей, пустынь и горных склонов.

# ДУНЁ НАФАСИ

## ЭНГ ҚИММАТ СУҒУРТАЛАНГАН АВТОМОБИЛЬ



«Insure.com» портали ҳар йили янги автомобилларнинг суғуртаси нархини ҳисоб-китоб қилади. Яқинда портал ходимлари 300 та янги русумдаги автомобилнинг ўртача суғуртаси билан боғлиқ маълумотларни эълон қилишди.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилда АҚШда энг қиммат суғурталанган машиналар рўйхатини «Nissan GT-R» эгаллаб турибди. Бундайин маркадаги автомобиллар соҳиблари 2533 доллар миқдорида суғурта бадалини тўлашган. Америка бозорида 76840 долларга сотилаётган мазкур автомобиль соатига 300 километргача йўл боса олади.

Энг арзон нархда суғурталанган автомобиль сифатида «Hyundai Santa Fe» баҳоланиб, бадали 832 долларни ташкил этган.

Маълумот учун яна шуни айтиш мумкинки, энг қиммат суғурталанган автомобиллар рўйхати ўнлигини «Dodge Viper», «BMW M6», «Ford Shelby GT500», «Mercedes-Benz G-Class», «Audi S8», «BMW M5», «Hummer H2», «Lexus IS F», «Porsche 911», «Chevrolet Cobalt SS» эгаллаб турибди.

## «ЁВВОЙИ ТАЙГА»ГА САЁҲАТ



Финляндияда қадимги қўриқхона зонасига саёҳат мавсуми очилди. Сайёҳлар ҳафта давомида ўтиб бўлмас чангалзор, ботқоқликлар, аниқроғи ёввойи оламга ташриф буюришади.

Яъни, қизиқувчилар «Ёввойи тайга» номини олган Кумо ва Суомуссальмида бўлишиб, жонзотларни табиий муҳит ва шароитда кузатишлари мумкин.

2008 йилда Европа комиссиясининг «Энг яхши сайёҳлик йўналиши» мукофотини олган бу масканда ёзнинг бошидан 30 сентябргача сайёҳлик юришлари амалга оширилади.

Қизиғи шундаки, ўрмон қаърига яширинган, ов қилишга мўлжалланган уйчалар, ундаги спартанча шарт-шароит нафақат соф табиат, балки тарих билан ҳам юзлаштиради. Уйчалар 4-8 кишига мўлжалланган бўлиб, сайёҳларга ўзи билан уйқу қопчиғи, иссиқ кийим-кечак олиш тавсия этилади.

## 210 САНТИМЕТРЛИК АНДРОИД



Япониянинг «Hajime Research Institute» компанияси мутахассислари ердан оёғини узиб юра оладиган 210 сантиметрлик улкан робот ясашди.

Бу андроидни мутахассислар «Hajime Robot 33» деб номлашган. Бироқ «ўттиз учинчи» бўйига яраша оғирликка эга эмас. Яъни, бор-йўғи 20 килограмм тош босади. Тақдимот пайтида робот 24 секундда 4 метрга одимлади ва қандай қилиб коптокни тепишини кўрсатди.

«Тўғри, у шунчаки улкан, бироқ янада улканроғини – 18 метрлик Gundam андроидини ясаш орзуим», – дейди олим Сакамото.

## САЙЁРАМИЗНИНГ ЭНГ КЕКСА ФУҚАРОСИ



Яқинда Жанубий Африка республикасида сайёрамизнинг энг кекса фуқароси Молоко Темо 134 ёшида оламдан ўтди. 1874 йилнинг 4 июлида дунёга келган хоним бутун умрини ўзи туғилиб ўсган маскани – Зимбабве чегарасидаги Лимпопо провинциясида ўтказди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб тарихий воқеаларнинг, масалан, Трансвааль республикаси ташкил топиши, Британия мустамлакачилари билан уруш, ирқий муаммоларнинг гувоҳи бўлди. Лекин у ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири сифатида 1994 йилда илк бор ирқчиликка йўл қўйилмаган сайловда қатнашганини таъкидлаган.

Узоқ умр кўришнинг сирини Темо хоним иймон-эътиқод ва ота-онага ҳурмат-эҳтиром билан боғлаган. У парҳез сақламаган. Шпинат, гўшт ва ҳатто кока-колани яхши кўрган.

Хонимдан 29 невара, 59 чевара, фарзандларидан фақатгина 90 ёшли қизи қолган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Новая отставка в правительстве Британии

Правительство Великобритании продолжает редеть после скандала с нецелевым расходованием министрами государственных средств. Своего главы лишилось британское Министерство обороны. О том, что Джон Хаттон, назначенный в октябре 2008 года, подал в отставку, сообщил телеканал Sky News. Ранее Хаттон занимал должность министра по вопросам бизнеса, предпринимательства и регулирующей реформе.



### В Китае при сходе оползня погибли 59 человек

В КНР на юго-западе страны, по предварительным данным, 59 человек погибли в результате оползня, сошедшего на территории одного из месторождений железной руды в районе города центрального подчинения Чунцина. Как сообщают китайские СМИ со ссылкой на заявление местных властей, оползень произошел около 15:00 по местному времени в районе месторождения в уезде Улун.



### Гриппом A/H1N1 заразилось 22 тысяч человек

По данным Всемирной организации здравоохранения, по состоянию на начало июня вирусом заразились 21 тыс. 940 человек в 69 странах. Болезнь привела к 125 летальным исходам, сообщается на сайте организации. Как передает ИТАР–ТАСС, США по-прежнему лидируют по числу заболевших: на сегодняшний день лабораторно подтверждены 11 тыс. 54 случая заболевания, из которых 17 закончились смертельным исходом. В Мексике – 5 тыс. 563 человека, умерли 103 человека.



### В Гвинее-Бисау готовился госпереворот

Министр территориального управления правительства Гвинеи-Бисау, желавший баллотироваться на пост президента страны, Бакиро Дабо был убит при попытке ареста. По словам местных властей, Дабо был убит в результате перестрелки с сотрудниками служб безопасности, прибывшими, чтобы арестовать чиновника по обвинению в подготовке государственного переворота.



### В Венесуэле разбился вертолет

Пять человек погибли в результате падения вертолета в расположенном в Андах венесуэльском штате Тачира на западе страны близ границы с Колумбией, передает РИА Новости со ссылкой на латиноамериканские СМИ. По словам министра внутренних дел страны Тарека эль-Айссами, вертолет Bell407, принадлежавший местной гидроэлектрической компании, упал во время облета территории в долинах рек Урибанте и Капаро. Все пять человек, находившиеся на борту, погибли.



### ЕЦБ сохранил ставку на прежнем уровне

Европейский центральный банк воздержался от решительных действий по стимулированию экономики, оставив базовую ставку на уровне 1% годовых и подтвердив намерение выкупить корпоративные облигации европейских банков на сумму 60 млрд. евро.

Как заявил глава ЕЦБ Жан-Клод Трише, в следующие два квартала будут продемонстрированы негативные темпы роста. Позитивные квартальные темпы роста ожидаются только к середине 2010 года.

(www.NEWSru.com).

# ИҚТИСОДИЁТ

## ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Мамлакатимизда экспортбоп маҳсулотлар тури ва ҳажми ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи чорак якунларига бағишланган мажлисида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажми ушбу даврда 6,1 фоизга ортгани қайд этилди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ижросини таъминлаш доирасида экспорт қилувчи корхоналарга уларнинг қарзлари муддатини узайтириш тариқасида ёрдам кўрсатилаётгани ҳам бу борада муҳим омил бўлди.**

Саноат комплексининг самарали фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатига, уларнинг халқаро стандартларга жавоб беришига боғлиқдир.

«Ўзстандарт» агентлигининг маълумотларига кўра, айни вақтда республикамизда 199 та корхона сифатни бошқариш тизимини жорий қилди ва сертификатлади. Нефть-газ соҳасидаги «Муборакнефтгаз», «Устюртгаз» унитар шўъба корхоналари, «Андижоннефть» очиқ акциядорлик жамияти, «Навоийазот», «Жиззах пластмасса», «Қўқон суперфосфат заводи» очиқ акциядорлик жамиятлари каби йирик кимё ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа товар ишлаб чиқарувчилар шулар жумласидандир. Шунингдек, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар тармоғида фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳам сифатни бошқариш тизимини жорий этди ҳамда сертификатлади.

Стандартлаштиришнинг ягона концепцияси ISO халқаро ташкилоти томонидан таклиф этилган бўлиб, унинг асосий мақсади турли мамлакатлар ишлаб чиқарувчи ва харидорлари ўртасида янада қулай ва самарали муносабат ўрнатишдан иборат. ISO-9000 стандартлари корхона қандай маҳсулот ишлаб чиқариши, қандай хизматлар кўрсатиши ва ишлаб чиқариш кўламидан қатъи назар, сифатни таъминлаш бўйича ишларни ташкил этишда қўйиладиган талабларни ўз ичига олади.

Бундай унификациялаш стандартлари маҳсулот сифатини у истеъмолчига етиб боришидан аввал аниқлаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, шунингдек, назорат қилиш, бир сўз билан айтганда, товарнинг сифат кўрсаткичларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган жараёнларни ўз ичига олган сифат тизимини сертификатлаш имконини беради. Ушбу сертификатга эга бўлиш, корхона ташқи ва ички ҳолатлардан қатъи назар, йилдан-йилга фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради, демакдир.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви чуқурлашгани сайин Ўзбекистонда сифат масаласига қаратилаётган эътибор тобора кучаймоқда. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларнинг ташқи ҳамда ички бозорда рақобатбардошлилигини янада ошириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш мақсадида 2004 йил 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 2006 йил 29 августда эса «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги яна бир ҳукумат қарори қабул қилинди. Унда ушбу стандартлар асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар рўйхати анча кенгайтирилди. Унда, жумладан, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказишда, бошқа кўрсаткичлар тенг келиб қолган ҳолларда, сифатни бошқаришнинг сертификатлаштирилган тизимига эга бўлган мамлакатимиз етказиб берувчиларига устунлик берилиши таъкидланган.

«Ўзстандарт» агентлиги маълумотига кўра, хўжалик бирлашмаларига сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаш бўйича рўйхатдан ўтган идоралар тўғрисидаги ахборот юборилган. Бу вазифани ишлаб чиқарувчиларга халқаро стандартларга мос сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишда ёрдам берадиган хусусий фирмалар бажармоқда. Шуниси эътиборлики, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган фирмалар сони кўпаймоқда.

Консалтинг фирма ва компаниялар хизматларига бўлган талаб ошмоқда. Бозор корхоналардан ISO-9001 стандартидан ташқари, OHSAS 18001:2007 ишдаги саломатлик ва хавфсизлик тизими бошқаруви, ISO 14001 экологик менежмент ва бошқа стандартларни ҳам ўзида жорий қилишини талаб этмоқда.

Мамлакатимизнинг кўплаб корхоналари ўзининг сифат тизимини сертификатлагани ёки яқин орада буни амалга ошириш ниятида эканини маълум қилди. Зеро, бундай сертификат ишлаб чиқарувчи томонидан истеъмолчининг маҳсулот сифатига бўлган талабини қондириш бўйича берилган ўзига хос кафолат ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз корхоналари учун нафақат ички, балки жаҳон бозорларида ҳам хўжалик муносабатларида фаол иштирок этиш учун кенг имконият яратади.

**В. РУДАКОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар

## МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ САМАРАЛАРИ

Мамлакатимизни, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсат бугунги кунда инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган ўзига хос муҳим бир тўсиқ, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя вазифасини ўтамоқда.

Яхши биламиз, Ўзбекистон интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми сифатида жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини ҳис этиши табиий ҳол. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, ўтган йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилган эди. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитасидан олинган, йилнинг дастлабки чораги бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг сарҳисобини акс эттирувчи рақамларга кўз югуртирар эканмиз, Инқирозга қарши чоралар дастури дастлабки, ишончли натижаларни бераётганини англаймиз.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг комплекс чора-тадбирлари доирасида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этишдек устувор вазифа белгиланганди. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Яъни ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш билан мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлашни кўзладик. Келинг, юқорида таъкидланганидек, рақамларга кўз югуртириб, бунинг қай даражада самара бераётганини кузатсак.

2009 йилда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурлари доирасида 148 инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши, улардан 84 тасини шу йил якунлаш кўзда тутилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида қайд этилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 98,7 миллион доллар йўналтирилди. «Қувасойцемент» очиқ акциядорлик жамиятида янги хомашё тегирмонини қуриш ва ишга тушириш, Андижон вилоятидаги «Полвонтош текстил» масъулияти чекланган жамияти тўқимачилик корхоналарини ва Тошкент вилоятидаги «Озборн текстил» хорижий корхонасини модернизация қилиш ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ниҳоясига етди. Мазкур объектларнинг ишга туширилиши цемент ишлаб чиқариш учун 300 минг тонна хомашё тайёрлаш, йилига қўшимча 11,7 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш ва 400 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Жорий йилда Марказий Осиёда илк бор «Навоийазот» ва «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятларида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конвенциясининг Киото протоколи доирасида соф ривожланиш механизмини қўллаган ҳолда, экологик тоза технологияларни жорий этишни кўзда тутувчи 6 та лойиҳа рўйхатга олинди. Ўтган чорак давомида нефть, газ, кимё соҳасида (синтетик суюқ ёқилғи, суюлтирилган газ, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқариш), автомобилсозлик, электр энергетика соҳасида (ИЕС-да БГҚ қуриш) каби қатор инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлари давом эттирилди.

Янги ташкил этилаётган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлаштириладиган лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Айни пайтда мазкур зонада ободонлаштириш ва ташқи коммуникацияларни барпо этиш ишлари бошланди.

Электроэнергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежаш тизимини жорий этиш бўйича тадбирлар доирасида тендер савдолари якунланиб, Тошкент иссиқлик электр станциясининг буғ-газ қурилмасини жорий этган ҳолда модернизация қилиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир чоралар кўрилмоқда. Тошкент шаҳрининг 3 туманида электр энергияси бўйича тўловларни йиғиш вазифасини хусусий оператор компанияларга топшириш бўйича ўтказилган тажриба тўловларни йиғиш 90 фоизга етганини, тижорат йўқотишларни 13 фоизгача камайганини кўрсатди.

Инқирозга қарши чоралар дастури туфайли эришилаётган муваффақиятлар эртанги кун, истиқболга ишонч ҳиссини янада кучайтиради.

**И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.**



**300 минг тонна хомашё тайёрланди**



**Электр энергия тўловлари 90 фоизга етди**



**Лойиҳаларни молиялаштириш 98,7 млн. долларни ташкил этди**

# ЁШЛАР

## ТЎМАРИСНИНГ ҚОНИ ОҚАР ТОМИРИДА

**Шижоат, матонат, куч-қудрат ҳақида сўз кетганда, одатда, эркакларга нисбат берилади. Шу боис ҳам эр йигитлар тоғни урса талқон қиладиган, ҳар елкасида тегирмон тошини ўйнатадиган паҳлавонлар, дея таърифланади. Аёлларга эса кўпинча ожиза, заифа сифатида қараб келинган. Аммо тарихда шундай аёллар бўлганки, уларнинг жасорати, фидойилиги манаман деган эрларнида қойил қолдирган. Тўмарис, Зарина, Бибихоним, Нодирабегим каби момоларимизнинг ҳаёт йўли, кўплаб савобли ишларга бош бўлишгани, кези келса, юрт мудофааси учун йигитлар билан тенгма-тенг жангларга киришганининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди. Қувонарлиси, бугунги ёшлар орасида ҳам момоларимизга муносиб бўлишга интилаётган қизлар талайгина. Лавҳамиз қаҳрамони Умида Раҳмонова ана шундай қизлар сирасидан.**



Умида Бухоронинг Ромитан туманида туғилиб ўсган. У тумандаги 15-мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ билимга чанқоқлиги, интилувчанлиги, қизиқувчанлиги туфайли устозлари назарига тушган эди.

– Умидани болалигидан яхши биламан, – дейди бошланғич таълим ўқитувчиси Хурсандой Шамсиева. – Қўлига қалам тутқазган кунларим кечагидек ёдимда. Ўқувлигина қизалоқ тенгдошлари ичида биринчилардан бўлиб савод чиқарди. Тўрт йил давомида қандай топшириқ, вазифа бермай, аъло даражада бажариб келган. Гоҳо янги мавзуни тушунтиришга чоғланганимда: «Устоз, майлими, шу мавзуни синфдошларимга мен тушунтирсам», деб мурожаат қилар, сўнгра катталардек жиддийлик билан дарсни тушунтиришга ҳаракат қиларди. Умиданинг, айниқса, иншоларини ўқиш мароқли эди. Ҳар бир мавзуга ўзига хос ёндашиши, равон ва теран фикрлари билан ҳар қандай инсонни ўзига сеҳрлай оларди.

Ҳа, «Бўладиган бола бошидан маълум», деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Ҳали иккинчи синф ўқувчиси бўлган қизалоқ туман миқёсида ўтказилган тез ўқиш ва тез айтиш мусобақасида 1-ўринни эгаллаб, беллашувнинг вилоят босқичи иштирокчисига айланди ва билдирилган ишончни оқлади.

Мактабда ўқиш билан бир қаторда спортга ҳам меҳр қўйган қаҳрамонимиз туман марказидаги таэквондо клуби машғулотларига қатнай бошлади. Бу ерда унга спорт устаси, 2-дан қора белбоғ соҳиби Аҳмад Салимов Шарқ яккакураши сир-асрорларини ўргата бошлади. Умида ўзининг тиришқоқлиги, ғалабага бўлган интилиши, ўз устида тинмай ишлаши билан мураббийи ҳурматини қозона олди.

– Умида машаққатларга чидамли, иродали қиз, – дейди биз билан суҳбатда мураббий А. Салимов. – Ҳаётда бирор яхши натижага, ютуққа эришиш учун кишидан аввало, меҳнаткашлик, интилиш, қолаверса, қатъият талаб қилинади. Унда ана шу хислатлар мужассам. У машғулотларда ҳамиша фаоллиги, кўрсатилган ҳаракатларни тезда ўзлаштириб олиши билан тенгдошларидан ажралиб туради. Агар қайси усул ёки ҳаракатни ўхшата олмаса, қайта-қайта шу «ката»ни такрорлашдан чарчамайди ва албатта мақсадига етади. Спортда бу катта аҳамиятга эга.

Лавҳамиз қаҳрамони 2004 йилда «Гиёҳвандликка қарши кураш» шиори остида туманда ўтказилган мусобақада ўз вазни бўйича 1-ўринни қўлга киритиб, ота-онасини, мураббийларини бениҳоя қувонтирди. Айнан шу ғалаба серғайрат қизнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлади ва кейинги муваффақиятларга илҳомлантирди, десак янглишмаймиз. 2005 йилда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган вилоят биринчилигида 3-ўринни қўлга киритган Умида айнан шу йили Гулистонда ташкил этилган Ўзбекистон очиқ чемпионатида 50 кг. вазн тоифасида кумуш медаль соҳибасига айланди. Бир йилдан сўнг пойтахтдаги «ЖАР» спорт мажмуида Амур Темур кубоги учун ўтказилган Осиё чемпионатида бронза медали билан тақдирланди.

– Умида Раҳмонова нафақат вилоятимизнинг, балки республикамизнинг ҳам фахри, десам хато бўлмайди, – дейди халқаро тоифадаги спорт устаси, 3-дан қора белбоғ соҳиби, вилоят «Taekwondo ITF» федерацияси раҳбари Убайд Мукаррамов. – У кўплаб ютуқлари, ғалабалари билан бизни ҳамиша қувонтириб келади. Спортчи қизга барча тенгдошлари ҳавас билан қарайди ва ундан ўрнак олишга ҳаракат қилишади.

2005 йилда мактабда ўқишни тамомлаган У. Раҳмонова 41-ихтисослаштирилган махсус мактаб интернатда таҳсил ола бошлади. Айнан шу ерда у бир қатор нуфузли кўрик-танловларда биринчиликни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Жумладан, 2008 йилда умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган Экофестивалнинг республика босқичида жамоавий ғолибликни қўлга киритди. Худди шу йили у маданият йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

– Қизимнинг ҳар бир ютуғи менга олам-олам ҳузур бағишлайди, – дейди Кимёхон Собирова. – У қайси мусобақада қатнашмасин, қандай кўрик-танловда иштирок этмасин, уни қўллаб-қувватлашга, далда беришга ҳаракат қиламан. Инсон учун ҳаяжонли лаҳзаларда яқинларининг руҳий мадади, кўмаги ҳар нарсадан устун туради. Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида қизим бронза медалини қўлга киритиб, мамлакатимиз байроғи баланд кўтарилганда бениҳоя қувонган эдим. У Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлганини эшитганимда, беихтиёр кўзларимда қувонч ёшлари пайдо бўлди. Ана шундай фарзандим борлигидан фахрландим.

Умида айни пайтда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида таҳсил олаётир. Мазкур таълим даргоҳида ҳам устозлари назарига тушиб улгургани унинг қайси соҳада бўлмасин ҳамиша илғорликка интилишидан дарак бериб турибди.

Энг қувонарлиси, Умиданинг укаси ва синглиси ҳам опаси каби спортга меҳр қўйган. Ҳар иккиси таэквондонинг ITF тури билан шуғулланишади. Миржалол ёш бўлишига қарамай бир неча бор вилоят чемпиони, деган номга муяссар бўлиб улгурган. Кичкинтой Нилуфар эса эндигина спорт дунёсига қадам қўйди. Юртимизда ана шундай бахтли оилалар, умидли ёшларнинг кўплиги ҳар бир инсон кўнглида мамлакатимизнинг эртанги тараққиёти, спортимизнинг оламшумул ғалабаларига ишонч уйғота олади. Зеро, келажак бугундан бошланади, уни бугунги ёш авлод яратади.

**Жамшид СОБИРҚУЛОВ.**

## ЁШЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАЁТГАН ТАНЛОВ

**“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Келажак овози – 2009” республика иқтидорли ёшлар танловининг Тошкент шаҳар босқичи бошланди.**

Мамлакатимизда ёшлар камолоти ва истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ташкил этилаётган турли ижодий лойиҳалар, кўрик-танловлар, фестиваллар йигит-қизлар истеъдодини кашф этиш, уларнинг ўз қизиқиши ва билими бўйича келгусида янада самарали фаолият кўрсатишида муҳим омил бўлмоқда. Ўн беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган йигит-қизларнинг иқтидорини аниқлашга хизмат қилаётган «Келажак овози» кўрик-танлови ана шундай тадбирлар сирасига киради.

Навқирон авлоднинг орзу-умидлари, эзгу интилишлари, илғор ташаббусларини акс эттирган ушбу танлов номинацияларининг мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим бўлган барча соҳаларни қамраб олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йилги танлов қатнашчилари ўн беш йўналишдаги тўрт номинация бўйича ўз билим ва маҳоратини кўрикдан ўтказади.

Нуриддин Сирожиддинов Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицейда ўқийди. «Келажак овози – 2009» танловида у «Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинациясида ёшлар ҳаёти, спорт, маданият ва маънавият каби соҳаларни ўз ичига олган веб-саҳифаси билан қатнашмоқда. Нуриддиннинг айтишича, мазкур танлов ёшларни ўз билими ва қизиқиши бўйича янада фаолроқ бўлишга, кўпроқ ўқиш ва ўрганишга, изланувчанликка ундайди.

Жаҳонгир Раббимов Тошкент банк коллежида таълим олади. У танловда ёш мутахассисларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаси билан иштирок этмоқда. Лойиҳа устида ишлаш жараёнида Жаҳонгир юртимизнинг меҳнат бозори, иқтисодиётнинг муайян тармоқлари учун зарур мутахассисликларни пухта ўрганиб чиқди.

Ёшларни янги парвозларга даъват этаётган ушбу танлов йигит-қизларнинг Ватанимиз тараққиётидаги ўрни ва ҳиссаси янада ортишига хизмат қилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## МАҚТОВ БАЧКАНАЛИКМИ?

Машҳур ёзувчи Марк Твен «яхши мақтов икки ой яшашимга етади», деган эди. Агар Твеннинг фикрларига қўшиладиган бўлсак, йилига айтилган олти мақтов кишига йил бўйи ҳам руҳан, ҳам жисмонан куч бағишлаб туради. Болаларда эса бу уларни ҳаракатга ундовчи асосий воситадир. Қўни-қўшнимиз, танишимиз катта ёшдаги боласини эркаласа ёки мақтаса бизга эриш туюлади. Бунга ё бачканалик ё бўлмаса, ота-онанинг болани талтайтириб юборганининг белгиси сифатида қараймиз. Аммо мақтовга нафақат улар, ҳатто катталар ҳам муҳтож эканлигини ўйлаб кўрмаймиз. Дейл Карнеги айтган эди: «Биз аввало бошқалар томонидан тан олинишимизга эҳтиёж сезамиз». Мақтов эса тан олинишнинг бир кўриниши холос.

Ўсмир уйидан безиб қолган. Унинг фикрича, ота-онаси ундан кўра укасини кўпроқ яхши кўради. Унинг гапи тўғрими? Кўп ҳолларда йўқ. Унда гап нимада? Ота-она фарзандига ўз муҳаббатини изҳор қилишни билмайди. Бу жуда кўп ўзбек оилаларга тегишли. Биз фарзандимизга бўлган меҳрни унга ўйинчоқ ёки қўғирчоқ олиб бериш билан исботлаймиз.

Биз асосан фарзандларимизни улар ҳали кичик ёшдалигида мақтаймиз. Чақалоқлик даврида у тушунмаса ҳам «Тойчоғим, ақллигим» дея эркалаймиз. У эмаклаганда, ҳар бир ҳаракатини қўллаб-қувватлаб турамиз. У энди юраётганида «Қани, қани. Яна битта, яна битта, ақллигим ўзимни», – дея олқишлаймиз. У бир қадам юриб, йиқилади, биз нима деймиз? Биз: «Аҳмоқ. Нима, юришни билмайсанми?» – демаймиз. Аксинча: «Қани, тойчоқ, ҳеч нарса бўлмади, йиғлама, яна битта ҳаракат қилиб кўр-чи!» – деймиз. У туриб, ўзини яна бир марта синаб кўради.

Шундай экан, нега кейин жим бўламиз? Ўсмир фарзандимизни ютуқларидан кўра унинг омадсизликларини кўпроқ муҳокама қилишга мойил бўлиб қоламиз.

Ҳали характери тўлиқ шаклланиб улгурмаган бола учун бизнинг танқидларимиз кучли таъсир қилади. «Семириб кетганингни қара», «Сени мактабдан ҳайдаш керак», «Бунчалар бошимга битган бало бўлмасанг», «Ҳеч нимага арзимайсан». Аммо унинг ҳам мақташга арзигулик жиҳатлари борлигини тан олмаймиз. Биз ота-онамиз, унга ёмонликни раво кўрмаймиз. Фақат яхши бўл дея уришамиз, деб ўз-ўзимизни оқлаймиз.

Агар мақтасангиз, талтайиб кетиши мумкин деган гапни кўп эшитамиз. Болалар ҳар бир қилган иши ота-онаси томонидан қандай қабул қилинишини ўрганиб борадилар. Агар яхши иш қилсалар, мақтов эшитишлари мумкинлигини англаб етадилар. Ва ўзига юклатилган ишни ошиғи билан бажаришга ҳаракат қиладилар. Мақтов уни бунга ундовчи бир куч. Агар ҳеч қандай акс таъсирни сезмасалар, у ҳолда бу ҳаракатларини нотўғри деб қабул қилиб, такрорламасликка ҳаракат қиладилар. Мақтов ота-оналарининг унга бўлган, унинг ишига бўлган муносабатидир.

Меҳр-муҳаббат ичида ўсган боладан келажакда ёмон киши чиқмаслиги аллақачон руҳшунослар томонидан исботланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қўлда кўтариб юрилган болалар, кўтарилмаганларга нисбатан руҳий жиҳатдан тўғри ривожланар эканлар. Одатда кўп ота-оналар болалари чақалоқлиги даврида уларни ўпиб, эркалаб, турли сўзлар айтишиб, яхши кўришларини кўрсатишади. Катта бўлгач эса бу ғайритабиий ҳолатга ўхшаб кўринади. Ўсмирларни ҳадеб танқид қилиш ё бўлмаса уларнинг фаолиятларини қўллаб-қувватламаслик улардаги ўзига нисбатан ишонч камайиб кетишига сабаб бўлади. Улар ўзларини ота-она учун бутун умр ортиқчадек ҳис қилишлари мумкин.

Хориж кинофильмларига эътибор берганмисиз? «Ойи, мен сизни яхши кўраман» ёки «ўғлим, мен сенга ишонаман, сен билан фахрланаман» қабилидаги гапларни жуда кўп эшитамиз. Демак, тарбиянинг бу кўриниши мафкура даражасигача кўтарилган. Ўз фарзандининг ҳаётига эътиборсиз эмаслиги, шу билан бирга у танлаган ҳаёт тарзига ишонч билдириши тарбиянинг тўғри йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Бунда фарзанди ёшининг аҳамияти йўқ. Ўз муҳаббатини изҳор қилишнинг эса эрта-кечи бўлмайди.

**Дилноза ЭГАМҚУЛОВА.**

# АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

## ОФИЦЕРЛИК САРИ ҚАДАМ



... Офицер Б. Ҳамдамов қўмондонликдан муҳим топшириқ олди. У қўл остидаги посбонлар билан бирга тоғ дарасидаги бутазорлар орасига яширинган шартли душманни қидириб топиши ва йўқ қилиши керак. Командир офицерлар О. Эрмонов, М. Жумаев, кичик сержантлар – Б. Тоғаев, С. Маҳмудовлар билан биргаликда харитадан душман жойлашган ҳудудни ўрганди. Шундан сўнг ҳаракатланиш режаси ишлаб чиқилиб, гуруҳдаги посбонларнинг вазифаси тақсимлаб берилди. Оддий аскар Р. Солиев зиммасига шартли душман ҳақидаги зарур маълумотларни тўплаш юклатилди. Посбон тўплаган маълумотлар асосида шартли душман йўлига пистирма қўйилди. Хуллас, жанговар вазифа муваффақиятли бажарилди. Фидойилиги, жанговар вазифани аъло даражада уддалагани учун оддий аскар Р. Солиевга миннатдорчилик эълон қилинди.

Ҳа, мақоламиз қаҳрамони Рихситилла Солиев армиядаги хизмати давомида ўзининг тиришқоқлиги, изланувчанлиги билан сафдошларига ўрнак бўлиб келди.

– Оддий аскар Солиевни яхши эслайман, у энг илғор посбонларимиздан бўлган, – дейди офицер Одил Эрмонов. – Айниқса, жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотларида фаоллиги билан ажралиб турарди. Вазифасини сидқидилдан адо этиши, зиммасидаги масъулиятни юракдан ҳис қилиши, юксак интизоми туфайли ҳарбий жамоада эътибор қозонган.

Армия қаҳрамонимиз ҳаётида туб бурилиш ясади, деб айтишимиз мумкин. Муддатли ҳарбий хизмат мобайнида жанговар тайёргарлик машғулотларида аъло натижаларга эришган, ҳарб илмига оид сабоқларни пухта ўзлаштирган посбон бир неча бор қисм қўмондонининг Фахрий ёрлиғи ҳамда миннатдорчилик хатига сазовор бўлган.

– Ҳаётимнинг энг сермазмун, таассуротларга тўла дамларини армияда ўтказдим, – дейди у биз билан суҳбатда. – Кўп нарсаларни ўргандим, ҳар томонлама чиниқдим. Соҳага оид билимларни эгаллашда яқиндан ёрдам берган, ўзларининг маслаҳатлари билан хизмат машаққатларини енгиб ўтишимда кўмакчи бўлган офицер ва сержантлардан бир умр миннатдорман. Муддатли ҳарбий хизмат давомида Дилмурод Одилов, Ислом Турсунов, Ҳотамхўжа Раҳматхўжаев, Дилмурод Ҳабибуллаев, Андрей Тўлаганов, Зафар Дмитров, Абдулазиз Қаҳҳоров каби илғор, билимли посбонлар билан дўстлашдим.

Рихситилла даставвал Чилонзор туманидаги 201-умумий ўрта таълим мактабида, сўнгра Учтепа туманидаги Тошкент юридик коллежида таҳсил олди. Коллежда таҳсил олиш баробарида «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинларининг туман ва шаҳар босқичларида иштирок этган ўғлон ўзининг эпчиллиги, Умумҳарбий низомлар талабларини ва бошланғич ҳарбий билимни яхши ўзлаштирганлиги билан ҳакамлар ҳайъати сафидаги офицерлар эътиборига тушди. Улардан бири: «Сендан ажойиб ҳарбий чиқади. Маслаҳатим, келгусида олий ҳарбий билим юртига ўқишга кир», деб маслаҳат берди.

Ўғлондаги шижоат, ғайратга тўғри баҳо бериб айтилган бу сўзлар Рихситиллага гўё қанот бағишлагандай, орзулар оламини ёритгандай бўлди. Шу кундан эътиборан шарафли касб эгаси бўлишни дилига туккан эр йигит олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришда жорий этилган кўрик ва синовларга жиддий тайёргарлик кўра бошлади. Бу борада унга чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси устозлик қилди. Коллежда ўқишни тамомлагач, у муддатли ҳарбий хизматга – Ватан олдидаги бурчини ўташга отланди.

2004 йилдан буён спортнинг шотакан-каратэ тури билан мунтазам шуғулланиб келаётган ўғлон бу борада ҳам қатор ютуқларни қўлга киритган. 2006 йилда пойтахт клублари ўртасида ташкиллаштирилган шаҳар биринчилигида шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилган бўлса, 2007 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро мусобақада 70 кг. вазн тоифасида 3-ўринни қўлга киритди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

– Рихситилла яшил белбоғ соҳиби, – дейди «Абузоид» спорт клуби президенти Нурмуҳаммад Эмипов. – У машғулотларга қатнашни бошқаларга нисбатан кечроқ бошлаганига қарамай, тенгдошларига етиб олди. Бу унинг уқувлилиги, ўзига талабчанлиги белгисидир.

– Ҳар бир ота-она фарзандининг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб камолга етишини орзу қилади, – дейди Зикрилла Солиев. – Шу боис унинг ҳар бир ютуғи, муваффақияти чексиз қувонч бағишлайди. Ўғлим шарафли касб эгаси бўлишга қарор қилгани ҳақида айтганида жуда-жуда хурсанд бўлдим.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга киришга аҳд қилган, йигитлик мактабида тобланган Рихситилланинг эзгу мақсади амалга ошишига ишончимиз комил.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ.**

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

**Болалик даври ўзининг булоқ сувидек тиниқ ва шаффоф орзуларга лиммо-лим бўлиши билан суюклидир. Орзулар осмон қадар юксак, пурвиқор тоғлардек маҳобатли, уларга эришиш йўлидаги машаққат ва меҳнат эса кўнгилларни чўчита олмайди. Кимдир санъаткор бўлишни, кимлардир шифокор ёки ҳайдовчи, яна кимлардир эса учувчиликни, спортчи бўлишни истайди. Болалигида аскар-аскар ўйнаб улғайган ўғил болаларнинг кўпчилиги эса ҳарбий бўлишни орзу қилади.**



Беҳзод Ғаффоров ҳам шарафли соҳага ана шундай меҳр қўйганлардан. Ўғлидаги қизиқишни илғаган ота унинг ҳар томонлама билимли бўлиб улғайишига катта эътибор қаратди. Айниқса, спорт билан шуғулланиши учун барча шароитларни яратиб берди. Ўн ёшидан бошлаб спортнинг миллий кураш тури билан жиддий шуғулланиб келаётган ўғлон бир қатор нуфузли мусобақаларда, ўсмирлар ўртасидаги биринчиликларда ғалаба қозониб, отасининг ишончини оқлади. Жумладан, миллий кураш бўйича вилоят биринчилигида ўз вазни бўйича кўп бора ғолибликни қўлга киритган бўлса, 2006 йилда республика чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

Дастлаб, умумий ўрта таълим мактабида ўқишни тугаллаб, Термиз давлат университети қошидаги академик лицейда таҳсил олди. Мазкур таълим даргоҳида ўқиш мобайнида армия ҳаёти, Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик тўғрисида матбуотдан билиб борди. Академик лицейни имтиёзли диплом билан тамомлаган Беҳзод туман мудофаа ишлари бўлимига бориб, армияга бориш истагида эканини билдирди. Масъул офицерлар унга муддатли ҳарбий хизматга бориш учун жорий этилган синовлар хусусида атрофлича маълумот беришди. Беҳзод бундай танлов, синовларга ҳар жиҳатдан тайёр эди. Шу сабабли белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ деб топилди. Бундан нафақат ўғлоннинг ўзи, шунингдек, оила аъзолари ҳам бениҳоя қувонишди.

– Неварамнинг қароридан қанчалар қувонганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз, – дейди Зиёдулло бобо. – Дунёда Ватан сарҳадларини қўриқлашдан ҳам шарафлироқ иш бор эканми?! Шу сабаб Беҳзод армияга бормоқчилигини, зиммасидаги конституциявий бурчни адо этмоқчи эканини айтганида қувониб кетдим. Невараларимнинг ҳам юрт корига камарбаста бўлиб улғаяётганлигидан ғурурландим.

Катта ўқчи вазифасида хизмат қилган ўғлон ҳамиша фаол бўлишга, Умумҳарбий низомлар талабларига риоя қилиб, зиммасидаги вазифани пухта адо этишга интилди. Айниқса, соҳага оид билимларни ўрганишга астойдил бел боғлади. Бу борада офицерлар – Қ. Зоидов, Ж. Қаландаровлар унга устозлик қилишди. Муддатли ҳарбий хизмат мобайнида тиришқоқлиги, фаоллиги билан тезда сафдошлари ва командирлари назарига тушган посбон қисм миқёсида ўтказилган турли тадбирлар, беллашувлар, спорт мусобақаларида ҳам кўпчиликка ибрат бўлди. Шу боис «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» ва «Жанговар тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Дарвоқе, лавҳамиз қаҳрамони қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсияномани ҳам қўлга киритган. Бу унинг юрт ҳимоясини муқаддас бурч деб билганини яна бир бор кўрсатиб турибди.

– Ватан олдидаги йигитлик бурчимни ўташ мобайнида юрт қадрини, тинчлик аталмиш буюк неъматнинг нечоғли азиз эканлигини англаб етдим, – дейди Б. Ғаффоров. – Сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, эл осойишталигини қўриқлаш дунёдаги энг шарафли ва масъулиятли иш эканига яна бир бор амин бўлдим. Бу эса мени бугунги тинч, осойишта кунларимизнинг қадрига етишга ўргатди, десам хато қилмайман.

Жорий йилнинг февралида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб, уйга қайтган йигит айни дамда олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тайёргарликка эътибор қаратган. Келажакда у ҳуқуқшунос бўлишдек эзгу ниятни кўнглига туккан. Ҳаёт мактаби сабоғини олган шунқорнинг мақсадига эришишига аминмиз.

**Жамшид НИЁЗОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Қарор ва ижро

# БАНДЛИК – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Мамлакатимизда ёшларнинг ўқиши, билим олиши, муайян касб-ҳунар эгаси бўлиши давлатимизнинг доимий диққат марказидаги масалалардан. Айниқса, мустақил ҳаёт остонасида турган ёш авлодни иш билан таъминлаш, уларни эртамизнинг эгалари, муносиб ворислари қилиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим омили ҳисобланади. Жумладан, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган ва муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб, резервга бўшатилган ёшлар ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб келмоқдалар.**

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари, бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар бу борада муҳим аҳамиятга эга. Армиядан қайтган йигитларнинг кўпчилиги айнан шу муассасаларга мурожаат қилиб, мутахассислик малакасидан келиб чиққан ҳолда корхона ва ташкилотларга ишга жойлашмоқдалар.

2009 йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллий ҳокимликлар, муассасалар, алоқадор ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликда кўплаб меҳнат ярмаркалари ўтказилгани бу борадаги ишларга, ҳукуматимиз қарорлари ижросига масъулият билан ёндашилаётганини англатади. Мазкур ярмаркаларда иштирок этган фуқароларнинг ўн мингдан ортиғи ишга жойлашиш учун йўлланма олишган. Қувонарлиси, уларнинг каттагина қисмини февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган ёшлар ташкил этади.

– Резервга бўшатилган ёшларнинг бандлиги доимий диққат-эътиборимизда, – дейди Яккасарой туман Бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбари Дилдора Муҳиддинова. – Туманимизда истиқомат қиладиган ёшларнинг 43 нафари Ватан олдидаги муқаддас бурчларини ўтаб қайтдилар. Ҳозирда уларнинг 29 нафари муайян иш билан таъминланди. Чунончи, улардан 3 нафари давлат корхоналарида, 15 нафари норасмий сектор ҳисобланмиш хусусий ташкилотларда фаолият кўрсатишмоқда. Муайян мутахассисликка эга бўлмаганлар марказимиз орқали касбга тайёрлов курсларида ўқишга йўлланма олишган. Шунингдек, 13 нафар ўғлон танлаган соҳалари бўйича олий таълим даргоҳлари ҳамда ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун тайёрланмоқдалар.

– Муддатли ҳарбий хизмат давомида соҳага оид билимларни мукаммал ўрганишга ҳаракат қилдим. Бу борада менга устоз офицерлар ва сержантлар яқин кўмакчи бўлишди, – дейди Эркин Собиров. – Армиядан қайтгач, муддатли ҳарбий хизматгача ишлаган "Ўзтемирйўлмаштаъмир" заводига қайтдим. Айни пайтда шу корхонанинг пўлат қуйиш цехида модель ясовчи сифатида фаолият кўрсатмоқдаман.

– Ҳозирда туманимиздаги Бандликка кўмаклашувчи марказ ёрдами билан ЭҲМ операторлари тайёрлаш курсларида таҳсил олаяпман, – дейди Шуҳрат Жуматурдиев. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганим учун ўқув марказида бепул сабоқ олмоқдаман. Йигитлик бурчини ўтаган абитуриентларга бундайин эътибор ва ғамхўрлик қалбимизни фахрга тўлдиради, шу юрт фарзанди эканлигимиздан ғурурланамиз.

– Ҳозирда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириш учун синовларга тайёргарлик кўрмоқдаман, – дейди резервга бўшатилганлардан яна бири Бахтиёр Сулаймонов. – Қисм қўмондонлиги томонидан берилган тавсияномага эга бўлганим учун тайёрлов факультетида таҳсил олаяпман. Ҳадемай синовларни топширадиган вақт ҳам етиб келади. Умид қиламанки, яхши натижа билан яқинларимни хурсанд қиламан.

**Мансур СОБИРҚУЛОВ.**

# АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

# СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

**(Тарихий романдан парча)**

**(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида).**

6

Нўённинг бўйнидаги ип олиб ташланган, уни султон ҳузурига олиб келишди. Қисиқ кўзлари тағинда ичига ботган. Бўғриққан юзидан тинмай тер оқар. Лаблари гезарган. Ҳаллослар.

Султон сўради:

– Недин жонингга қасд айларсен?

Кўка индамади. Катта, тақир бошини осилтирди.

– Сендин сўрайдурмен, – овозини кўтарди султон.

Жавоб бериш ўрнига оғир хўрсинди Кўка. Терга ботган бошини беихтиёр қашлаб қўйди.

– Эрса бошқа саволга жавоб бер, – муросага бориб деди султон.. – Айт, мени яралагач, ўлдирмоқ ўрнига нечун даволатиш пайида бўлгансен?

Кўканинг тили ниҳоят сўзга келди. Ерга қараб ўлтирганча деди:

– Менга буюрилган. Сени тириклай олиб бориш юкланган елкамга.

– Қайга олиб бориш топширилган сенга?

Кўка яна тилини тишлади.

Султон ўшқирди:

– Гапир!

Ҳукмрон сўздан кейингина Кўка бошини кўтариб, султонга юзланди. Бит кўзлари ялтираб кетди.

– Қайга бўларди, – нописандликка ўтди Кўка, – сени қувишни, тириклай тутиб келишни менга Қутқу нўён ўзи тайин этган.

Нўённинг дангал сўзи султоннинг кўнглига ўтирди.

– Нечун нўёнингга олиб бормадинг, мен, ахир, тирик эрдимку.

– Ўлаётган эрдинг, – бамайлихотир деди Кўка. Сўнг қўшиб қўйди: –Мен оёғингга отмоқчи эрдим, биқинингга тегди ўқ.

– Адашибсан-да.

Кўка яна кўзини ерга олди.

– Мабодо мени Қутқуга тириклай олиб борур эрсанг, мукофотиға не олгай эрдинг?

Султоннинг бу гапи нўённинг қитиқ патига тегди шекилли, бошини тик кўтариб деди:

– Мукофот учун қилинмас бу…

– Онда не учун қилингай?

– Сени буюк хоқон олдида тиз чўктирмаклик учун. Тавба қилдирмаклик учун.

Султон ич-ичидан отилиб келаётган ғазабни босди.

– Магарам тавба қилмоқ керак эрса, сенинг хоқонинг қилғай. Барча қилмиш-қидирмишлари учун тавба қилмоғи даркор.

Кўка қанқайиб турган бошини қуйи эгди. Сукутдан сўнг султон деди:

– Недин ўзни ўлдурмоқ бўлдунг, эмди аёндур. Номард экансен.

Кўканинг елкаси титранди. Яна дангалчасига деди:

– Қутқу нўён қайда бўлсам-да, топиб ўлдуртар. Ондин кўра… сен мени ўлтур, султон, ўлтур! Йўқса, бадном бўлғаймен.

Чингиз ўрнатган тартиб… Ўлдир, йўқ эрса ўл. Учинчи йўл йўқ. Бу қонун. Ясоқ.

Шу фикр кўнглидан ўтаркан, Кўкани тўғри тушуна бошлади султон. Ҳозир ўлдирса, эртага шараф топадир Чингизнинг бу қули.

– Ўлтур, ўлтур, – ялина бошлади нўён.

– Йўқ, – деди султон нўённи тўхтатиб. – Етар. Сени қафасға тиққаймен. Зиндонда чиригайсен.

Кўка пешонасига урди.

Бошқа бари мўғуллар қатл этилди.

7

Тун. Кўк ғуборсиз. Тўлин ой, бодроқ-бодроқ юлдузлар чарақлаб турар. Шуълалари ерни ёритган. Боғ ўртасидаги ясатиғлик супада Робияхоним кўкка мафтункор тикилиб ўлтирар. Шам ва ой-юлдузлар нури юзини шундай тиниқ ёритганки, қирмизи ёноқлари, лаъли лаби, қоп-қора қош-кўзлари, икки ўрилган узун сунбул сочлари ўн беш-йигирма қадам беридан ҳам бутун латофати билан кўзга ташланарди.

У эрталаб Шерозга қайтади. Икки кундан кейин султон ҳам жўнаб кетар. Султоннинг ёнида кечган кунлар…

Шу пайттача Робияхоним дили илму ҳикматга ланг очиқ эди, кўзи китобдан ўзгани кўришни, қулоғи китоб сўзидан бошқа сўзни эшитишни истамасди. Энди кўнгил тубида бошқа бир булоқ кўз очгандай наздида. Бу булоқнинг оти нимадир, ҳали билмас, лекин ундан жисму жонига ёқимли мавжлар оқиб кираёттганини ҳар дам сезиб турар.

Султон… Жалолиддин Мангуберди… Оҳ!
Қушни ҳам кўкларга кўтарган қанот,
Инсоннинг қаноти билдик, муҳаббат.

8

Исфахонни қамал қилиб ётишдан фойда чиқмаслигини билган мўғуллар қалъадан тўрт фарсах наридаги Син мавзеида макон тутишган, янги ҳужумга шу ердан туриб ҳозирлик кўришмоқда эди.

Қутқу на султондан хабар тополар, на Кўка нўёндан.

9

Исфахоннинг муҳташам жомеъ масжиди. Ийд намозининг ўқилишига ҳали анча борлигига қарамай, ичкари ва ташқарида одамлар қатор-қатор ўлтиришар.

Ўз одатларига кўра чиройли кийиниб юрадиган исфахонликлар бугун айниқса, кўзга ёқимли либосларга чулғанишган. Хоразмликлар эса дарду аламларини ҳайит либослари остига беркитиб олишган, ташқаридан қараган одам уларда заррача андуҳ кўрмайди. Абу Инъомхон олдинги қаторда ўлтиради. Йигит Малик қалъа дарвозасини қўриқлаш ила банд. Маликшоҳ на бунда, на унда кўринмас. Қаерда деб уни-да биров сўрамас.

Қозикалон Рукниддин Масъуд ичкари ҳужрада, шайх иккови намознинг бошланиш дақиқаларини кутишар.

Масжид саҳнида жонланиш сезилди. Намозни кутаётган одамлар жунбишга келганга ўхшади. Шайх шошилинч ҳужра эшигини очди. Дарҳақиқат, бари намозхонлар оёққа қалққан, ўз йигитлари қуршовида масжид остонасини ҳатлаб ўтган султон Жалолиддинни шоду хуррам олқишламоқда эди.

Намоздан сўнг масжиднинг ўзида одатдан ташқари машварат бўлди. Аъёнлар ёғийни даф айламоқнинг шошилинч чораси кўрилар, деб ўйлаган эдилар. Аммо султон бундан оғиз очмади. Рамазоннинг қандай ўтганлиги, ийд кайфияти ҳақида сўраб-суриштирди. Гўё ёв яқинда тиш қайраб турмагану дориломонлик кайфияти ҳукм сураётгандек ҳолат эди.

Қозикалон ичида бундан мамнун бўлди. Султон султон-да, ёғийга унинг нописандлик билан қараши бежиз эмас. Одамлар кўнглига ўрнашиб олган ҳадик ва қўрқувни қувмоқчи султон. Дилда қўрқув ила жангга кирмоқнинг хосияти бўлурми!

Султон масжиддан чиқиб кўрдики, эшик олдидаги майдонда халойиқ тирбанд. Улар султонни кутиб турган эдилар, унга худди сўнгсиз булутли-ёмғирли кунлардан кейин чиққан қуёшга қарагандай энтикар эдилар. Кўрдиларки, султон олис сафардан қайтган, ёвга чанг солишга ҳозирланган афсонавий қаҳрамондай шиддатга миниб турар, бутун борлиғидан қувват, шижоат нури ёғилар эди.

Саркардалар, аъёнлар, гувраниб турган исфахонликларнинг юз-кўзларида ўз кучларига ишонч, эрк учун курашга аҳду паймон туйғулари худди тиниқ кўзгудагидай акс этарди.

Кимлардир каптарларини қўйиб юбордилар, майдон узра оқ-оппоқ қушлар эркин-эркин қанот қоқдилар.

Аллақандай беданаларнинг чах-чахи, булбулнинг овози эшитилди. Султон олисларда қолган Урганжни, ўз Темир қозиқ боғини, ундаги булбул навосини эслади. Юраги энтикди. Эртами-кечми ўз юртига қайтиш, ундан чингизийларни қувиб чиқариш хуружи қалбини ларзалантирди.

Масжиднинг орқасида турган Қорабайирнинг кишнаганини эшитди. Аёнки, Қорабайир бетоқат, у майдон истар...

10

Бу саваш таърифи узоқ-яқинда оғиздан-оғизга ўтди. Бежиз эмас эди бу.

Айни Исфахон савашида мўғул қўшини буткул ер тишлади. Тирик қолганларини султон дарёгача қувиб борди. Қочоқларнинг аксарияти дарёга ғарқ бўлди (қилмиш-қидирмиш), бармоқ билан санарлисигина сувни кечиб ўтди, ўтса-да одам сиёғини йўқотган эди.

Орадан кўп ўтмай Чингизхон ўрдусидан – ўз синглиси Хонсултон бегимдан мактуб олди султон. Мактубда жумладан бундай дейилган эди:

«Сўнгги гап, оғажон! Сиз ила олишмоқни Чингизхон ортиқ истамас. Билъакс, сулҳ хоҳиши бордур. Таклиф этадурким, дарёнинг ул ёғи сизнинг бўлғай, бул ёғи унинг. Мен бир не демоғим мушкул. Истанг, қабул айланг, истанг (зафар ва нусратға ишончингиз қатъий эрса), савашинг!

Дағи бир гап. Чингизхон ўғулларимга Қуръони Каримни ўқуб-ўрганишга рухсат айлади. Сизга тан берганi нишонасидур бу».

Сулҳ... мамлакатни иккига бўлмоқлик... Ватан ягона эруркім, они бўлуб бўлмас, бўлишиб бўлмас. Қўлдаги узукдан (Олтин қозиқ) қиёс. Иккига бўлинган узук узук бўлғайми!

Чингизхон таклифини жавобсиз қолдирди султон. Бу – савашмоқликка қарор эди. Бунинг учун эса янги иттифоқчиларга эга бўлиш, кучларни кучларга қўшиш, эрк истағанларни битта байроқ остида якқадам айлаш лозим эди-ки, султон шу йўлни танлади. Исфахонга Абу Инъомхонни бош этди. Саркардаларига деди:

– Эмди йўлимиз Қофқоз томондур. Иншооллоҳ, зафар бизим бўлғай!

## ХОТИМА

Султон Жалолиддин қурган Янги салтанат пойтахти – Табриздан Ашур ода оролига келган карвон Алоуддин Хоразмшоҳ хокини олиб Исфахон сари йўлга чиқди. Султон Жалолиддин ўз падари бузруквори хоки пойини қайта дафн этиш мақсадида муҳташам мақбара қурдирган, унинг маҳобатли нилий гумбази узра тўп-тўп қушлар карвонни кутаётгандек чарх урмоқда эди.

Саҳро жазираси сабаб, карвон кундузлари дам олиб-дам олиб, кечқурунлари эса тўхтовсиз йўл ошиб келмоқда эди. Олдинда машъалчилар, орқада қўриқчи аскарлар, то тонг отгунча тиним билишмас, саҳар мардонда бир оз дам олиб, яна йўлга чиқишарди.

Саҳродан чиқиб бир текис тақир йўл бошланган жойда тобут устини соя қоплади. Таажжуб билан олов пуркаб турган кўкка боқдилар. Ҳайратлари зиёда бўлди. Йўқ жойда бир парча сарғиш булут пайдо бўлган, қуёш кўзини оз бўлса-да тўсаётган эди. Булут тобут билан бир маромда оқар, фақат унгагина соя ташлар эди.

Карвонга ҳамроҳлик қилиб келаётган мунажжимлар бу мўъжизани яхшиликка йўйдилар. Дедиларки, дафъатан пайдо бўлган булут дунёдан сўнгсиз армон билан ўтган марҳумга кўкнинг бир марҳаматидур. Бироқ шундай деб турганлари асно сарғиш булут чап томонга оғиб, аста суриниб кета бошлади. Таъбирчилар бунга ҳам жавоб топишди. Султон йўл қўйган хатолар шамоли ҳайдади булутни, дейишди.

Аммо булут кўп ўтмай яна тобут тепасига келди. Бу савоблар шамоли шарофатидур, дейишди мунажжимлар. Уларга ишонадиган бўлса, бутун йўл давомида гуноҳлар ва савобларнинг шамоллари ўзаро талашиб, гоҳ униси, гоҳ буниси устун келиб турдики, бунақасини ҳали биров кўрмаган эди.



Исфахонга уч-тўрт кунлик йўл қолганида Гуржистондан тоғу тошлар оша келган чопар (бу пайтда Озарбойжон ва Гуржистон ҳамда уларга туташ ҳудудлар султон қўл остига ўтган эди) кутилмаган хабарни етказди. Султон амрига кўра карвон Исфахонни четлаб ўтиб, унга яқин Ардахн қалъасига зудлик ила йўл олиши даркор эди, айни шундай қилишди.

Кўпни кўрган оқил карвонбошилар сездиларки, Алоуддин Хоразмшоҳ жасадини Исфахонга дафн этиш ҳозирча хавфлига ўхшар, Ардахн қалъаси эса сарбаланд чўққилар орасига жойлашган, ул ерга ёғий дориши амримаҳол деб топилган бўлса, эҳтимол.

Махсус етакчилар ёрдамида тоққа тирмаша-тирмаша етти кун деганда тобутни Ардахнга олиб чиқишди. Султон хоки яширин ғор ичига кўмилди, тилла ва жавоҳирларга тўла бир неча сандиқлари эса ундан эллик қадамча наридаги харсанглар орасига – чуқурга жойлаштирилиб кўмиб ташланди.

Ишончли кунлар келиб Хоразмшоҳ хоки Исфахонда уни кутаётган мақбарага кўчирилишига умид боғлаган карвон Табризга – султон ҳузурига йўл олди.

Билмадиларки, орадан йиллар ўтиб султон Жалолиддин вафоти ҳақида хабарлар тарқагач, ўзларига эрк берган мўғул исковичлари Алоуддин Хоразмшоҳ хоки ва сандиқларини топгайлар, тобут Қорақурумга – отаси Чингизхон ўлгач, тахтга чиққан Ўктой ҳузурига юборилгай ва унинг амри билан ўтларга ёқилгай, кули шамолга совурилгай.

Бу шамол Ашур ода ороли билан Исфахон йўлидаги ўша гуноҳ ва савоб шамолларидан фарқли ўлароқ, йўлида учраган тўсиқки бор учириб, қора тутунга айланган шоҳ хокини ютиб юборгай.

Ерга сиғмаган хокни осмон нетиб кўзга илғай...
Подшоҳ бўлсин ё гадо қарғиш тегмасин экан.
... Милодий 1231 йил.

Шом ва Майофарикин оралиғидаги тоғлик мавзеъ. Шу ерда султон Жалолиддин кутилмаганда курдлар қуршовига тушар. Қасоскор бир курд хоразмликлар билан савашда аввал ўлдирилган иниси хунини талаб қилиб султон жонига қасд этар.

Султон жасади Майофарикинга келтирилиб, ерга берилар. Дуога қўл очарлар. Дерларки, султон Жалолиддиннинг охирати обод бўлгай, ондинки, ул султони муаззам узоқ-яқин элларни якқадам айлади, буюк салтанат яратди, ёғийга қирон солди. Курдлар ичидан чиққан донишманд дер: «Паноҳимиздин айрилдик. Ёғий эмди кутургай».

Донишманд айтганидек бўлди. Мўғуллар арабу ажам ерларига, Қофқозга селдай бостириб келдилар, қалъаларни харобаларга айлантирдилар.

Султон Жалолиддин жасадини топмоқ бўлиб Майофарикин тоғларида кирмаган коваклари қолмади, ердамикин деб тупроғини элакдан ўтказдилар, топа-билмадилар.

Шундан сўнг султон Жалолиддин ўлмаган, деган гап элда овоза бўлди, оғиздан-оғизга ўтиб, мискин дилларда эрку озодликка ишонч уйғотди.

Исфахон атрофида бўлган бир саваш қаҳрамони ўзини Жалолиддин Мангуберди деб эълон қилгач, аҳли мусулмон буюк султоннинг тириклигига имон келтирди.

Айқирган отни кўриб бу Қорабайир дедилар.

# МАЪНАВИЯТ

## ТАНОВАР ОРЗУСИ

Ракс… уни бепарво кузатиш мумкинми? Инсоннинг энг гўзал туйғуларини, ички кечинма ва туғёнларини назокатли ҳаракатлар билан очиб берадиган санъат туридир, энг нафис дил изҳоридир, у. Ривоят қилишларича, қадимда бир подшо бўлиб, санъатни жуда яхши тушунар экан. Унинг созанда ва раққосалари орасида бир чолғучи ва раққосаси истеъдоди билан ажралиб турар экан. Нима бўлибди-ю, созандадан жаҳли чиққан подшо уни зиндонбанд этибди. Раққоса қиз айнан шу чолғувчини беҳад севарди. Нима қилиш керак? Қиз саройдаги базмдан фойдаланмоқчи бўлибди. Шу оқшом у ниҳоятда берилиб рақс тушибди. У ҳеч қачон бу қадар туғёнларини ошкора этиб рақс тушмаган экан. Нафақат подшо, балки бутун сарой аҳли ҳайратдан лол бўлибдилар. Рақс ниҳоясида подшо гап нимадалигини сезиб, раққоса қизнинг маҳоратига тан бериб, созандани ҳам озод этган ва уларни мукофотлар билан сийлаган экан. Бу сўзсиз, гўзал ҳаракатлар орқали изҳор этиладиган кўнгил изҳорининг кучи, қудратидир.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг истеъдодли раққосаси оддий аскар Нафиса Раҳматова кўплаб мухлислар қалбидан жой олиб улгурган умидли ёш санъаткорларимиздан биридир. Бугун уни республикамизнинг энг чекка гўшаларида ҳам яхши биладилар. Ёш раққосанинг бой репертуари ҳам унинг бетакрор истеъдодидан дарак бериб турибди. «Тановар», «Муножот» – булар мумтоз рақс санъатимизнинг ноёб дурдоналари саналади. Бу рақслар Мукаррама Турғунбоева томонидан маромига етиб ижро этилган. Уларни ижро этиш унча-мунча раққоса учун орзу, ширин бир хаёлдир. Юксак маҳорат, чуқур билим, дадиллик ва алоҳида иқтидор талаб қилинадиган ғоят жиддий жараёндир. У эса ижро этди. Нозиккина, ҳаракатлари енгил, саҳна маданиятини мукаммал эгаллаган, исми жисмига бағоят мос Нафиса ана шундай жиддий ишга қўл урди. Жонкуяр устозлари кўмагида «Тановар», «Муножот»ни муваффақият билан ижро этди.

Нафиса Фарғона шаҳрида туғилиб ўсган. Оддийгина хизматчи оиласида вояга етган. Бу оиланинг икки қизчаси бўлиб, оналари энг ёрқин орзуларини иккovлари билан боғлаган эди. Кичкинтой ҳам барча қизалоқлар каби рақс тушишни жондилидан севарди. Унинг қувноқ ва нафис ҳаракатларидан онасининг юзида қувонч жилваланарди, қариндошларининг олқишидан қизалоқ ўзини еттинчи осмонларда ҳис қиларди. Болалик… Ўша дамларни эслаб у шундай дейди:

– Рақсга тушаётган лаҳзаларимда худди учаётганга ўхшардим… бу туйғу мени ҳамон тарк этган эмас.

У ҳаётини рақссиз тасаввур қила олмасди. Ана шундай қизиқиш уни Таваккал Қодиров номидаги Фарғона давлат санъат билим юртига етаклади. Бу ерда балетмейстерлар – Наби Раҳимов, Малина Зуннуноваларнан рақс санъати сирларини ўрганди. Устозлари унга юксак ишонч билан қарардилар. Нафиса устозлари ишончини оқлади. Ёш раққоса бугунги кунда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, таниқли балетмейстер Зиёда Мадраҳимова қўл остида ижод қилмоқда.

– У Мукаррама опа мактаби талабларига тўлиқ жавоб бера олади, – дейди Зиёда Мадраҳимова. – Саҳна маданиятини тўлиқ эгаллаган, ички маданияти ҳам юксак, камтар, одобли қиз. Ундан умидларимиз катта. «Ниҳол» мукофоти учун бўладиган нуфузли танловда иштирок этмоқчи. Нафисанинг меҳнатсеварлигига ҳавас қилса, арзийди. Айнан шундай инсонлар санъатда энг юксак чўққиларни эгаллашади.

Мукаррама опа рақс мактабида тобланган таниқли балетмейстернинг ўткир нигоҳлари илғаган истеъдод эгаси бу сафар ҳам устозлар ишончини қозонади, деб умид қиламиз.

Кўпчилик севиб томоша қилган «Туташ тақдирлар» телесериали Нафиса Раҳматовани мухлисларига янада яқиндан танитди. У актриса сифатида ҳам яхшигина маҳорат соҳибаси эканлигини намойиш этди. «Мазкур сериалда Нафиса гўё ўз-ўзини ижро этди», дейди устози Зиёда Мадраҳимова. Дарҳақиқат, рақсга, айниқса, «Тановар»га меҳри ҳам, ахлоқ-одоби, пазандалиги ҳам бор гап. «Туташ тақдирлар» шуниси билан эътиборлики, «Тановар»ни катта-кичик янада теранроқ англади. Ёдингизда бўлса, телесериал қаҳрамонлари Бекзод ва онаси раққоса қиз Раъно (Нафиса Раҳматова) ҳақида шундай мазмунда суҳбатлашадилар.

– У бор-йўғи бир ўйинчи-ку?! – дейди она.

– Ўйинчи эмас, раққоса, – дейди унга жавобан ўғли Бекзод. «Ўйинчими, раққосами, нима фарқи бор?» деган онасининг эътирозига шундай жавоб бўлади: «Фарқи бор!»

Ҳа, фарқи бор! Нафиса Раҳматова буни ўз истеъдоди, санъатга бўлган чексиз меҳри билан яна бир бор мухлисларига исботлади. У нафақат миллий рақсларимизни, балки дунё халқлари рақсларини ҳам маҳорат билан ижро этади. Биз ёш раққосадан янгидан янги рақслар, томошабинлар қалбидан жой оладиган янги роллар кутиб қоламиз.

**Назокат НОДИРШОҲОВА.**



Ветераны в боевом строю

## ПАТРИОТ – ВОСПИТАТЕЛЬ ПАТРИОТОВ

**Ровно тридцать лет своей жизни отдал работе в ОСО «Ватанпарвар» полковник в отставке Рихсибой Салихов. Его имя хорошо известно читателям нашей газеты. Неутомимый общественник, настоящий патриот Узбекистана Рихсибой Турсунович давний нештатный корреспондент газеты «Ватанпарвар» и частый гость в нашей редакции. Его заметки и статьи, опубликованные на страницах газеты, отличаются высоким профессионализмом, оптимизмом, искренним желанием интересно и по-новому рассказать о работе оборонного общества.**



Выпускник Ташкентского ВОКУ 1962 года Рихсибой Салихов за время службы в Вооруженных Силах прошел все нелегкие ступени обычной офицерской карьеры от командира мотострелкового взвода до командира мотострелкового батальона. А когда наступила пора завершать офицерскую службу в Вооруженных Силах, был направлен на работу с допризывной молодежью – воспитанию из них настоящих патриотов своей страны и народа.

Самый трудный, переломный момент истории Узбекистана он встретил на посту председателя Самаркандского областного совета оборонного общества и принял самое активное участие в формировании и становлении общества содействия обороне «Ватанпарвар».

Затем были годы работы в Центральном совете ОСО «Ватанпарвар» – заместителем председателя, начальником отдела организационно-массовой работы.

– Проводимая Центральным советом ОСО «Ватанпарвар» военно-патриотическая работа проходит в тесном контакте со многими государственными и общественными организациями, с хокимиятами, управлениями и отделами по делам обороны, Общественным движением молодежи «Камолот», фондами «Махалля», «Нуроний», комитетами женщин, – рассказывает Рихсибой Турсунович. – Вместе мы посещали семьи фронтовиков, родителей воинов, погибших в борьбе с терроризмом, защищая независимость нашей Родины.

И, конечно, велик вклад полковника в отставке Р. Салихова в организации и проведении различных мероприятий, направленных на военно-патриотическое воспитание молодежи, подготовку ее к службе в армии, в частности в распространении такой важной формы воспитания любви к национальной армии, какой являются встречи молодежи с воинами, проходящими срочную службу, а также уволенными в резерв. Те, кто служит, и те, кто отслужил, рассказывают призывникам о воинской службе, отвечают на вопросы, дают дельные советы.

Есть вклад Рихсибоя Турсуновича и в развитие в ОСО «Ватанпарвар» военно-технических и прикладных видов спорта. Нашей армии нужны физически крепкие, закаленные молодые люди, способные преодолевать трудности походной и боевой жизни, выдерживать большие нагрузки.

Чтобы рассказать о тридцатилетнем труде полковника в отставке Р. Салихова на ниве воспитания патриотов независимого Узбекистана, потребуется целая книга. О поиске новаторских идей, творческой инициативе и деятельности многих своих сотрудниках, проявлявших добросовестное отношение к выполнению служебных обязанностей, высокий профессионализм, Рихсибой Турсунович сам рассказал на страницах нашей газеты.

16 июня 2009 года полковнику в отставке Р. Салихову, настоящему патриоту и прекрасному человеку, исполняется 70 лет. Коллектив редакции газеты «Ватанпарвар» от души присоединяется к многочисленным поздравлениям и желает ветерану крепкого здоровья и долгих лет жизни. И мы уверены, наши читатели еще не раз увидят на страницах «Ватанпарвара» его статьи и заметки.

**Владимир КАЛОШИН.**
**Фото автора.**

# СПОРТ

Бокс

## ҲАСАНОВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

**Шу кунларда Хитойда бокс бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган 11 нафар «чарм қўлқоп устаси»дан беш нафари МҲСК аъзосидир.**



Қитъа чемпионати баҳслари 7 июнь куни бошланди ва у 14 июнга қадар давом этади. Терма жамоамиз таркибида Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари Рафиқ Султонов (51 кг.), Элшод Расулов (75 кг.), Аббос Атоев (81 кг.), Жасур Матчонов (91 кг.) ва Сардор Абдуллаев (+ 91 кг.) ҳам бор. Дастлабки олинган маълумотларга кўра, боксчиларимиз илк жангларда ғалаба қозониб, кейинги босқичга йўл олишган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Рафиқ Султонов, Элшод Расулов, Аббос Атоев ва Сардор Абдуллаевлар бугунги кунда яхши спорт формасида. Зеро, улар Осиё чемпионатига Туркияда ўтказилган халқаро мусобақа совриндорлари сифатида йўл олишди.

Асосий боксчиларимиз қитъа чемпионатига жўнаб кетаётган кунлари Арманистоннинг Ереван шаҳридан хушхабар олдик. Бу ерда май ойининг сўнгги кунлари бокс бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтган эди. 45 мамлакат спортчилари иштирок этган дунё биринчилигида ўсмирларимиз битта олтин ва тўртта бронза медалини қўлга киритишди.

80 кг. вазн тоифасида рингга чиққан ёш истеъдодли боксчимиз Мирзабек Ҳасанов барча рақиблари устидан ишончли ғалабага эришди. У финалда эквадорлик Итало Перса Кастиллони 13:6 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони бўлди.

Жавлон Эшматов (46 кг.), Бургут Ҳожибоев (50 кг.), Барҳаёт Обидов (60 кг.) ва Равшанжон Абдуназаров (70 кг.) ҳам чемпионатда муваффақиятли қатнашишди. Улар ярим финалга қадар етиб бориб, жаҳон чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлишди.

### ПРОФЕССИОНАЛЛАР ЖАНГИ

Екатеринбург шаҳрида профессионал боксчиларнинг рейтинг жанглари бўлиб ўтди.

Тўрт йиллик профессионаллик фаолиятида 11 марта рингга чиқиб, уларнинг 10 тасида муваффақият қозонган юртдошимиз Ғайрат Абдуҳакимов бу сафар россиялик боксчи Евгений Хилга қарши жанг қилди. Олти раунд давом этган баҳс Ғайратнинг очколар ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Шунингдек, 20 ёшли ҳамюртимиз Лазиз Боймуродов ҳам 39-марта рингга чиққан эстониялик рақиби Сергей Тасимовни учинчи раунддаёқ нокаутга учратиб, кетма-кет ўн биринчи ғалабасини нишонлади. Тошкентлик Беҳзод Набиев эса угандалик Абду Тебазалвага қарши саккиз раунд жанг қилишига тўғри келди. Деярли барча рақибларини нокаутга учратиб, ғалаба қозонган бу икки боксчи ўртасидаги жангда Б. Набиев устун келди ва ўзининг профессионал рингдаги ўн бешинчи ютуғини нишонлади.

**Р. ЭРМУҲАММАД.**

Дзюдо

## ФАРМОННИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

**Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида дзюдо бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда МҲСКнинг икки нафар аъзоси ҳам иштирок этди.**

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Фармон Қобуловнинг Ўзбекистон чемпионати ва халқаро мусобақалардаги муваффақиятларига кўп бор шоҳид бўлганмиз. Мураббий Б. Григорьев қўлида тарбияланаётган спорт устаси бу гал ҳам ўз мухлислари ишончини қозонди. 81 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан курашчимиз барча рақибларини мағлуб этди ва халқаро мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди. Унинг жамоадоши Азиз Зуваев 60 кг. вазнлилар ўртасидаги беллашувларда чорак финалга қадар етиб борди. Ярим финалга чиқиш имконини берувчи беллашувда спорт усталигига номзод вакилимиздан бироз омад юз ўгирди ва халқаро мусобақада фахрли бешинчи ўрин билан кифояланди.

Ёзги биатлон

## НАМАНГАНЛИКЛАР ҒОЛИБ

**Чирчиқ шаҳрида ёзги биатлон бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 60 нафарга яқин спортчи иштирок этиб, ғолиблик учун баҳс олиб борди.**

Чемпионат Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази томонидан ташкил этилди ва биринчилик қизиқарли баҳсларга бой бўлди.

Эркаклар ўртасидаги 4 ва 6 минг метрга югуриш ва пневматик милтиқдан отиш баҳсларида жиззахлик Анузар Юнусов ва самарқандлик Жамшид Тиллаев ғолиб чиқди.

Аёллар ўртасидаги 3 ва 5 минг метрга югуриш ва пневматик милтиқдан отиш бўйича баҳсларда наманганлик Анна Древа ғалаба нашидасини сурди.

Умумжамоа ҳисобида Наманган вилояти вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Жиззахликлар иккинчи ва самарқандликлар учинчи ўринга сазовор бўлишди.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.**

Самбо

## САМБО ЮЛДУЗЛАРИ ТОШКЕНТДА

**Мамлакатимиз халқаро миқёсдаги яна бир нуфузли мусобақага мезбонлик қилди. Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида самбо бўйича Осиё биринчилиги ва самбо юлдузларининг жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 500 нафарга яқин полвонлари ғолиблик учун кураш олиб боришди.**

Юртимизда спортни нафақат янада ривожлантириш, балки келажагимизни белгиловчи болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, спорт-соғломлаштириш муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ва ўқув-машғулотларининг моддий-техник базасини янгилаб бориш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб, амалиётга татбиқ этиш борасида янги босқичга ўтилдики, бу Ватанимиз спорти тарихидан тараққиётнинг кескин бурилиш даври сифатида ўрин олиши шубҳасиз. Замонавий спорт мажмуалари қурилиб, кенг омма фойдаланиши учун топширилиши, чемпионат ҳамда кубок мусобақаларининг мунтазам ўтказилиши спортчиларимизнинг халқаро майдонлардан совриндор бўлиб қайтишига, ўз навбатида жаҳон миқёсидаги нуфузли турнирларнинг мамлакатимизда ўтказилишига сабаб бўлмоқда. Апрель ойида пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақа юқори савияда ўтказилган эди, ўтган ҳафтада пойтахтимизнинг бошқа бир спорт мажмуи – «Жар» самбо бўйича Осиё биринчилиги ва самбо юлдузларининг жаҳон чемпионатига мезбонлик қилди. Тўрт кун давом этган бу мусобақаларда юртимиз самбочилари етакчилик қилгани янада қувонарлидир. Яна шуни таъкидлаш жоизки, шу пайтгача мазкур спорт тури бўйича қитъа биринчиликларида 20 тагача мамлакат вакиллари қатнашган эди. Ватанимизда ўтказилган мусобақа эса 30 дан ортиқ давлат самбо юлдузларини жамлашга муваффақ бўлди.

Дастлабки кунги беллашувларда полвонлар Осиё чемпионлиги учун кураш олиб боришди. Умумий ҳисобда 8 та олтин, 3 та кумуш ва 5 бронза медалини қўлга киритган мамлакатимиз терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Эркаклар ўртасидаги беллашувларда Шавкат Жўраев (52 кг.), Дамир Муҳидов (74 кг.) ва Акобир Қурбонов (90 кг.), аёллар баҳсларида Шоҳида Назарова (52 кг.), Ўғилжон Рўзметова (56 кг.), Нилуфар Давлатова (64 кг.), Соҳиба Эштемирова (72 кг.) ва Дилноза Қамбарова (+80 кг.) барча рақибларини енгиб, Осиё чемпионлигини қўлга киритишган бўлса, Одилжон Туленбоев (+100 кг.), аёллар баҳсида Гулмира Исматова (68 кг.) ва Нодира Алибекова (80 кг.) қитъа биринчилигининг кумуш медалларига сазовор бўлишди. Ярим финалгача баҳс олиб боришга муваффақ бўлган Равшан Тўрақулов (57 кг.), Шоҳруҳ Шукуров (69 кг.) ва Зариф Расулов (100 кг.), аёллар ўртасида Нафосат Ғаффорова (48 кг.) ва Гўзал Каримова (60 кг.) Осиё биринчилигининг бронза медаллари билан тақдирланишди.

Мусобақанинг иккинчи куни ёшлар ўртасида қитъа чемпионати, учинчи куни жанговар самбо баҳслари ва тўртинчи куни жаҳон самбо юлдузларининг беллашувлари бўлиб ўтди. Барча турнирлар юқори савияда ташкил этилгани хорижлик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилди. Мухлислар эътиборини эса тўртинчи кунги жаҳон самбо юлдузлари ўртасидаги баҳслар ўзига жалб қилди. Ахир бундай мусобақалар ҳар доим ҳам ва барча мамлакатларда ҳам ўтказилавермайди. Бунинг учун аввало мусобақаларни қабул қилувчи юрт спортчилари халқаро майдонларда юқори натижаларга эришиши талаб этилади ва иккинчи навбатда мезбонлик қилувчи мамлакат спорт иншоотларидаги шарт-шароитлар жаҳон андозалари ва талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган даражада бўлиши лозим. Бир-бирига узвий боғлиқ бу талаблардан кўзланган мақсад спортни жаҳон миқёсида ривожлантириш, бу борада бирмунча ортда қолаётган мамлакатларни илғорлар сафига қўшилиш учун интилишга чорлашдир. Ана шундай нуфузли мусобақанинг юртимизда ўтказилишини эса, аввало, халқаро майдонларда кўплаб муваффақиятларга эришиб, зафар қозонган самбочиларимизнинг мухлисларга ажойиб тортиғи ва уларнинг юқори маҳоратли спортчилар бўлиб камол топиши учун давлатимиз томонидан керакли шарт-шароитлар яратиб берилишининг маҳсули сифатида баҳолаш мумкин. Жаҳон самбо мутахассислари Ўзбекистоннинг бу борадаги илғор тажрибаларини дунёга тарғиб-ташвиқ қилиш учун ҳам нуфузли мусобақани айнан бизнинг юртимизда ўтказишга қарор қилган. Шу пайтгача самбода юқори натижаларга эришмаган Сурия вакилларининг Осиё чемпионати совринлари учун гиламга чиқишганда спорт мутахассислари-ю мухлислар уларни бежизга олқишлашмади. Чунки бу юртда эндиликда спорти ривожланган мамлакатнинг мутахассиси сифатида ўзбекистонлик Нусрат Валиев иш олиб бормоқда. Унинг меҳнати, билим ва тажрибалари сурияликларни қитъа чемпионатининг совриндорлари қаторидан ўрин олишга олиб келди.

Жаҳон самбо юлдузларининг беллашувлари юқорида таъкидлаганимиздек, мухлислару мутахассисларнинг диққат-эътиборида бўлди. Айниқса, 90 кг. вазн тоифасида самбо бўйича жаҳон кубоги соҳиби, ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпиони бўлган юртдошимиз Акобир Қурбонов ва мўғулистонлик Гарбосарян Эрзунбояр ҳамда 82 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан россиялик Константин Попов ва ўзбекистонлик Акром Эшов ўртасидаги финал беллашувлари қизиқарли кечди. Акобир Қурбонов биринчи уринишдаёқ Эрзинбоярни боши узра кўтариб, ерга чалқанча ташлашда уни бироз аяган бўлса, иккинчи уринишда рақибининг елкаларини ерга теккизиб, муддатидан олдин соф ғалабага эришди. Акром Эшов эса, аксинча, тажрибали рақибининг тезкор ҳаракатларига дош бера олмади.



Уч кун олдин Осиё чемпионати баҳсларида бронза медали билан кифояланган вакилимиз Равшан Тўрақулов (57 кг.) қитъа биринчилигидаги қатнашув унинг учун бир омадсизлик бўлганлигини жаҳон самбо юлдузлари беллашувларида исботлади. У финалда қозоғистонлик моҳир самбо устаси Қанот Нуровни 10:2 ҳисобида мағлуб этди. Шунингдек, 62 кг. вазнли вакилимиз Баҳром Ўрозбоев ҳам финалда қозоғистонлик полвонга қарши беллашди. Бу баҳсда ҳам ғолиб номини очколар орқали аниқлашга тўғри келди – вакилимиз 9:3 ҳисобида ғалаба қозонди.

Аёллар ўртасидаги жаҳон юлдузлари беллашувларида вакилларимиздан Шоҳида Назарова (52 кг.), Гулчеҳра Маманова (64 кг.) ва Элдора Умирова (72 кг.) кумуш, Осиё чемпиони Соҳиба Эштемирова (72 кг.) эса бронза медалига сазовор бўлди. Энг оғир вазнлилар баҳсида Дилноза Қамбарова яна тенгсизлигини кўрсатиб, Осиё чемпионлиги қаторига жаҳон самбо юлдузлари турнирининг олтин медалини ҳам қўшиб қўйди.

Эркаклар ўртасидаги энг оғир вазнлиларнинг финал беллашувлари юртдошларимизнинг ўзаро баҳсига айланиши, бундай нуфузли мусобақанинг нега Ўзбекистонда ўтказилаётганининг ўзига хос рамзий ифодаси бўлди. 100 кг.гача вазнлилар беллашувида 90 кг. вазнли самарқандлик полвон Элдор Ғуломов финалда ўзидан бир неча килограмм оғирликдаги Зафар Расуловни мағлуб этган бўлса, 100 кг.дан оғир вазнлилар баҳсида Азамат Турданов машғулотларда ҳам рақобатдоши бўлган Нодир Ахматовни енгди. Бир юрт вакилларининг жаҳон юлдузлари беллашувида, бунинг устига финалда ўзаро қарама-қарши келиши, бу шу юрт спортининг улкан муваффақияти, равнақидан далолат демакдир. Самбо юлдузларимизга ноябрь ойида Грецияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам шундай зафарларни қўлга киритишларини тилаб қоламиз.

**Расул ЖУМАЕВ.**

# СПОРТ

Юнон-рум кураши

## УМИДЛИ КУРАШЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Самарқандда юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ва болалар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда МҲСКнинг олти нафар аъзоси иштирок этиб, уч нафари чемпион бўлди.**

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш оммавийлашаяпти. Болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги мусобақаларга алоҳида эътибор берилаётгани, бу йўналишлар учун ажратилаётган маблағлар кўлами йил сайин ортиб бораётгани бир кун келиб улкан натижа бериши тайин. Зеро, спорт – аввало, халқимиз соғлом турмуш тарзининг омили, баркамол авлод вояга етишишининг гаровидир. Қолаверса, спорт оммавийлашган жамиятда соғлом фикр, эзгу ғоялар қарор топади, юксакликка интилиш бўлади. Ёшларни қийинчиликлардан чўчимаслик, ғолиблик ва аниқ мақсад учун курашиш, ҳеч бўлмаганда ор-номус, халқ шаъни, туғилиб ўсган юртининг шавкати учун қайғуриш руҳида тарбиялайди. Самарқандда ўтказилган юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасидаги мамлакат биринчилиги баҳслари давомида ҳам ана шундай кайфият – ғолиблик учун курашиш, вакилларининг ютуқларидан қувониш, омадсизликларидан қайғуриш ҳислари ҳукмронлик қилди.



Чемпионатда Марказий ҳарбий спорт клуби шарафини катта мураббий Д. Коршунов шогирдлари ҳимоя қилди. Армиячиларнинг гиламга чиқишларида ҳарбийларга хос бўлган етакчиликка, сўнгги лаҳзаларгача фақат ғалаба сари интилиш руҳи сезилиб турди. Бу уларнинг эришган натижаларида ҳам ўз аксини топди. 66 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан ёш истеъдодли полвон М. Шамсуддинов барча рақиблари устидан соф ғалабага эришиш билан бирга, армиячилар қўлида тарбияланаётганини ғурур билан намойиш этди. 42 кг. вазн тоифасида кураш тушган Ж. Абдурасулов ҳамда энг ёш ва енгил вазнда беллашган С.Казакбаев ҳам мураббийлари берган сабоқларга амал қилган ҳолда, уларнинг юзини ерга қаратишмади – чемпионликни қўлга киритишди. Фақат мураббий Д. Коршуновнинг «севимли шогирди» И. Коршунов бироз омадсизликка учради. У чорак финалга қадар ғалабали одимлади, лекин машғулотлар давомида устозига қилган озгина эркалиги ҳақиқий беллашувлар гиламида панд бериши мумкинлигини Самарқандда англади ва чемпионатда бешинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди. МҲСК вакилларидан В. Овчинников (47 кг.) биринчиликда бешинчи, А. Муҳиддинов (47 кг.) еттинчи ўринни эгаллади. Шундай қилиб, биринчиликда қатнашган олти нафар ёш армиячидан уч нафари мамлакат чемпиони бўлди.

**Гавҳар САОДАТОВА.**

Енгил атлетика

## АРМИЯЧИЛАР ЕТАКЧИ

**Пойтахтимизда енгил атлетика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаблари (РОСММ) биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари етакчилик қилиб, чемпионатнинг 12 та олтин, 6 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритишди.**

XXIX Олимпиада ўйинлари иштирокчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси кичик сержант Надия Дўсанова баландликка сакраш бўйича 1,85 метр натижа кўрсатиб, МҲСК ҳисобига дастлабки олтин медални олиб келди. 22 ёшли спортчи бугунги кунда таниқли мураббий Анвар Кўчмуродов қўлида тарбияланаяпти. Шу ўринда ушбу мураббий шогирдларидан кўпчилиги РОСММ биринчилигида ғолиб чиққанлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, спорт устаси Артём Дятлов 400 метрга югуриш бўйича 48,71 сония, шу масофага тўсиқлар оша югуриш бўйича 52,48 сония натижа кўрсатиб, ҳар икки жабҳада биринчи ўринни эгаллаган бўлса, спорт усталигига номзод Саад Багади 400 метрга югуриш борасида Артёмдан кейин маррани кесиб ўтди. 800 метрга югуришда ҳам А. Кўчмуродов шогирдлари пешқадамлик қилди. Жумладан, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Павел Холодов 1 дақиқа 54,70 сония натижа билан йигитлар ўртасидаги баҳсларда барчани ортда қолдирган бўлса, қизлар баҳсида спорт устаси Анна Сидоровага тезлик бобида тенг келадиган топилмади. Таниқли мураббийнинг шогирдлари 200 метрга югуриш баҳсларида ҳам совриндор бўлишди. Спорт усталигига номзод Игорь Гончаров 22,38 сония натижа билан йигитлар ўртасидаги баҳсларда иккинчи, Альбина Сибагатуллина қизлар ўртасида учинчи ўринни эгаллади.

РОСММ биринчилигида мураббий Г. Казакова шогирдлари ҳам муваффақиятли қатнашди. Улардан олти нафари МҲСК ҳисобига чемпионатнинг олтин медалларини олиб келди. Хусусан, халқаро тоифадаги спорт усталари Олег Норматов ва Олег Журавлёв 110 метрга тўсиқлар оша югуриш ҳамда 200 метрга югуриш бўйича республика олий спорт мактаблари тарбияланувчилари орасида ўзларининг тенгсизлигини намойиш қилишган бўлса, спорт усталари Анастасия Прошкина ва Александра Бистригова қизлар ўртасидаги айнан шу йўналишлар бўйича баҳсларда ғолиб чиқишди. Казакованинг яна бир шогирди, спорт устаси Диана Плумаки уч ҳатлаб сакраш бўйича 13,16 метр натижа кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади. 100 метрга югуриш борасида 10,79 сония натижа РОСММ биринчилиги ғолиблигини қўлга киритиш учун етарли бўлди. Бу натижа спорт усталигига номзод Акбар Умаровга тегишлидир. Акбар ҳам МҲСКда, Г. Казакова қўлида тарбияланади.

МҲСК ҳисобидаги чемпионатнинг яна бир олтин медали истеъдодли ёш спортчимиз Севара Кўчмуродовага тегишлидир. У, одатдагидек, икки жабҳада баҳсларда қатнашди. 100 метрга югуриш бўйича биринчи, 200 метрга югуриш бўйича эса учинчи ўринни эгаллади. Спорт усталигига номзод Марат Ҳайдаров етти кураш баҳсларида яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатидаги каби РОСММ биринчилигида ҳам ғолиб чиқиб, МҲСК ҳисобидаги олтин медалларни 12 тага етказди.

Найза улоқтирувчилар Анастасия Семибратова ва Иван Зайцев, диск улоқтирувчи Алексей Шукин, 400 метрга тўсиқлар оша югурувчи Анастасия Прошкина армиячилар ҳисобидаги кумуш медаллар сонини бойитган бўлса, 100 метрга югуриш бўйича қизлар баҳсида Оксана Кошелева учинчи ўринни эгаллади.

Умуман олганда, РОСММ биринчилиги қизғин баҳсларга бойлиги билан мураббий ва мухлислар эътиборини қозонди. Зеро, бу майдонда профессионал спортчи сифатида камол топаётган ёш истеъдодлар, келгусида халқаро мусобақалар ва Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи бўлажак спорт юлдузлари ўзаро баҳс олиб боришди.

**Р. ЖУМАЕВ.**

Футбол

## ЭНДИ ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

**Келаси йили Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритган дастлабки терма жамоалар номи маълум бўлди. Европадан Голландия, Осиёдан Австралия, Япония ва Жанубий Корея. Қитъамизнинг тўртинчи терма жамоаси ва яримта йўлланма учун 5-босқичда баҳсни давом эттирувчилар 17 июнь куни аниқланади.**

11 февралда Тошкентда Баҳрайнга, 1 апрелда Сиднейда Австралия терма жамоасига қарши ўйинда 0:1 ва 2:0 ҳисобида ютқазиб қўйгандан сўнг, амалда яримта йўлланма учун кураш олиб бораётган миллий терма жамоамиз 6 июнь куни «Пахтакор» марказий стадионида Японияни қабул қилди. Учрашувдаги ғалаба японлардан ҳам кўра биз учун жуда зарур эди. Чунки, меҳмонлар омадсизликка учраса ҳам кейинги ўйинларда йўлланмани қўлга киритиш имконияти бор эди, бизда эса яримта йўлланма учун баҳсни давом эттириш имконияти ҳам йўқолиш хавфи остида қоларди. Ана шу ҳаяжон ҳисси футболчиларимизнинг ўйинига таъсир қилишидан хавфсираб стадионга келган мухлислар дастлабки дақиқаларданоқ майдонда тамоман ўзга ҳолатга шоҳид бўлишди. Севимли жамоаси ўйин бошиданоқ икки ҳужумчи билан майдонга чиққан, футболчиларнинг ишончли ҳаракатларида ғалабага бўлган чанқоқлик яққол сезилиб турарди. Лекин… қарши ҳужумга ўтган меҳмонларнинг илк уринишиёқ Шинжи Оказакининг дарвозамизга гол киритиши билан якунланди. Ўша омадсиз 9-дақиқа бироз фурсат ўйинчиларимизни саросимага солиб қўйди. Шу куни стадионни тўлдириб ўтирган мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши бу тушкунликни тезда бартараф этди. Футболчиларимиз ўйин тизгинини ўз қўлларига олишига қарамай, мухлислар учрашувда бошқа гол кўришмади. Учрашувдан сўнг кўпчилик мутахассислар, турли клуб мураббийлари терма жамоамизнинг ўйинидан қаноатланганлигини, лекин натижа ўйинга ярашa бўлмаганлигини эътироф этишди.

Мазкур ғалабадан сўнг очколарини 14 тага етказган Япония терма жамоаси жаҳон чемпионатининг финал босқичига тўғридан-тўғри бериладиган йўлланмани қўлга киритди. Терма жамоамиз эса… уларни финал босқичда кўришни орзу қилган кўп минг сонли футболсеварларимиз қаторида 10 июнь куни ўтказиладиган учрашувларда Австралия ва Япония терма жамоаларига мухлислик қилишга мажбур бўлди. Чунки ўша куни Қатар терма жамоаси Токиода Япония устидан ғалаба қозонса ёки Баҳрайн Сиднейда Австралия билан дуранг ўйнаса ҳам терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати финал босқичига бориш имконияти бутунлай йўқоларди. Бунинг устига биз мухлислик қилишга мажбур бўлган терма жамоаларга 10 июнь кунги учрашувларда ғалаба тугул дуранг натижа ҳам энди умуман кераксиз эди. Чунки 6 июнь куни Қатар билан дуранг (0:0) ўйнаган Австралия терма жамоаси ҳам Япония каби йўлланма масаласини ҳал қилиб бўлганди. Терма жамоамизнинг 5-босқич баҳсларига чиқиш ёки чиқмаслиги энди шу жамоалар муваффақиятига боғлиқ бўлиб қолганди. Бахтимизга чоршанба кунги Япония – Қатар учрашуви 1:1 ҳисобида якунланди, Австралия эса Баҳрайнни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бизга имконият эшикларини очишди. Энди ҳаммаси ўз қўлимизда. 17 июнь куни Баҳрайнга қарши меҳмонда ўтказиладиган учрашувда терма жамоамизни фақат ғалаба, мезбонларни эса дуранг натижа ҳам қониқтиради.

**Ж.РАСУЛОВ.**

## ҚАЙДНОМА

**БОКС.** Россияда ўтказилган халқаро мусобақада 57 кг. вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимиз Баҳодир Султонов олтин медални қўлга киритди. Афина Олимпиадаси совриндори финалда россиялик Ҳ. Эргашевни мағлуб этди. Шунингдек, терма жамоамиз аъзолари – Шаҳриёр Исоқов, Фаррух Қиличев ва Адҳам Казаковлар ҳам халқаро мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлишди.

**ФУТБОЛ.** Мисрда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Ленкоран шаҳрида Озарбайжон ёшлар терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. «Олмалиқ» клуби ярим ҳимоячиси Зоҳир Пиримов томонидан ўйиннинг 40-дақиқасида киритилган гол ёшлар терма жамоамизнинг ғалабасини таъминлади. Ёшларимиз ўтган ҳафтада Германияда навбатдаги йиғин ўқув-машғулотларини ўтказишди. «Рокенберг» жамоаси билан назорат учрашувида 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

**ТЕННИС.** Туркияда ўтказилган Халқаро теннис федерацияси (ITF) таснифидан жой олган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги мусобақада ўн беш ёшли ҳамюртимиз Нигина Абдураимова ғолиб чиқди. Мусобақанинг «бешинчи ракеткаси» ҳисобланган Нигина финалда сербиялик Жовани Жаксични 6:1, 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, юртдошимиз 2009 йил мобайнида 16 марта кортга чиқиб, уларнинг 14 тасини ғалаба билан якунлади.

**ОТ СПОРТИ.** Бишкекда от спорти бўйича жаҳон кубоги учун Марказий Осиё лигасининг иккинчи босқич баҳслари бўлиб ўтди. Спортчимиз Ибрагим Йўлдошев «Рио Сакраменто» лақабли оти билан «Жокер» машқларида ғолиб чиқди. Алексей Локтев ва Даврон Ғафуров учинчи ўринни эгаллади. Умумжамоа ҳисобида ҳам вакилларимиз учинчи бўлишди.

**ЭРКИН КУРАШ.** Россияда ўтказилган халқаро мусобақада 60 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан вакилимиз Дилшод Мансуров финалга қадар етиб борди. Сўнгги беллашувда ундан омад юз ўгирди. Россиялик Аҳмад Чалаевдан енгилган Д. Мансуров нуфузли мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди.

**ЭШКАК ЭШИШ.** Байдарка ва каноэ бўйича жаҳон кубоги учун баҳсларда юртдошимиз Вадим Меньков муваффақиятли қатнашяпти. Чехияда ўтказилган биринчи босқичда у 1000 ва 500 метрлик пойгада олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган эди. Польшада ўтказилган иккинчи босқич баҳсларида В. Меньков 1000 метрлик пойгада яна биринчи бўлди. 500 метрлик масофада эса каноэчимиз учинчи бўлиб маррани кесиб ўтди. Икки босқич умумий якунига кўра вакилимиз жаҳон кубоги баҳсларининг пешқадамига айланди.

**АКРОБАТИКА.** Россиянинг Краснодар шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада ўзбекистонлик спортчилар иккита бронза медалини қўлга киритишди. Жуфтликлар баҳсида Ҳакима Содиқова ва Май Байгузин дуэти, қизлар ўртасидаги гуруҳ баҳсларида Камила Аблаева, Албина Ҳакимова ва Алия Алимқуловадан иборат жамоамиз халқаро мусобақа совриндори бўлишди.

**УНИВЕРСИАДА.** 2015 йилги ёзги Универсиада ўйинлари Жанубий Кореянинг Кванжу шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Халқаро университет спорти федерацияси (ФИСУ) аъзоларининг Бельгияда бўлиб ўтган навбатдаги йиғинида овоз бериш йўли билан шундай қарорга келинди.

**ФУТЗАЛ.** Терма жамоамиз 2009 йил октябрь ойида Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарликни бошлаб юборди. Шундай мақсадда юртимизга ташриф буюрган Малайзия терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Унда вакилларимиз 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Учинчи марта ўтказиладиган қитъа биринчилигида вакилларимизнинг яхши натижага эришиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки 2010 йилги Осиё чемпионати Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилган.

**ФУТБОЛ.** Осиё чемпионлар лигасининг нимчорак финалида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» жамоаси дарвозасига 79-дақиқада киритилган гол нафақат «Пахтакор»га муҳим ғалабани келтирди, балки гол муаллифи Зайниддин Тожиевни 2002 йилдан буён ўтказиб келинаётган қитъа чемпионлар лигаси мусобақаси тўпурарларининг пешқадамига айлантирди. З. Тожиев ҳисобидаги голлар сони 13 тага етди. Унинг яқин таъқибчилари – Анвар Солиев (Ўзбекистон), Ан Чжун Хван (Ж. Корея), Ким До Хун (Ж. Корея) ҳисобида 12 та гол бор.

**ДЗЮДО.** Хитой Тайпейида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ўзбекистонликлар битта кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритишди. 90 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Дилшод Чориев кумуш, Ришод Собиров (60 кг.), Шокир Мўминов (81 кг.) ва Одилжон Тулендибоев мутлақ вазнда ярим финалгача кураш олиб бориб, бронза медалига сазовор бўлишди.

# МАДАНИЯТ

"Ягонасан, муқаддас Ватан!"

## «САҲНАГА ЧИҚИШНИНГ ЎЗИ ҒАЛАБА»

Офицерлар марказий саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ҳамда Умумҳарбий қўшиқлар фестивалининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди.

– Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли вазифани бажариб келаётган забардаст посбонлар томонидан ижро этилган ҳар бир қўшиқда ўзига хослик бор, – дейди ҳайъат раиси, Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг фахрий раиси, санъат арбоби, профессор Аҳмед Жабборов. – Тўғри, профессионал қўшиқчилар даражасида чиқишлар нисбатан кам бўлди ва бундай ҳолатнинг кузатилиши табиий. Лекин ҳар бир иштирокчининг саъй-ҳаракати, интилиши алоҳида эътирофга лойиқ. Ўйлайманки, бу кўрик-танловда мағлублар йўқ. Чунки, саҳнага чиқиш, ўз санъатини намойиш этишнинг ўзиёқ муҳим ғалаба.

Таъкидлаш жоизки, она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат, ҳарбийлик касбига ҳурмат ва эҳтиром, юртпарварлик руҳи сингдирилган қўшиқлар томошабинларни бефарқ қолдирмади. Ҳар бир чиқишнинг гулдурос қарсаклар билан қарши олиниши, иштирокчиларнинг қўллаб-қувватланиши юқоридаги фикримизнинг далилидир.

– Асли Навоий вилоятидан бўлганим учунми ёки ижро маҳорати сабабли менга шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Саидакбар Аҳмедов ижро этган «Шаҳрим Навоий» қўшиғи жуда ёқди. Беихтиёр она шаҳрим ёдимга тушиб кетди, – дейди кичик сержант Рустам Бозоров.

– «Тановар»ни тинглаб, дилим яйради, – дейди Шарофат опа Исмоилова. – Ҳарбийлар орасида ҳам бундай хушовоз йигитлар бор эканлиги қувонарли ҳол. Демак, Ватан ҳимоячилари нафақат спорт, ақлий салоҳият, балки санъат борасида ҳам беллаша олишади. Аслида, ўз истеъдодини намойиш этиш учун санъаткор бўлиш шарт эмас. Муҳими, ижод қилиш учун шароит, имконият яратилса бас.

Учта йўналиш бўйича ўзаро беллашган танлов қатнашчиларининг чиқишларини баҳолаб борган ҳайъат аъзоларининг қарорига кўра, кичик сержант Баҳодир Исмоилов «Сени ололмайди, ҳеч қандай ғаним», кичик сержант Самариддин Сулаймонов «Ўзбекистон мард ўғлонлари», шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар Ойбек Сиддиқов «Истиқлолинг муборак» деб номланган қўшиқлари билан ғолиб бўлдилар. Демак, ушбу иштирокчиларнинг чиқишларига Мудофаа вазирлиги миқёсидаги босқичда ҳам гувоҳ бўламиз.

– Талабалик даврида турли танловларда қатнашганман, – дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти битирувчиси, айни пайтда сафарбарлик чақируви резервидаги ойлик йиғинга жалб этилган фуқаро Ҳаётбек Усмонов. – Ҳарбийлар ўртасида ҳам кўплаб танлов ва мусобақалар ўтказилар экан. Билишимча, «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловида биринчиликни қўлга киритган иштирокчи ёки жамоа республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу эса ўз навбатида танловнинг кенг қамровлилиги, савияси юқорилигидан далолат.

Янги-янги истеъдодларни кашф этиши, бетакрор қўшиқлар яратилиши билан кўпчиликка манзур кўрик-танловнинг барча иштирокчиларига ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

**Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.**
**Муаллиф суратга олган.**






## ВАТАННИ МАДҲ ЭТИШ – УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

**Мустақиллик туфайли ҳар бир юртдошимиз онгу шуурида Ватан туйғуси қайта уйғонди, десак, хато бўлмайди.**

Бундай маънавий юксалиш ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, эл-юрт равнақига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, уларни фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш билан бевосита боғлиқдир.

Ватан туйғуси мурғак қалбларга она алласи ҳамда миллий куй-қўшиқларимиз орқали киради. Мамлакатимизда санъат ва маданиятни ривожлантиришга, Ватан ҳақидаги халқчил асарлар яратишга эътиборнинг аҳамияти беқиёс эканини таъкидламоқ жоиз. Ана шу ғамхўрлик натижасида кўплаб янги қўшиқлар, куйлар, сержило рақслар халқимизнинг маънавий мулкига айланмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган қарорига мувофиқ ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ҳам Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантиришга қаратилган эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мен санъатшунос сифатида кўп йиллардан буён турли кўрик-танловларни ташкил этиш, ўтказиш жараёнларида бевосита қатнашиб келаман. Санъатнинг қайси соҳаси бўлмасин, янги асар, аввало, мазмуни билан тингловчига таъсир ўтказади. Куй, оҳанг, ижро ҳар қанча жозибали бўлмасин, агар қўшиқ матни саёз бўлса, қалбларга етиб бормайди. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг дастлабки босқичларини кузатиш жараёнида бунга яна бир карра амин бўлмоқдаман.

Танлов иштирокчилари қўшиқнинг матни ва куйи ҳамоҳанглигига эътибор қаратиш баробарида ижрочиликда ҳам янги йўналишларга интилаётганини эътиборга лойиқ. Концерт залларида ижро этилаётган, эфир орқали тақдим этилаётган қўшиқларнинг ҳаммасини ҳам юксак санъат асари, дейиш қийин. Мазмунан саёз, тингловчига маънавий озуқа беролмайдиган ашулалар ҳам йўқ эмас.

"Ягонасан, муқаддас Ватан" танловида масаланинг мана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Демак, муаллифлар ҳам, ижрочилар ҳам танловни ўтказишдан кўзланган мақсадни тўғри, юракдан ҳис этмоқдалар. Ватанни мадҳ этиш катта шараф бўлиши баробарида улкан масъулият ҳамдир.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Самарқанд ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия майори Дилмурод Нормуродович Ғозиевнинг падари бузруквори

**ҒОЗИЕВ**

**Нормурод Ғозиевичнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор Р. ЖУМАЕВ, Қуролли Кучлар хизматчиси В. КАЛОШИН.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Ислакаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 25600.
Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-75-52.